

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ  
МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ПАРТИЯ ТАРИХИ  
ИНСТИТУТИ  
КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
МАРКСИЗМ ЛЕНИНИЗМ ИНСТИТУТИНИНГ ФИЛИАЛИ

Э. Ю ЮСУПОВ, Ш. С. ЗИЁМОВ

# АСР БИЛАН ЁНМА-ЁН

Тошкент  
Ўзбекистон ЛКСМ  
Марказий Комитети  
«Еш гвардия»  
нашриёт  
1983

Қўлингиздаги ушбу китобга Ўзбекистонда социализм қурилиши йўлида жонбозлик кўрсатган оловқалб кишилар ҳақидаги публицистик мақолалар ва очерклар киритилган.

**Масъул муҳаррир — Ҳ. Т. ТУРСУНОВ,  
Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг  
мухбир аъзоси.**

А  $\frac{7-3-3-213}{356(04)-83}$  3-83 1102020000

© Издательство «Ёш гвардия», 1983.

Буюк Ленин томонидан ташкил этилган ва тарбиялаб вояга етказилган илмий коммунизм назарияси, бой социал тажриба билан қуролланган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси совет халқининг авангарди бўлиб, унинг бунёдкорлик фаолиятида раҳбар ва етакчи куч ролини ўйнайди.

Партия меҳнатқашларнинг коммунистик жамият қуриш учун олиб бораётган курашида раҳбарлик ролини бажарар экан, у ҳў-жаллик ва моддий қурилишга раҳбарлик қилишни яхшилашга, омма орасида сиёсий ва ташкилотчилик ишлари олиб боришга, шу жумладан кадрлар билан ишлашга муҳим аҳамият бермоқда. «Партиянинг кадрлар сиёсати,— деган эди Л. И. Брежнев,— қудратли восита бўлиб, партия шу восита орқали ижтимоий тараққиётнинг боришига таъсир ўтказадиган»<sup>1</sup>.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съезидига Ҳисоботида эса: «В. И. Ленин такрор-такрор айтганидек, партиявий раҳбарликнинг моҳияти — кишиларни танлаш ва ижрони текширишдан иборат», деб таъкидланди<sup>2</sup>. Партия сиёсий йўлининг тақдири кўп жиҳатдан кадрлар билан ишлаш масалаларининг моҳирона ҳал этилишига боғлиқдир. В. И. Ленин ишчилар синфи ва энг камбағал деҳқонларнинг вакилларидан гоявий чиниққан, ишбилармон раҳбарлар танлаш ва тарбиялаш ишининг ниҳоятда муҳим эканлигини таъкидлаб: «Ҳаракатни уюштири оладиган ва бу ҳаракатга раҳбарлик қила оладиган ўз сиёсий йўл-бошчиларини, ўз илғор вакилларини етиштирмаган ҳеч бир синф тарихда ҳукмрон бўла олган эмас»<sup>3</sup>, деган эди.

В. И. Ленин зарур раҳбарлар ва йўлбошчиларни тарбиялашнинг асосий манбаи — халқ оммаси, биринчи навбатда революцион ишчилар синфидир, деб билди. Бу синфнинг вакиллари социализм ғояларини ҳаммадан бурун ва ҳаммадан осон ўқиб олади, ишчилар оммасининг чексиз ишончини қозона олади, пролетариатни маърифатли қилиш ва уюштириш ишига ўзини батамом бағишлайди<sup>4</sup>.

В. И. Ленининг бевосита раҳбарлиги ва таъсири билан, большевиклар партиясининг олиб борган катта ташкилотчилик ва сиёсий

<sup>1</sup> КПСС XXV съездининг материаллари. Тошкент. «Ўзбекистон» нашриёти, 1976, 95-бет.

<sup>2</sup> КПСС XXVI съездининг материаллари. Тошкент. «Ўзбекистон» нашриёти, 1981, 100-бет.

<sup>3</sup> В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 4-том, 433-бет.

<sup>4</sup> Уша том, 312-бет.

ишлари туфайли Россиянинг кўп миллатли ишчилар синфи, деҳқонлари ва зиёлилари вакилларидан революционер раҳбарларнинг бутун бир авлоди етишиб чиқди. Улар ўзларини коммунизм идеаллари учун курашга бағишладилар. Партия тарбиясини олган кадрлар пролетариатнинг синфий курашига бошчилик қилиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясини тайёрлаш ва амалга оширишда, дунёда биринчи социалистик давлат қурилишида муҳим роль ўйнадилар.

Октябрь революцияси ғалабасидан кейин, социалистик қурилишнинг дастлабки одимлариданоқ, Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатни амалга ошира бориб, чор самодержавиеси томонидан илгари эзилиб келган Ўрта Осиё халқлари вакилларидан миллий кадрлар тайёрлаш ва тарбиялашга жуда катта эътибор берди. Бундай кадрлар тайёрлаш иши интернационал принциплар асосида, партия ва давлат қурилишида жойлардаги миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, марксизм-ленинизмга ёт бўлган буюк давлатчилик шовинизми ва маҳаллий миллатчиликка қарши муросасиз кураш олиб бориш шариоатида ўтди. Бу ҳар иккала оғмачилик — буюк давлатчилик шовинизми билан маҳаллий миллатчилик гоят зарарли бўлиб, маҳаллий миллатлардан коммунистик кадрлар етиштириб чиқариш ишига тўсқинлик қилар эди. Партия марксча-ленинча назария асосида пролетар ва ярим пролетар элементлардан миллий кадрлар етиштирар экан, уларни коммунистик идеалларга чексиз садоқат руҳида тарбиялади, буида маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда иш тутди.

Бундай хусусиятлардан бири шундан иборат эдики, маҳаллий кадрларнинг кўплари пролетар синфий кураши мактабини ўтамаган, етарли маданий даражага, назарий билимларга эга эмас эдилар, ҳали муайян хурофотлардан халос бўлмаган эдилар. Партиянинг кадрлар етиштириш проблемасини ҳал қилишга ижодий ёндашганлиги унга малакали кадрлар тайёрлаш, уларни меҳнаткашлар оммасининг моҳир ташкилотчилари ва йўлбошчилари, чинакам интернационалист марксчилар қилиб тарбиялашга қаратилган конкрет тадбирлар белгилаш имконини берди.

Социализм қуриш учун миллий кадрлар тарбиялашда партия Марказий Комитети, унинг Ўрта Осиёдаги ваколатли органлари, Ленин юборган таниқли партия ва давлат арбоблари — М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак ва бошқалар муҳим роль ўйнадилар.

Партия Ўзбекистонда социалистик қурилиш йилларида ҳам маҳаллий миллат вакилларидан раҳбар кадрлар тайёрлаш ва тарбиялаш соҳасидаги ишини ҳар томонлама ва собит қадамлик билан амалга оширди. Бу иш туфайли республикада билимдон ва партияга чексиз садоқатли кадрларнинг катта отряди вужудга келтирилди, улар ўзларининг бутун билим, ташкилотчилик истеъодларини Совет Шарқида социализм қуриш ишига, буюк Ватанимиз халқлари ўртасидаги дўстликни мустақкамлашга бағишладилар. Партия, совет ки-

шилари бу кадрларнинг социалистик жамият қуриш ишига сарфлаган меҳнати, куч-ғайратини юксак қадрлайдилар, уларнинг хотирасини ҳамisha эъзозлайдилар.

1973 йили Л. И. Брежнев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг республикага Халқлар дўстлиги ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлисида сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Совет ҳокимияти учун биринчи бўлиб курашганларни, сизларнинг ерингизда социалистик ўзгаришларни бошлаб берганларни, Ленин партияси тарбиялаб етиштирган кишиларни — Н. Тўрақулов, К. Отабоев, А. Икромов, Ф. Хўжаев, И. Охунбобоев ва бошқа кўпгина ўртоқларни бугун биз миннатдорчилик ва ҳурмат билан эсга олмоқдамиз. М. В. Фрунзе, Г. К. Орджоникидзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак, И. М. Варейкис ўртоқлар ўрта Осиёда улар билан бир сафда туриб ишладилар. Бу ўртоқларнинг номлари миннатдор халқимизнинг хотирасида авайлаб сақланмоқда. Улар ўз ерида янги ижтимоий муносабатларни вужудга келтиришга, социализмни барқарор қилишга астойдил ва зўр ғайрат билан интилаётган халқ оммасига бошчилик қилдилар»<sup>1</sup>.

Республикада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси ва раҳбарлигида республиканинг таниқли партия ва давлат арбоблари — Ўзбекистон ССРда социализм қурилишининг актив қатнашчилари хотирасини абадийлаштириш, ёш авлодни уларнинг қаҳрамонона меҳнати намунасида ва коммунизм ишига садоқат руҳида тарбиялаш юзасидан кўп ишлар қилинган.

Коммунистлар тўғрисидаги очеркларнинг мазкур тўпламида Совет Ўзбекистонининг социалистик қайта қуриш ишига муносиб ҳисса қўшган таниқли партия, давлат, жамоат арбоблари ва илмий арбоблардан айримларининг ҳаёт йўли ёритилади, улар мисолида партиянинг ленинчи раҳбар кадрлар тайёрлаш ва тарбиялаш соҳасида амалга оширган жуда катта ишлари очиб берилади.

---

<sup>1</sup> 1. Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, 4-том, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1974, 315—316-бетлар.



## АКМАЛ ИКРОМОВ

Бутун кучи ва истеъдодини партия иши учун, халқ манфаатлари учун сарфлаган оловқалб кишилардан бири содиқ ленинчи, жанговар коммунист, изчил интернационалист, ўзбек халқининг ажойиб фарзанди Акмал Икромовдир.

Акмал Икромов 1898 йилда Тошкентнинг Уқчи маҳалласида эски мактаб муаллими (домласи) оиласида туғилди. Акмал Икромов ёшлигиданоқ турмушнинг кўп машаққатларини бошидан кечирди. Отаси ўн тўрт кишидан иборат бўлган катта оилани боқиш имкониятига эга эмас эди. Шу туфайли у ёш бўлишига қарамасдан, рўзгор тебратишда отасига кўмаклашиш мақсадида Шераҳмадбоев деган савдогарнинг хизматиغا кириб жуда оғир ишларни бажара бошлади, бу ҳол унинг саломатлигига катта зарар келтирди. Тез вақт ичида қаттиқ касалга учраб, ётиб қолди. Бир оз соғайгач, қурувчи бўлиб ишлай бошлади. Шу билан бирга у ўз билимини ошириш учун ҳам астойдил интилди.

Акмал Икромов Октябрь революцияси арафасидаёқ рус ишчиларининг таъсирида бўлди. Рус ишчиларининг фикри, мақсади, улар курашаётган ғоялар ёш Акмалнинг дунёқараши шаклланишига катта таъсир этди. Шу туфайли Акмал Икромов жуда ёшлигиданоқ катта, мураккаб ғоявий камолот йўлини босиб ўтди. Аста-секин унинг бутун сиёсий эътиқоди революцион ишчилар олиб бораётган улкан сиёсий кураш билан боғланиб кетди. 1917 йилда отаси вафот этгач, ёш Акмалнинг шароити яна ҳам оғирлашди. У ўзи ишлаётган Пискент қишлоғидан Тошкентга қайтиб келишга

мажбур бўлди. 1917 йил ёзида Тошкент большевиклари билан яқин алоқада бўлиб, уларнинг революция, урушга муносабат ҳақидаги ғояларини маҳаллий меҳнаткаш аҳоли ўртасида тарқата бошлади.

Серғайрат, меҳнатсевар Акмал иш билан ўқишни қўшиб олиб борди ва эски усулдаги мактабнинг тўртинчи синфини тамомлади. Кейинчалик у муаллимлар курсини ҳам битирди. Тошкент уезди меҳнаткашлари орасида революцион иш олиб борди. Акмал Октябрь ғалабасини зўр қувонч билан кутиб олди ва социалистик қурилишга актив қўшилиб, мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади.

Акмал Икромов 1918 йил февраль ойида маҳаллий миллат вакиллари билан биринчилар қаторида Коммунистик партия сафига кирди. Бу вақтлар маҳаллий миллат вакиллари орасида социализм ғояларини тарқатиш ниҳоятда оғир бўлган. Бойлар, руҳонийлар Акмал Икромов сингари халқнинг содиқ фарзандлари олиб бораётган ишга ҳар томонлама тўсқинлик қилардилар, кези келганда уларни йўқ қилишга ҳам ҳаракат этдилар. Омманинг кўпчилиги ҳали руҳонийларнинг таъсирида эди. Бироқ Акмал Икромов бундай қийинчиликлардан қўрққани йўқ. Аксинча, у ўз мақсади йўлида қанчалик кўп қийинчиликка учраса, шунча қатъият билан кураш олиб бора бошлади.

Серқуёш Ўзбекистонимизда социализм қуриш учун олиб борилаётган кураш ажнабий ва маҳаллий контрреволюцион кучларнинг жуда қаттиқ қаршилигига учради. Босмачилар айниқса Фарғона водийси аҳолисининг бошига мислсиз кулфатлар сола бошладилар. Ана шундай вақтда ҳам Акмал Икромов синфий курашнинг энг оғир участкаларида бўлди. 1919 йилда у Наманганга борди. У ерда халқ маорифини ривожлантириш ва янги маданиятни, ленинча идеологияни омма орасига тарқатишда катта жонбозлик кўрсатди. У Наманганда коммунистларнинг катта муҳаббати ва ишончига сазовор бўлди. Шунинг учун ҳам Акмал Икромовни 1920 йилда Наманган коммунистлари яқдиллик билан Фарғона область конференциясига вакил қилиб сайладилар.

1920 йилда у Фарғона область партия комитети раисининг ўринбосари сифатида қишлоқда ишлаш бўлимига бошчилик қилди. Бу даврда қишлоқда иш олиб бориш осон эмасди. Фарғона қишлоқлари Мадаминбек, Кўршермат қўрбошиларнинг босмачи тўдалари томонида хонавайрон қилинган эди. Улар Совет ҳукуматига нисбатан бир оз бўлса ҳам хайрихоҳлик билдирган кишиларни террор қилдилар. Лекин Акмал Икромов оммага, унинг революцион ташаббусига таяниб, Коммунистик партиянинг сиёсатини қишлоқда амалга ошириш соҳасида катта ишларни қилди.

1920 йилнинг охирига келиб, Акмал Икромов Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети аппаратида ишлади ва ишчилар, деҳқонлар ва казак депутатларининг VIII Бутун Россия съезидига делегат қилиб сайланди. Съездда у биринчи марта В. И. Ленин нутқини тинглади ва Владимир Ильич ташаббуси билан тузилган Россияни электрлаштиришнинг машҳур плани — ГОЭЛРО ни маъқуллаб овоз берди.

А. Икромов 1921 йилда Советларнинг IX Бутун Россия съезида Туркистондан делегат сифатида қатнашган эди. Бу ерда у Ильич нутқини иккинчи марта эшитди. Советларнинг IX съезида Акмал Икромов Бутун Россия Марказий Ижроия Комитетига аъзо қилиб сайланди.

В. И. Ленин билан учрашувлар, Советларнинг съездларидаги Ильич докладлари ва нутқлари А. Икромов учун партиявий камолат ва тарбиянинг чинакам мактаби бўлди.

Коммунистик партия ва совет давлатининг таниқли арбоблари М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзук, С. И. Гусев, В. И. Ногинлар билан учрашувлар ва ҳамкорликда, биргаликда ишлаш А. Икромовга катта таъсир кўрсатди. Улар А. Икромовнинг истеъдоди ва нодир қобилиятини ўз вақтида сезиб, унга партиявий ишни чуқур ўрганишда, марксизм-ленинизм назариясини эгаллашда ёрдам бердилар. 1921 йилда Туркистон КП Марказий Комитетининг пленуми А. Икромовни Туркис-



тон Компартияси Марказий Комитетининг масъул секретари қилиб сайлайди. А. Икромов ёш бўлишига қарамай, жуда катта талант эгаси эканлигини кўрсатди, республика партия ташкилотини ва Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ишига бутун куч-ғайратини сарфлади. Бу даврлар бутун мамлакатимиз учун, айниқса Ўзбекистон учун ниҳоят оғир давр эди. Социалистик қурилишга бевосита киришиш меҳнаткашларнинг барча табақаларини бу ишга сафарбар этишни, гражданлар урушидан сўнг қолган вайронагарчиликни тугатишни, ички ва ташқи душманларнинг турли кирдикорларига қарши кураш олиб боришни талаб қилар эди. Бундай оғир шаронда меҳнаткаш оммага бошчилик қилиш ҳар бир раҳбар ходимдан катта истеъдод, ленинизм ғояларига содиқлик ва фидокорликни талаб қилар эди. Акмал Икромов ана шундай хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган коммунистлардан эди.

А. Икромов 1924 йилда Москвадаги Свердлов номли коммунистик университетда ўқишни муваффақиятли تامомлагандан кейин уни масъул партиявий лавозимларга тайинладилар. 1924 йил ноябрдан у Ўзбекистон Компартияси Ташкилот бюросининг аъзоси, 1924 йил декабрдан 1925 йил февралигача Тошкент область партия комитетининг масъул секретари бўлди. РКП(б) Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси уни 1924 йил 5 ноябрда РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг аъзоси, 1926 йилдан эса РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси Ижроия Комиссиясининг аъзоси қилиб тасдиқлади.

1925 йил феврида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг биринчи съезди бўлиб ўтди. Съезд Коммунистик партиянинг жанговар отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон Компартиясининг тузилганини ташкилий жиҳатдан расмийлаштирди. А. Икромов съезд ишида фаол иштирок этди, унда ёрқин нутқ сўзлади. Съезд ишида қатнашган Михаил Иванович Калинин бу нутқни юсак баҳолади.

— Мен ўртоқ Икромовни танимас эдим,— деган эди

М. И. Калинин, — ammo мен унинг нутқини тинглаганим-да ўртоқ Икромовнинг нутқи соф ишчининг нутқи эканлигини кўрдим, у худди фабрикадан келганга ўхшарди. Мен уни зиёли бўлса керак деб ўйлагандим, менга эса, у — ишчи деб айтишди. Бу характерли белгидир. Мен унинг нутқини тинглашим биланоқ Ўрта Осиёдан чиққан ишчи Икромовнинг нутқи Питер ишчисининг нутқи-дек бўлиб туюлди. Кўрдингизми, ишчиларнинг умумий характерли белгилари бир-бирига қанчалик ўхшаб кетади.

Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг 1925 йил 13 февралдаги биринчи пленумида А. Икромов республика Компартияси Марказий Комитетининг масъул секретари қилиб сайланди. А. Икромов ўзининг жўшқин ғайрати, Коммунистик партиянинг ленинча бош йўлига садоқати билан республика меҳнаткашлари орасида катта обрў қозонди.

Ўзбекистонда социализмнинг қурилиши — капитализмни четлаб, феодализмдан бевосита социализмга ўтишдек мураккаб йўлдан борди. В. И. Ленин ўтмишда қолоқ ва мустамлакачилик зулми остида эзилган чекка ўлкаларда социализм қуришнинг мураккаблигини ҳисобга олиб, бу вазифани бажариш коммунистлардан катта истеъдод, сабр ва тоқат, конкрет вазифаларни бажаришга ижодий ёндашишни талаб қилаётганини кўрсатган эди. Ленин Коммунистик партия Совет Шарқида ҳал қилаётган масалалар тарихда ҳеч қачон бажарилмаганлигини ҳам кўрсатиб ўтди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон коммунистлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлиги остида мустамлакачилик ва феодализм қолдиқларига барҳам бериш ва социалистик жамият қуришдан иборат бўлган улкан вазифани бажара олдилар.

Ўзбекистонда мустамлакачилик қолдиқларига хотима бериш, маҳаллий миллатлардан ишчилар синфи ва интеллигенция вакилларини етиштириш, кенг кўламда тарбиявий-ғоявий ишлар олиб бориш, ер-сув ислоҳотини ўтказиш, саноатни индустрлаштириш ва қишлоқ хўжа-

лигини коллективлаштиришда ҳам Акмал Икромовнинг ҳиссаси каттадир. Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитети ва республика ҳукумати ер-сув ислоҳоти-ни тайёрлаш ва ўтказиш учун А. Икромов бошчилигида Марказий комиссия тузди. А. Икромов ер-сув ислоҳоти-ни ўтказишда актив қатнашганлиги учун республика Марказий Ижроия Комитети томонидан Ўзбекистон Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Ерли миллат хотин-қизларини озод қилиш, уларни актив ижтимоий ва меҳнат фаолиятига жалб қилиш республикада социализм қуриш жараёнидаги муҳим вазифалардан бири эди. А. Икромов хотин-қизларни озод қилиш бўйича Республика комиссиясининг аъзоси сифатида бу ғоят масъулиятли сиёсий кампанияда бевосита қатнашди.

ВКП(б) XIV съезди социалистик индустрлаштириш йўлларини белгилаб берганидан кейин Ўзбекистонда ҳам индустрлаштириш авж олиб кетди. Уни муваффақиятли амалга ошириш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси 1926 йил 17 мартда А. Икромов раислигида Марказий партия комиссиясини тузди. Янги завод ва фабрикалар қуриш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш, уларни илғор техника билан қуроллантириш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва унинг секретари А. Икромов эътибор марказида бўлди. Чирчиқ электрохимия комбинати, «Ташсельмаш», Тошкент тўқимачилик комбинати сингари гигантларни барпо этишда Акмал Икромов фаол иштирок этди.

Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ленинча социализм қуриш планининг яна бир муҳим таркибий қисми бўлди. Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети бу муҳим ишга бевосита бошчилик қилди. Деҳқон хўжалиklarини кооперативлаштириш бўйича Комиссия раиси бўлган А. Икромов Ўзбекистонда колхоз тузумининг ғалабасига қаратилган тадбирларни амалга оширишга ва янги тузилган колхозларни ташкилий хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш ишига ғайрат билан раҳбарлик қилди.

Унинг партия XV, XVI съездларида ва ВКП(б) XVI конференциясида сўзлаган ёрқин ва сермазмун нутқлари мамлакатимизнинг илгари қолоқ бўлган чекка ўлкаларида қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришнинг актуал масалаларига бағишланган эди.

Биринчи беш йилликнинг муҳим масалаларидан бири СССРнинг пахта мустақиллиги ҳақидаги масала эди. ВКП(б) Марказий Комитети 1929 йил июль ойидаги «Главхлопком»нинг иши тўғрисида»ги қароридан СССРнинг пахта мустақиллигини тўла таъминлаш учун экин майдонларини кенгайтириш ва пахта ҳосилдорлигини кўтариш борасида барча имкониятларни зўр бериб ишга солиш зарурлигини кўрсатди.

Шундан кейин кўп ўтмай чақирилган Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг III пленуми «Пахта программасини амалга ошириш муносабати билан социалистик реконструкция вазифалари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди. А. Икромов пленумда қилган докладда таъкидладикки, қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қурмай, йирик совет хўжаликларини тузмай, якка хўжаликларни коллективлаштирмай туриб пахтачилик юзасидан партия қўйган вазифаларни бажариш мумкин эмас. Пленум ана шу улугвор вазифани амалга оширишни социализм учун курашнинг энг муҳим участкаларидан бири деб кўрсатди.

Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг пахта мустақиллигини амалга ошириш бўйича комиссиясининг раиси сифатида А. Икромов республика партия хўжалик активида сўзлаган нутқида «пахтачиликни ривожлантириш негизида биз Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ажралмас, таркибий қисми сифатида Ўзбекистонни тобора мустақамлайверамиз»<sup>1</sup> деган фикрни ривожлантирди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг, Ўзбекистон коммунистларининг кўп қиррали фаолияти ва мамлакатимиз пахтакорларининг қаҳрамонона меҳнати натижасида 1932 йилда СССРнинг пахта мустақиллиги таъминланди. Бу муҳим ишга Ўзбекистон, айниқса, салмоқли ҳисса

қўшди. Ўша пайтда республикамиз умумиттифоқ пахта ҳосилининг 65 процентини берар эди. Пахтачиликни ривожлантиришда актив қатнашганлиги учун А. Икромов 1935 йилда Ленин ордени билан мукофотланди.

Республикадаги маданий қурилиш Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети ва шахсан А. Икромов фаолиятида муҳим ўрин эгаллади. Социалистик қурилиш жараёнида республикада янги мактаблар очилди, саводсизликни тугатиш курслари тузилди, халқ маорифига маблағ ажратилди кўпайтирилди.

Акмал Икромов Ўзбекистонда халқ маорифини ривожлантириш, саводсизликни тугатиш ва совет мактабини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. У болаларнинг катта ғамхўри, халқ маорифи қурилишининг йирик ташаббускори эди. Шунинг учун ҳам Акмал Икромов Совет тузуми ривожланишининг энг оғир даврларида ҳам мактаб ва таълим-тарбия ишлари масаласини биринчи даражали вазифалардан деб ҳисоблаб келди. У айниқса ўзининг «Партия ва ўқитувчилар» деган мақоласида ва бошқа докладларида бу масалага катта эътибор берди. Акмал Икромов ўқитувчилар партиянинг катта ёрдамчиси эканлигини, уларнинг ғоявий чиниққанлиги, партия ишига содиқлиги, етарли илми ва маънавияти таълим-тарбияни яхши йўлга қўйишининг асосий шартларидан бири эканлигини кўрсатди.

Шу йилларда республикада олий ва ўрта махсус ўқув юрталарининг кенг шоҳобчалари тузилди, фан тез суратлар билан ривожланди. Бу эса туб аҳоли вакилларида социалистик халқ зиёлиларининг шаклланишига ёрдам берди. Мана шу барча кўп қиррали вазифаларни амалга оширишга А. Икромов жуда кўп куч ва ғайрат сарфлади.

1929 йил декабрида Акмал Икромовни Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайладилар. Бу масъулиятли лавозимда унинг та-

---

<sup>1</sup> А. И к р о м о в. Избранные произведения. Ташкент, «Ўзбекистан», 1972, I-том, 18, 203-бетлар.

ланти ва жуда катта ташкилотчилик қобилиятлари тўла намоён бўлди. У ўзининг бутун фаолияти билан социализм ғалабасини тезлаштиришга интилди, Ўзбекистонда ленинча миллий сиёсатнинг қарор топишига ёрдам берди. Коммунистик партия ва унинг содиқ жанговар отряди — Ўзбекистон Компартияси раҳбарлиги остида республика меҳнаткашлари эришган ютуқлар ҳақида гапириб бундай деган эди: «Ўзбекистоннинг иш тажрибаси асосида биз барча капиталистик, мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатларга ўртоқ Лениннинг айрим қолоқ мустамлака, ярим мустамлака мамлакатларда (ғалаба қозонган пролетариат ёрдамида) натура хўжалигидан капитализмни четлаб социализмга ўтиш мумкинлиги ҳақидаги тезислари тўғри эканлигини ва амалда тасдиқланганлигини кўрсата оламиз. Ўзбекистон Совет Иттифоқининг таркибий қисмларидан бири сифатида у билан биргаликда ривожланишнинг социалистик йўлига мустаҳкам туриб олди ва уни бу йўлдан ҳеч ким, ҳеч қачон тойдира олмайди»<sup>1</sup>.

Акмал Икромов ВКП(б) XII—XVII съездларининг делегати бўлди, XIV—XV съездларда эса ВКП(б) Марказий Комитети аъзолигига кандидат, XVII съездда ВКП(б) Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. У Советларнинг съездлари ишида ҳам қатнашди. Советларнинг I Бутуниттифоқ съезидан бошлаб у доимо СССР Марказий Ижроия Комитетининг аъзоси, СССР Марказий Ижроия Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, шунингдек Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети Президиумининг аъзоси қилиб сайланиб келди.

У партия ташкилотининг фаолиятига раҳбарлик қилиш билангина чекланмай, республикадаги социалистик қурилиш тажрибасини умумлаштиришга қаратилган илмий асарлар ҳам ёзди. 1925 йилдаёқ унинг «Ўзбекистон хотин-қизлари масаласи», «Идеология масалалари»,

<sup>1</sup> Революционерлар, омма етакчилари. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1967, 406-бет.



## ИЎЛДОШ ОХУНБОБОВ

Иўлдош Охунбобов Туркистонда миллий озодлик ҳаракатига, социалистик революция ютуқларини ҳимоя қилиш ва мустақкамлашга ўзининг катта ҳиссасини қўшган, В. И. Лениннинг бевосита ёрдами ва рус коммунистларининг таъсири остида ғоявий камолотга эришган партия ва совет арбобларидан биридир.

Чор Россиясининг собиқ мустамлака чекка ўлкаси бўлган Туркистонда социалистик революция ғалабаларини мустақкамлаш, асосан деҳқонлардан иборат бўлган меҳнаткаш омманинг марксизм-ленинизм ғоялари билан қуроллантириш ва сиёсий онгини кўтариш, синфий курашга сафарбар қилиш, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётнинг барча соҳаларини социалистик асосда қайта қуриш иши омманинг улкан яратувчилик ва ўзгартувчилик қобилиятига бошчилик қиладиган маҳаллий раҳбар ходимларни тарбиялаб камолга етказишга ҳам боғлиқ эди. Бу партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари назарий — ғоявий жиҳатдан чиниққан пролетар интернационализи принципларига содиқ бўлиши, ўлканинг мураккаб шароитига марксизм-ленинизмнинг социалистик жамият қуриш тўғрисидаги таълимотини ижодий татбиқ эта билиши, оммага яқин бўлиши, унинг эҳтиёжларини, сиёсий етуқлиги даражасини тушуна билиши зарур эди. Маҳаллий миллат вакилларининг илгор қисми Октябрь социалистик революциясини тайёрлаш ва амалга оширишда иштирок этган бўлсалар ҳам, улар инқилоб арафасида катта сиёсий кураш ва ғоявий камолот йўлини босиб ўтмаган эдилар.

Шу сабабли В. И. Ленин, Коммунистик партия мамлакатимизда пролетариат диктатураси ўрнатилган даст-

«Ўзбекистон Коммунистик партияси ва республика ёш коммунистларининг ер-сув ислоҳотини ўтказишдаги вазифалари ҳақида» деган асарлари нашр этилди. Бу асарларда, ундан кейинги ёзилган мақолаларда, нутқларда А. Икромов ғоявий етук коммунист даражасига кўтарилганлиги, марксизм-ленинизм таълимотини мукамал эгаллаганлиги яққол кўриниб турар эди.

Содиқ ленинчининг қилган ишлари беҳисоб. Унинг номини халқимиз миннатдор қалбида абадий сақлаганидек, унинг ишларини давом эттиради. Халқ ўзининг эрки учун курашган содиқ фарзандини ҳеч қачон унутмайди. Энг яхши кўчалар, энг яхши колхоз ва совхозлар, мактаблар ҳозир Акмал Икромов номида.



лабки кунлардан бошлабоқ Туркистонда маҳаллий миллат вакилларидан етук партия ва совет раҳбар ходимларини тарбиялаб етиштириш ишига катта эътибор бериб келди. Туркистонга юборилган коммунистик партия ва Совет давлатининг йирик арбоблари М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Г. К. Оржоникидзе, Я. Э. Рудзутак ва бошқалар ҳам бу улкан ва масъулиятли вазифани бажаришга катта ҳисса қўшдилар. Улар пролетариат диктатураси эндигина мустаҳкамланиб бораётган мураккаб шароитларда Туркистоннинг иқтисодий ва сиёсий юксалиши тўғри йўлдан боришига, ёш партия ташкилотлари ғоявий ва ташкилий жиҳатдан чиниқиши ва мустаҳкамланишига бевосита раҳбарлик қилдилар. Улар ўзларининг кўп қиррали фаолияти билан ўлкада Ленинча миллий сиёсатни тўғри ва изчиллик билан амалга ошириш учун зарур бўлган дастлабки пойдеворни барпо этдилар.

И. Охунбобоев марксизм-ленинизм назариясини чуқур эгаллаган ғоявий етук коммунист, изчил интернационалист, содиқ ленинчи, кўзга кўринган талантли партия ва давлат арбоби сифатида совет тузуми шароитида коммунистик партия раҳбарлигида, рус коммунистларининг бевосита ёрдами натижасида шаклланди.

Йўлдош Охунбобоев оддий меҳнаткаш орасидан етишиб чиққан, Октябрь социалистик революциясидан олдин даҳшатли миллий ва синфий зулм натижасида халқнинг бошига тушган барча жабру-жафоларни ўз кўзи билан кўрган ва бошидан кечирган, оддий кишиларнинг ички дунёсини, фикрини, эҳтиёжларини тўғри тушуна олган, ўз меҳнати туфайли барчанинг ишонч ва ҳурмати-га сазовор бўлган киши эди. Унинг ҳаёт йўли Октябрь революцияси оддий кишиларнинг камолоти учун очиб берган кенг имкониятларнинг ёрқин ифодасидир.

И. Охунбобоев 1885 йилда Марғилон уездининг Жуйбозор қишлоғида камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. У ёшлик чоғидан оғир меҳнат, муҳтожлик, қашшоқлик, ҳуқуқсизлик, бойларнинг шафқатсиз эксплуатацияси азобларини бошидан кечирди. 16 ёшли Йўлдош ота-

си вафот қилгандан кейин 1901 йили марғилонлик Мадғозибойнинг пахта заводига қанорчи бўлиб ишга кирди. 1904—1914 йиллар ўзганлик Холмат бойда қарол бўлиб ишлади. Ун йиллик меҳнатига бир тийин ҳам ололмасдан Марғилонга — ўзининг қишлоғига келиб Рўзимат бойвачча деган бойнинг ерида чоракорлик қилди.

Катта талант ва истеъдод эгаси бўлган Йўлдош Охунбобоев ёшлигиданоқ чоризм ва маҳаллий феодаллар зулмига қарши курашувчилар сафидан ўрин олди. У 1916 йил халқ қўзғолонида фаол қатнашди, Совет ҳокимияти учун курашчиларнинг олдинги сафларида бўлди.

Октябрь социалистик революцияси ғалабасининг дастлабки кунлариданоқ Йўлдош Охунбобоев янги тузумни мустаҳкамлаш, оммани бу ишга сафарбар қилишга бутун куч ва қобилиятини бағишлади.

Гражданлар уруши йиллари Й. Охунбобоев Фарғонада босмачиликни тугатишда Қизил Армия қисмларига катта ёрдам берди. Меҳнаткаш халқ оммасини партия, совет ҳокимияти атрофига жипслаштиришда ва уларни қаҳрамонона курашга руҳлантиришда жонбозлик кўрсатди. Бу эса ўша мураккаб ва оғир даврнинг энг муҳим, революция ғалабаси тақдири учун биринчи даражалли аҳамиятга эга бўлган вазифаларидан эди. Сиёсий етук бўлмаган, бойлар ва руҳонийларнинг таъсирида бўлган оммани янги тузумнинг тарафдори ва ҳимоячисига айлантириш партия ва Совет ходимларидан катта талант, ташкилотчилик, сабр ва тоқат талаб қилар эди.

Й. Охунбобоев Фарғона областида биринчи бўлиб Марғилон уездида барпо қилинган Қўшчи союзининг ташкилотчиси эди. 1920 йил декабрь ойида Йўлдош Охунбобоев Қўшчи союзининг Марғилон шаҳар комитети раиси қилиб, 1921 йил апрель ойида уезд комитети раиси қилиб сайланди. У гражданлар уруши даврида вайрон бўлган қишлоқ хўжалигини тиклашда, камбағал деҳқонларни ер, от-хўкиз, деҳқончилик асбоблари, уруғлик, кредит билан таъминлашда иштирок этди.

1921 йили Й. Охунбобоев ҳаётида катта воқеа юз берди. У Коммунистик партия сафига кирди. Й. Охунбобоев 1922—1924 йилларда Марғилон уезд партия комитети бюроси, Марғилон уезд ижроия Комитети ва Фарғона область ижроия Комитети аъзоси сифатида ўзининг ташкилотчилик қобилиятини яна ҳам кенгроқ кўрсатди ва халқ орасида катта ҳурмат, обрў-эътибор қозонди. Шу йилларда Фарғона водийсининг шаҳар ва қишлоқларида деҳқонлар оммасининг синфий онги ва сиёсий активлигини кўтариш, ишчилар билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш, ер-сув ислоҳотини амалга ошириш учун имконият ҳозирлаш, маданият ўчоқларини барпо қилиш, маҳаллий партия ва совет ташкилотларини мустаҳкамлаш учун олиб борилган ишларда Йўлдош Охунбобоевнинг ҳиссаси каттадир. Коммунистик партия раҳбарлигида кенг меҳнаткашлар оммаси томонидан амалга оширилган бу тадбирлар капитализмни четлаб социализмга ўтиш йўлидаги муҳим босқич эди. 1924 йили Й. Охунбобоев Туркистон АССР Советлари XII съездида Марказий Ижроия Комитет составига сайланади.

Коммунистик партия томонидан ленинча миллий сиёсатининг амалга оширилиши натижасида 1924 йили Урта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилди. 1925 йил 13—17 февралда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Шўроларининг биринчи таъсис съездида Й. Охунбобоев Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети раиси қилиб сайланди. Съездда Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг атоқли арбоби М. И. Калинин қатнашди. М. И. Калинин билан бўлган шахсий учрашув ва суҳбатлар Йўлдош Охунбобоев учун катта аҳамиятга эга бўлди. Михаил Иванович биринчи ўзбек оқсоқоли Й. Охунбобоевга рус ишчилар синфининг сиёсий кураш тажрибасини ўрганишни, меҳнаткашлар оммаси билан доим алоқада бўлиш, уларнинг арзларига, талабларига алоҳида эътибор бериш зарурлиги ҳақида маслаҳат берди. У Михаил Ивановичнинг оталарча маслаҳатини бир умрга эсда сақлаб қолди.

Иўлдош Охунбобоев ана шу юксак лавозимда истеъдодли ташкилотчи, омманинг ҳақиқий етакчиси эканлигини яққол намоёни қилди. У ҳамиша халқ билан бевоқиф алоқада бўлди, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг сиёсатини кенг меҳнаткашлар оммасига тушунтирди ва ҳаётбахш ленинча ғояларни тарғиб қилди.

И. Охунбобоев Ўзбекистонда социалистик жамият қуришнинг ленинча планини амалга ошириш учун, ўзбек халқининг равнақи ва бахт-саодати учун бор куч ва ғайратини сарф қилди.

1925—1926 йилларда Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти ўтказилди. Ер-сув ислоҳоти ўз моҳияти эътибори билан қишлоқдаги феодал муносабатларга хотима беришга қаратилган эди. Бу тадбир асосан демократик характерга эга бўлса ҳам пролетариат диктатураси шароитида коммунистик партия раҳбарлигида кенг меҳнаткашлар оммасининг актив иштирокида амалга оширилди. Ер-сув ислоҳоти кенг деҳқонлар оммасининг сиёсий активлиги юксалишида, улар коммунистик партия ва Совет ҳукумати атрофида яна ҳам жипсроқ бирлашишида муҳим роль ўйнади. Ер-сув ислоҳоти Ўзбекистон қишлоқларининг социалистик тараққиёти йўлидаги катта социал-иқтисодий тўсиқлардан бирига барҳам берди. И. Охунбобоев Марказий ер-сув ислоҳоти ўтказиш комиссияси раисининг ўринбосари қилиб тайинланди. Республика ҳаётида муҳим социал-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган бу ислоҳотни ўтказишда И. Охунбобоев фаол иштирок этди. 1926 йил январь ойида И. Охунбобоев ер-сув ислоҳотининг бориши билан танишиш учун Фарғона областига боради. У Андижон, Марғилон, Наманган, Қўқон уездларида бўлиб, 13 та қишлоқни бориб кўради. И. Охунбобоевнинг оташин нутқлари меҳнаткаш деҳқонларни ер-сув ислоҳотини ўтказишда янги ғалабаларга руҳлантирди. Ислоҳот ўтказиш жараёнида у Самарқанд, Тошкент областлари қишлоқларида ҳам бўлди.

Ер-сув ислоҳотини ўтказишдаги катта хизматлари

учун 1926 йил июнь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Комитетининг 4-сессияси Йўлдош Охунбобоевни Ўзбекистон ССР Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади.

Й. Охунбобоев хотин-қизларнинг озодлиги учун кураш соҳасида ҳам фаол иштирок қилди. У 1926 йили Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети составида тузилган хотин-қизлар турмуши ва меҳнатини яхшилаш комиссиясига бевосита раҳбарлик қилди. Й. Охунбобоев хотин-қизлар озодлиги масаласи социализм қуриш масаласи билан чамбарчас боғлиқ эканлигини, аёлларни чинакам озодликка чиқариш учун уларни ишлаб чиқаришга, ижтимоий ҳаётга, маданий қурилиш ишларига, давлатни бошқаришга, советларга кенг жалб қилиш зарурлигини доим уқтирди.

Социалистик қурилиш даврида Й. Охунбобоев раҳбарлик қилган Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети Коммунистик партиянинг социалистик индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, социалистик маданий қурилиш сиёсатини изчиллик билан амалга оширди. Кенг меҳнаткашлар оммаси билан доим бевосита алоқада бўлган Й. Охунбобоев йирик завод ва фабрикалар қурилиши объектларида янги тузилган колхозларда, социалистик жамият барпо этаётган ишчилар, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар орасида бўлди ва оташин нутқлари билан уларни янги меҳнат зафарларига илҳомлантирди.

Республика меҳнаткашлари ВКП(б) Марказий Комитетининг Бош пахтачилик комитети иши тўғрисидаги 1929 йил 18 июль қарори асосида СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлаш учун қизгин кураш олиб бордилар. Партиянинг пахтачиликни ривожлантириш соҳасидаги бу муҳим қарорини амалга оширишда, СССРнинг пахта мустақиллигини таъмин этишда Й. Охунбобоевнинг хизматлари катта бўлди. 1929 йил октябрь ойида Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг II сессиясида Й. Охунбобоев

«Пахта проблемаси тўғрисида» доклад қилди. У ўз докладида пахта программасини бажариш учун қишлоқ хўжалигини механизациялаш, социалистик секторни мустақкамлаш ва ўстириш, мутахассис кадрлар тайёрлаш, ирригация шохобчаларини кенгайтириш, деҳқонларни ғалла ва саноат моллари билан таъминлашни яхшилаш, камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларни уруғлик, деҳқончилик асбоблари ва кредит билан ўз вақтида таъмин этиш зарурлигини кўрсатди. Й. Охунбобоев пахта учун кураш социализм учун курашнинг ажралмас бир қисми эканлигини уқтириб ўтди. Йўлдош Охунбобоев моҳир ташкилотчигина бўлиб қолмай, Ўзбекистондаги социалистик қурилиш тажрибасини умумлаштиришга қаратилган бир қатор илмий-назарий асарларнинг ҳам муаллифидир. Унинг «Октябрь инқилоби деҳқонларга нима берди» (1927 йил), «Беш йиллик тажриба ва олтинчи йилга қадам» (1930 йил), «Ўзбекистонда Октябрь инқилоби» (1932 йил), «Ўзбекистон колхозларининг ташкилий вазифалари» (1940 йил) сингари асарлари социализм қурилиши тарихини ўрганиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. СССР Олий Совети Президиумининг 1939 йил 21 январдаги Фармони билан Й. Охунбобоев Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини, айниқса, пахтачиликни ривожлантиришдаги актив ташкилотчилик ишлари учун Ленин ордени билан мукофотланди.

Социализм қуриш ва мустақкамлаш учун кураш йилларида сув учун, янги ерларни ўзлаштириш учун кураш авж олиб кетди. Халқ қурилиши методи билан 1939 йили 17 кун ичида узунлиги 32 километрли Лоғон канали, 45 кунда 270 километрли Катта Фарғона канали қурувчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли қазиб битирилди. Й. Охунбобоев бу муҳим ирригация қурилишларининг ташаббускорларидан биридир. У бу каналларни қуришда фаол қатнашди. Йўлдош Охунбобоев канал қурувчилари орасида катта сиёсий-тарбиявий, ташкилий ишларни амалга оширди, уларни қаҳрамонона меҳнат қилишга даъват этди. Ирригация қурилиши кенг авж олганлиги

натижасида Ўзбекистонда суғориладиган ерлар майдони 1937—1940 йилларда 260 минг гектар кўпайди. Бу эса пахтачиликни янада ривожлантириш соҳасида кенг имкониятлар очиб берди. Катта Фарғона каналининг қурилишида актив иштирок этганлиги учун И. Охунбобоев Меҳнат Қизил Байроқ орденига сазовор бўлди.

И. Охунбобоев раҳбарлигидаги Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида Ўзбекистонни мамлакатнинг йирик арсеналига айлантириш соҳасида муҳим тадбирларни амалга оширди. Уруш бошланиши билан фронт яқинидаги районлардан эвакуация қилинган юздан ортиқ завод ва фабрикаларни, бир миллиондан ортиқ совет гражданини, шу жумладан 200 минг болани республикамиз ўз бағрига олди. Ўзбек халқи фронтга қурол-яроғ, ўқ-дори, анжом, озиқ-овқат, кийим-кечак, пойафзал ва бошқа зарур нарсалар тайёрлаб жўнатиб турди. Ўзбекистон меҳнаткашлари фронтга доим ёрдам бериб, совғалар юбориб турдилар. Уруш даврининг энг оғир кунларида бу мураккаб вазифаларни амалга оширишда И. Охунбобоев фаол иштирок этди, партия топшириғи билан ўша йилларда қурилган каналлар, гидростанциялар ва бошқа қурилишларнинг устида туриб, омманинг фидокорона меҳнатига бошчилик қилди, уларни жанговар ишлашга даъват этди.

1941 йил декабрь ойида ўзбек халқининг янги йил совғаларини жангчиларга топшириш учун ғарбий фронтга юборилган делегацияга И. Охунбобоев раҳбарлик қилди.

Халқ оммасининг истезодли ташкилотчиси, Коммунистик партия ва совет давлатининг атоқли арбоби, оташин ленинчи интернационалист Йўлдош Охунбобоев 1943 йил 23 февралда вафот этди. Совет халқи содиқ ленинчи Йўлдош Охунбобоев номини асло унутмайди.



## ФАЙЗУЛЛА ХУЖАЕВ

Совет Шарқи халқлари мамлакатимиз халқлари ягона оиласида ленинча партия раҳбарлиги остида инсоният тарихида биринчи бўлиб капитализмни четлаб социализмга ўтдилар, сиёсий, иқтисодий, социал ва маънавий ҳаётда туб ўзгаришларни амалга оширдилар. Совет ҳокимияти йиллари ичида улар ўрта асрчиликдан ҳозирги замон тараққиёти сари чинакам улкан сакраш қилдилар: мустамлака Туркистони ўрнида эндиликда экономикаси, фан ва маданияти юксак даражада ривожланган суверен социалистик республикалар равнақ топмоқда.

Турган гап, бундай туб ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлмади. Бу ўзгаришлар Коммунистик партия нокапиталистик ривожланиш марксча-ленинча назариясини ўтмишда қолоқ бўлган чекка миллий ўлкаларнинг конкрет тарихий шароитларида моҳирлик билан татбиқ этиши туфайли мумкин бўлди. Буларнинг амалга оширилишида совет халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги, Совет ҳокимиятининг қарор топиши ва мустаҳкамланишининг оғир йилларида, социалистик қурилиш даврида оммага бошчилик қилган, унинг ташаббуси ҳамда бунёдкор революцион куч-ғайратини тарихий вазифаларни ҳал этишга қаратган партиянинг атоқли фарзандлари фидокорона фаолияти ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Социализм иши учун курашчилар қаҳрамонона плядаси орасида Ўзбекистонда социализм қурилишига катта ҳисса қўшган Файзулла Хўжаев кўзга кўринарли ўринни эгаллайди. У революцион жанрлар ўтида тобланиб, марксча-ленинча назарияни, пролетариат синфий кураши ҳамда миллий озодлик ҳаракати тажрибасини



зеҳн билан ўрганиб, Коммунистик партия раҳбарлигида революцион демократизм идеологиясидан бутунлай алоқасини узолган ҳамда марксизм-ленинизм ва пролетар интернационалиزمи позициясида маҳкам турган шахслардан бири эди.

Файзулла Хўжаев ғоявий камолот ва революцион чиниқишнинг мураккаб йўлини босиб ўтди. Феодал-монархия тузуми доирасида демократик ислоҳотлар учун кураш, амирни ағдаришга интилиш ҳамда бу вазифани амалга ошириш учун иттифоқчилар излаш, биринчи пролетар диктатураси давлати билан тобора яқинлашиш ва Россия пролетариати синфий кураши тажрибасини ўрганиш, революцион туб ўзгартишларнинг моҳияти ва мақсадларини тушунишга синфий ёндашиш томон бурилиш, Коммунистик партия позициясига узил-кесил ўтиш — унинг ғоявий камолотининг асосий босқичлари ана шундай.

Бу йўлда айрим хатолар ҳам бўлган эди, бу хатолар пролетариат диктатураси революцион жараёнининг социал ва сиёсий моҳиятини, Коммунистик партия социал, иқтисодий ва миллий сиёсатининг баъзи масалаларини тушуниб етмаслик билан боғлиқ эди. Лекин Ф. Хўжаев зийрак, принципиал ва ўз-ўзига танқид билан қарайдиган коммунист бўлгани учун хатоларини ўз вақтида англаб етди, партиядош чиниққан ўртоқларининг маслаҳатлари ва танқидий мулоҳазаларига диққат-эътибор билан қулоқ солди. У йўл қўйган хатоларини тузата бориб, ўзининг сиёсий билимини доимо кенгайтди, ғоявий-назарий савиясини оширди, ленинча типдаги раҳбарга хос малакаларни эгаллай борди.

В. И. Ленин интеллигенция вакилларининг марксизмга ўтиши хусусиятларини таърифлаб ёзган эдики, «...инженер коммунизмни таниш масаласига подпольеда ишлаган пропагандист, адабиётчи келган тахлитда келмасдан, ўз фанининг маълумотлари орқали келишини: коммунизмни таниш масаласига агроном ўзича, ўрмоншунос

ва бошқалар ўзича келишини хотирада тутиш лозим»<sup>1</sup>.

Бундай хусусиятлар Файзулла Хўжаев сиёсий йўлининг ривожиди ҳам кўриниб туради.

Унинг фаолиятида асосий белгиловчи жиҳат шуки, у миллий озодлик кураши ривожини ишига, Бухорода халқ Совет ҳокимиятини қарор топтириш ва мустақкамлаш, сўнгра эса Ўзбекистоннинг нокапиталистик йўлдан ривожланиши ишига, мамлакатимиз халқлари дўстлигини мустақкамлаш ва ривожлантириш ишига улкан ҳисса қўшди. Файзулла Хўжаев халқ хотирасида омманнинг антифеодал, антиимпериалистик курашининг истеъдодли раҳбарларидан бири, Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукуматининг бошлиғи ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг биринчи раиси сифатида, партия иши учун, социализм учун оташин курашчи сифатида сақланиб қолди.

\* \* \*

Ф. Хўжаев 1896 йил июлида Бухоро шаҳрида, бой савдогар оиласида туғилди. Бу Бухоро амирлиги қолақ феодал давлат, ҳуқуқсизлик ва қонунсизлик ўлкаси бўлган бир замон эди. Амир ва унинг феодаллари мамлакатда мазлум халқ устидан шафқатсиз зулм ўтказиб, уни бемалол эзиб келдилар.

XX асрнинг бошида Бухорода амир истеъдодига қарши умумий норозилик кучайди, антифеодал ҳаракат кенгайиб борди. Ўлкада ишчилар синфи деярли бутунлай йўқлиғи туфайли бу ҳаракатга миллий буржуазиянинг энг прогрессив қисми ва зиёлилар бошчилик қилди. Вужудга келаётган миллий буржуазия капитализмнинг ривожланиши учун, мустабид ҳокимиятни ҳамда феодал муносабатларни чеклаш йўли билан ўзининг бойиши

---

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Тўла Асарлар тўплами, 32-том, 147-бет.

учун энг яхши шарт-шароитлар яратишни амирга қарши курашда ўзининг асосий мақсади деб билди. Бунда у халқ оммасининг кучайиб бораётган норозилигидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланди.

Жадидлар шаклланиб келаётган Бухоро миллий буржуазияси, хусусан савдо буржуазияси манфаатларининг идеологлари ва ифодачиси эди. Октябрга қадар бўлган даврда жадидлар ҳаракати ислоҳотчилик характерида эди. Аввал бошда жадидлар маданий-оқартув фаолияти билан шуғулландилар, сўнгра эса демократик эркинликлар беришни талаб қила бошладилар. Бу талаблар изчил революцион характерда, Бухорода ҳукмрон бўлган феодал-мустабид тузумни тубдан ўзгартиришга қаратилган эмас эди. Шунга қарамай, Бухоро шароитида жадидлар ҳаракати ўша замонда прогрессив характерга эга эди, зотан у феодал амирлик шароитида ягона оппозицион оқим эди.

Шундай бир шароитда Бухорода 17 ёшли ўспирин Файзулла Хўжаев сиёсий кураш йўлига қадам қўйди. Гарчанд у анча давлатманд оиладан чиққан бўлиб, миллий буржуазия қарашларига қўшилса-да, унинг мақсадлари ва сиёсий идеаллари ана шу синф манфаатлари доирасидан чиқиб кетди. У амирнинг мустабид ҳокимиятига қарши курашни мамлакатнинг иқтисодий ва социал ривожига эришиш оммининг маданий қолоқлигига барҳам бериш мақсадлари билан боғлади.

Файзулла Хўжаев амир истибдодини Бухоро ривожини йўлидаги асосий тўсиқ деб билиб, бу иллатга қарши курашни жадидлар билан биргаликда бошлади. У айрим социал, иқтисодий ва маърифатчилик ислоҳотларини бу ишга меҳнаткашларни жалб қилмасдан айрим шахсларнинг кучи билан амалга оширишга уриниб кўрди. Феодал жамият шароитида халқ оммасининг, авваламбор деҳқонларнинг революцион имкониятларига етарлича баҳо бермаслик Ф. Хўжаев дунёқараши ва сиёсий билим доираси чекланганлигининг ифодаси эди.

Шафқатсиз иқтисодий ва маънавий зулми бошидан

кечириб турган деҳқонлар оммасида муайян революцион имкониятлар мавжуд эди. Саноат пролетариати бўлмаган бир ўлкада деҳқонлар ҳаракати революцион вазиятнинг ҳал қилувчи омилларида ҳамда антифеодал, антиимпериалистик революция ғалабасининг шартларидан биридир. Деҳқонларнинг стихияли курашини бирлаштириш, унга антифеодал ва антиимпериалистик йўналиш бағишлаш зарур эди. Бироқ ўша маҳалда Бухорода бу вазифани бажаришга қодир бўлган сиёсий ташкилот ҳали йўқ эди.

Файзулла Хўжаев ўз сиёсий фаолиятининг илк босқичларида деҳқонларни сиёсий куч деб билмади. У ишчилар синфи тўғрисида ҳам ҳеч қандай тасаввурга эга эмас эди. Фақат жадидлар сиймосида амир истибдодига қарши, шафқатсиз иқтисодий асорат ва маънавий зулмга қарши курашга қодир бўлган ягона прогрессив кучни кўрди.

Ф. Хўжаев жадидлар ҳаракатида иштирок этар экан, Бухоронинг тараққиёти учун сиёсий туб ўзгаришлар ҳам зарур эканлигига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилди. Бу жиҳатдан унинг йўли жадидлар ҳаракатининг бошқа раҳбарлари позициясидан фарқ этарди. У 1917 йилда ёш бухороликлар партиясини тузишда қатнашди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Бухоро халқига жуда катта таъсир кўрсатди. Ёш бухороликларнинг Ф. Хўжаев бошчилигидаги бир қисми Октябрь ғалабаси таъсирида хийла радикал позицияни ишғол қилди. Файзулла Хўжаев ва унинг тарафдорларининг амир истибдодига қарши сиёсий кураши ташкилий шакл касб этди.

Файзулла Хўжаев ўз мақсадларига Совет Туркистони ёрдамида эришишга интилди. У Россия революцион ишчилар синфи, шу жумладан сиёсий ҳокимиятни ўз қўлига олган Туркистон ишчилар синфи билан синфий иттифоқда бўлиш ғоясидан ҳали олис эди. Лекин у Совет Туркистонини амир мустабид ҳокимиятини чеклашда ёш бухороликларга ёрдам кўрсата оладиган реал куч деб билди. Шу боисдан 1917 йил декабрда Ф. Хўжаев ёш бу-

хороликлар номидан Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети раиси Ф. Колесовга ҳарбий ёрдам сўраб муурожаат қилди. 1918 йил мартдаги Бухорога машҳур «Колесов юриши» вақтида ёш бухороликлар ижроия ҳоқимиятини ўз қўлларига топшириш тўғрисида амирга талаб қўйдилар. Ф. Хўжаев Бухородаги сиёсий тузумнинг янги формасини амир ҳоқимиятини чеклаган ҳолда феодализм билан капитализмнинг алланечук бир синтези сифатида тасаввур этар эди. Унинг сиёсий идеали ўша вақтда конституцион монархия идеясига яқин келарди.

Амирни ҳоқимиятни ёш бухороликларга топширишга қурол кучи билан кўндиришга уриниш муваффақиятсизликка йўлиқади. Амир ҳоқимиятининг оппозицияга қарши таъқиби кучайди. Бу ҳол Ф. Хўжаевнинг қарашларида жиддий ўзгаришларга сабаб бўлди. Энди у амир ҳоқимиятини чеклаш эмас, балки ағдариш кераклигига ишонч ҳосил қилди. Баъзи бошқа ёш бухороликлар ҳам шундай қарашда эдилар.

Сиёсий масалалар юзасидан кескин низолар натижасида ёш бухороликлар партиясида ихтилоф юз берди. Унинг сўл қанотидан Бухоро коммунистлари таркиб топди, Файзулла Хўжаев тарафдорлари эса инқилобчи ёш бухороликлар группасини ташкил этдиларки, бу группа амирликни қулатиш ва демократик республика барпо қилишни ўз вазифаси қилиб қўйди.

Кўйгина сиёсий проблемалар юзасидан бухоролик коммунистларнинг позицияси инқилобчи ёш бухороликлар позициясидан фарқ этар эди. 1918 йилда вужудга келган Бухоро Коммунистик партияси халқ оmmasининг чинакам манфаатларини ифодалар эди. У амир ҳоқимиятини ағдаришни ҳамда кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишини, хусусий мулкни йўқотишни ўзининг мақсади қилиб қўйди. Бироқ, унинг тактикасида бутун демократик кучлар билан биргаликда революцион ҳаракатларни янада чуқурлаштириш учун конкрет шарт-шароитлар ва имкониятларни етарлича ҳисобга олмаслик билан боглиқ бўлган сўллик хатолари мавжуд эди.

Бу хусусан унинг инқилобчи ёш бухороликларга бўлган муносабатида аниқ намоён бўлди. Бухоро Компартиясининг айрим раҳбарлари революцион курашда ёш бухороликлар билан биргаликда ҳаракат қилиш мумкин эмас, деб ҳисобларди.

1918 йилги март воқеаларидан кейин амир таъқиби туфайли Файзулла Хўжаев Туркистонга, сўнгра эса Москвага кўчиб кетишга мажбур бўлди. Бу ерда Улуғ Октябрь социалистик революцияси тажрибасини чуқур ўрганиш, илмий социализм идеяларидан бевосита баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлди. Рус коммунистлари билан, хусусан В. И. Лениннинг жиддий синфий кураш мактабини ўтган сафдошлари — Я. М. Свердлов, М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак ва бошқалар билан алоқада бўлиш унинг ғоявий қарашларида янада эволюция юз беришида катта роль ўйнади. Файзулла Хўжаев эски сиёсий қарашлари ва ғоявий эътиқодларидан воз кечди. Лекин бу ҳол дарҳол содир бўлмади, балки революцион кураш тажрибаси жараёнида юз берди. Файзулла Хўжаевнинг позицияси тобора Коммунистик партия позицияси сари яқинлашиб борди.

Бу вақтда Бухоро коммунистлари халқ оммасини амир ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолонга ҳозирлаётган эдилар. Авж слиб бораётган революцион воқеалар инқилобчи ёш бухороликларнинг позицияси асоссиз ва чекланган эканлигини яққол кўрсатаётган эди. Ф. Хўжаев Бухородаги революцион воқеалар жараёни ва истиқболларини чуқур таҳлил этар экан, амир ҳокимиятини қулатишда иштирок этиш учун коммунистлар билан бирлашиш зарурлигини тушунди. Шу сабабли у Бухоро Компартиясига амирликка қарши қуролли қўзғолонга биргаликда тайёрланиш таклифи билан бир неча бор мурожаат қилди.

1920 йил августнинг бошида РКП(б) МК Туркистон комиссиясининг мажлисида Файзулла Хўжаев РКП(б) Программасини тан олганлиги ва Бухоро Компартияси сафларига киришга тайёр эканлигини айтди. Бухоро

Коммунистик партиясининг ўша йили 16 августда очилган IV съезди амир ҳокимиятига қарши курашда барча демократик ва революцион кучларни бирлаштиришга ҳаракат қилиб, инқилобчи ёш бухороликлар партиясининг иттифоқ тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўз навбатида инқилобчи ёш бухороликлар партиясининг, революция ғалабасидан кейин дарҳол Коммунистик партия Программасининг ва Уставининг бутунлай ва тўла қабул қилиб, унинг сафларига киражагини баён қилди. Съезд Бухорода революцион вазият мавжудлигига асосланиб, амир ҳокимиятини афдарош тўғрисида қарор қабул қилди, коммунистларни қуроли қўзғолонга отландирди.

1920 йил 28 августда халқ оммасининг амир ҳокимиятига қарши қўзғолони бошланди. Ф. Хўжаев қўзғолоннинг фаол раҳбарларидан бири бўлиб қолди. У Революцион Комитет раиси қилиб тайинланди.

Қўзғолон кўтарган Бухоро халқи ёрдам сўраб РСФСР меҳнаткашларига мурожаат қилди. Мазлум халқ учун ана шу танг бир пайтда Россия пролетариати ва унинг қуроли кучлари бухоролик қардошларга ёрдам қўлини дарҳол чўзди. Қўзғолон кўтарган халққа ёрдам бергани келган совет қўшинларига шуҳрат қозонган саркарда М. В. Фрунзе бошчилик қилди.

Қизил Армия қисмлари, бухоролик қизил отрядлар ва қўзғолон кўтарган халқнинг биргаликдаги ҳаракатлари туфайли 1920 йил 2 сентябрда амир қўшинлари тамомила тор-мор келтирилди. Ф. Хўжаев раҳбарлик қилган инқилобчи ёш бухороликлар партиясининг 1920 йил 11 сентябрда ўзининг тарқалишлиги ҳамда умумий асосларда Бухоро Коммунистик партиясининг сафларига киришлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Шу кунинг БКП сафларига Файзулла Хўжаев биринчи бўлиб кирди ва шу мажлисининг ўзидан у Бухоро Компартиясининг МК составига киритилди.

Шу тариқа Ф. Хўжаев революционер сифатида оммасининг, эътиқодли интернационалчи-коммунист сифати-

да — ленинчи партия сафларида, революцион ишчилар таъсирида, атоқли революционерлар, В. И. Ленин юборган кишилар раҳбарлигида камол топди.

1920 йилдаги Бухоро революцияси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг мантиқий давоми бўлди. Бу революция ривожининг биринчи босқичида Бухорода меҳнаткаш халқнинг революцион-демократик диктатураси ўрнатилди. Шунга кўра Бухородаги революция халқ демократик революцияси эди. Унда деҳқонлар, шаҳар камбағаллари, миллий буржуазиянинг прогрессив элементлари қатнашди. Бухоронинг объектив шарт-шароитлари — ўлканинг иқтисодий ва маданий қолоқлиги, ишчилар синфининг ниҳоятда кам сонли эканлиги, шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам майда буржуа унсурларининг кўплиги — пролетариат диктатураси ўрнатишга имкон бермади.

1920 йил 6—8 октябрда Бухоро шаҳрида халқ вакилларининг биринчи Бутун Бухоро съезди бўлиб ўтди. Съезд Бухорони Халқ Совет Республикаси деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Съезд республика ҳукумати — Халқ Нозирлари Советини тузди. Файзулла Хўжаев унинг раиси қилиб сайланди.

Бухоро Коммунистик партияси янги ҳаёт қуришда БХСР меҳнаткашларининг раҳбар кучи бўлиб майдонга чиқди, у ўз фаолиятини РКП(б) МК Туркистон бюроси билан яқин алоқада амалга ошириб борди. БКП 1921 йил 4 апрелда мустақил партия сифатида III Коммунистик интернационал составига қабул қилинди, ордан бир йил ўтгандан кейин эса у РКП(б) составига кирди.

Ф. Хўжаев амирга қарши қуролли қўзғолонда фаол қатнашар экан, революцион туб ўзгартиришларни амалга оширишда халқ оммасининг ҳал қилувчи ролига амалда ишонч ҳосил қилди. У амир ҳокимияти ағдарилгандан кейин фақат меҳнаткаш халқгина Бухорода янги ҳаёт қура олишлигини, халқ учун сиёсий ҳокимиятнинг энг яхши формаси Советлар эканлигини, фақат Совет



ҳокимиятигина Бухорони тараққиёт сари олиб келишга қодир эканлигини қатъиян билиб олди.

Совет давлати бошқариш системасининг барпо этилганлиги Бухоро меҳнаткашлар оммасининг буюк муваффақияти бўлди. Бироқ Бухородаги Советлар пролетариат диктатурасининг сиёсий формаси эмас эди. Улар ўз синфий табиатига кўра деҳқонлар ҳокимияти бўлган умумхалқ ҳокимияти органи сифатида иш кўрди.

Ф. Хўжаевнинг халқ, Совет ҳокимияти ишига, Коммунистик партия ғояларига садоқати унинг БХСР Халқ Нозирлари Совети раиси лавозимидаги жўшқин, толмас фаолиятида ёрқин намоён бўлди. У бу лавозимни ўташга гоятда мураккаб сиёсий ва иқтисодий вазиятда киришган эди. Амир ағдарилгандан кейин Бухоро Халқ Совет Республикаси ички ва ташқи душманларга қарши шиддатли кураш, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ҳаддан ташқари қолоқлик шароитида революция ривожининг янги босқичига қадам қўйди.

Ёш республикада вужудга келган қийинчиликлар ишлаб чиқарувчи кучларнинг кам ривожланганлиги, ағдарилган амирлик режимининг тарафдорлари бўлган эксплуататор синфларнинг қаршилиги билан, деҳқонлар оммасининг социал ва сиёсий активлиги паст даражада эканлиги билан боғлиқ эди. Аҳвол яна шу билан ҳам мушкуллашган эдики, бу ерда халқ ишига берилган, демократик туб ўзгартишларни амалга оширишга раҳбарлик қилишга қодир ғоявий етук партия ва совет ходимлари кам эди.

БХСР коммунистлари олдида жуда мураккаб ва ўзига хос вазифалар турар эди. Бу вазифаларни ҳал этиш учун ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишни кенг йўлга қўйиш зарур эди. Демократик революцияни ниҳоясига етказиш ва социалистик туб ўзгартишларни амалга оширишга ўтиш учун замин ҳозирлаш керак эди.

Ана шундай мураккаб шароитда Файзулла Хўжаев ўзининг бутун кучини Коммунистик партия ғояларини

турмушга ошириш учун курашга бағишлади. У Совет Россияси билан иттифоқ тузишга қарши чиққан, Фарбдаги капиталистик давлатлар билан иттифоқ ўрнатишга ҳаракат қилган миллатчиларни муросасиз фош этди. У 1921 йил мартда «Бухоро ахбори» газетасида эълон қилинган «Революцияни ҳимоя қилиб» деган мақоласида бундай деб ёзган эди: «Қимдаки ўзини миллатчи қилиб кўрсатмоқчи бўлса, «ўлкани руслар босиб олди, уларни қувиш лозим», деб айюҳаннос солади. Бироқ инглиз мустамлакачиларининг қуруқ ваъдаларига учган кимсалар инглиз қўшинлари ўлкани босиб олишига розилар. Миллатчилар инглиз капитали диктатурасига қарши эмаслар...

Ажабо, сизлар шу қадар нодонмисизларки, инглиз найзалари ёрдамида ўтмишнинг оғир бўйинтуруғини қайтаришга орзуманда бўлсангиз! Бир умр эсингизда бўлсинки, буларнинг бари рўёбга чиқмайдиган қуруқ хом хаёлдир...

Совет Россияси билан дўстлигимизга душман бўлган кишилар кўзлаган асосий мақсад — бу озод халқларни инглизлар асоратига солишдир»<sup>1</sup>.

Файзулла Хўжаев феодализмга барҳам беришга қаратилган дастлабки иқтисодий туб ўзгартишларга бевосита бошчилик қилди, маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишга раҳбарлик қилди. У демократик революциянинг социалистик революцияга ўсиб ўтишини жадаллаштиришга катта ҳисса қўшди, контрреволюцион босмачиликни тор-мор этишнинг ташкилотчилари ва раҳбарларидан бири бўлди. Ф. Хўжаев фронт Революцион Ҳарбий Советининг аъзоси, Шарқий Бухоро Революцион Ҳарбий Советининг раиси сифатида Анвар-поша, Салим-поша галалари ва бошқаларга қарши курашда шахсан иштирок этди.

Ф. Хўжаев ўзининг ғоявий ва назарий савиясини

<sup>1</sup> Файзулла Хўжаев. Таълаған асарлар, 1-том, Тошкент, «Ўзбекистон», 1970, 333—334-бетлар.

мунтазам ошира бориб, марксизм-ленинизмнинг, социалистик қурилиши ва халқлар дўстлиги ғояларининг оташин пропагандисти бўлди. У давлат, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳар қандай жабҳасида ленинчи коммунистлар партияси сиёсатини жўшқин куч-ғайрат билан ўтказиб келди. У халқ олдидаги юксак бурчини бажарар экан, ўз соғлигини аямади ва халқнинг чуқур ҳурматиغا сазовор бўлди. Ф. Хўжаевнинг БХСРнинг I даражали давлат ордени ҳамда Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлиги унинг Бухоро меҳнаткашлари ва Коммунистик партияси олдидаги хизматлари эътироф қилинганлигининг ифодаси эди.

Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати бошлиғи лавозимида тўрт йил ишлаш Файзулла Хўжаев учун давлат ва хўжалик-ташкilotчилик ишининг улкан мактаби бўлди. Шу билан бирга ўша йилларда у ғоявий жиҳатдан улғайди, кўзга кўринган сиёсий арбоб, чин ленинчи-коммунист бўлиб етишди. У революцион синфий жанглар тарихи, назарияси ва практикасини, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг бой тажрибасини ўрганар экан, Бухородаги демократик туб ўзгартишларга бошчилик қилар экан, рус революционерлари ёрдамида ўзининг эски қарашларига барҳам бера олди. Барча сиёсий ва назарий масалаларни ҳал этишга у ҳамма миллатларга мансуб меҳнаткашлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, марксизм-ленинизм, пролетар интернационализи позицияларидан туриб ёндаша бошладди. Бу ҳол унинг Урта Осиё халқлари миллий-территориал чегараланиши давридаги фаолиятида айниқса ёрқин намоён бўлди.

1924 йил 18 ноябрда Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари Марказий Ижроия Комитетлари Файзулла Хўжаев раислигида Ўзбекистон ССР Революцион Комитети ташкил этиш тўғрисида биргаликда қарор қабул қилдилар. Ўзбекистон ССР Советлари I съездида (1925 йил февраль) Ф. Хўжаев Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси ва МИК Президиуми аъзоси қилиб сайланди, республика

МИКнинг шундан кейинги барча чақириклари сессияларида ана шу маъсулиятли лавозимга қайта сайланиб келди. Ўзбекистон Компартиясининг I, II, III, IV, V, VI съездларида ۷ Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети Бюро аъзоллигига сайланди. 1925 йил майда учинчи чакирик СССР Советлари МИК I сессиясида Ф. Хўжаев СССР Советлари МИК Президиуми аъзоси ва МИК раиси олти ўринбосарининг бири қилиб сайланди. У партия XII, XIV—XVII съездларининг делегати бўлди. 1924 йил декабрда СССР Революцион Ҳарбий Совети Ф. Хўжаевнинг Туркистон fronti Революцион Ҳарбий Совети аъзоси ҳамда Ҳарбий денгиз халқ комиссарлигининг Ўзбекистондаги вакили қилиб тасдиқлади. Унга ўша замондаги олий ҳарбий унвои — армия қўмондони унвони берилган эди.

Ф. Хўжаев Ўзбекистон ССР ҳукумати бошлиғи лавозимидаги дастлабки пайтларда партияга қарши маҳаллийчилик «18 лар группаси»да қатнашиб, жиддий сиёсий хатотарга йўл қўйди. Лекин у тез орада бу хатоларини эътироф қилди ва Коммунистик партия ишига, пролетар интернационалиزمи принципларига, социализм ишига содиқлигини амалда исботлади.

Ф. Хўжаев Ўзбекистон ССРда социализм қурилишига империализмга қарши курашда республика меҳнатқашларининг интернационал бурчи деб қаради. У бундай деб ёзган эди: «Ўзбекистон республикаси ишчилари ва деҳқонларининг намунаси Шарқнинг барча халқларини уларнинг Англия ва бошқа Европа империалистик давлатларига қарши ўз озодликлари учун курашлари ишида руҳлантириши керак».

Республика ҳукуматиининг бошлиғи сифатида Файзулла Хўжаев Ўзбекистон ССР экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди. Ўзбекистон меҳнатқашлари социализм қуриш ленинча планини рўёбга чиқара ва ВКП(б) съездлари қарорларини бажара бориб, республика партия ташкилоти раҳбарлиги-

да демократик ва социалистик туб ўзгартинларнинг мураккаб вазифаларини амалга оширдилар. Ф. Хужаев Ўзбекистон ССР ХҚС раиси сифатида индустриалаштириш ва қишлоқ хўжалигини социалистик реконструкциялашга кўп меҳнат сарфлади. Унинг бевосита иштирокида Ўзбекистонда саноатнинг кўпгина янги тармоқлари, шу жумладан ўз ёқилғи базаси яратилди. Ф. Хужаевнинг ташаббуси ва унинг раҳбарлигида Ҳавдак районда нефть, Войсулда — кўмир, Олмаликда — мис, Самарқанд ва Фарғона районларида мрамр ва рангли металл конлари топиш ва ўзлаштириш ишлари бошланди. Чирчиқда электр химия комбинати, Тошкентда тўқимачилик комбинати ва бошқа ийрик корхоналар қурилиши авж олдириб юборилди.

Республика ХҚС раиси лавозимида Ф. Хўжаев Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш учун, СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлаш учун кўп иш қилди. Унинг ташаббуси билан республикада ийрик ирригация ва мелиорация ишлари амалга оширилди. Фарғона ва Зарафшон водийларида, Қарши чўли ва Сирдарё областида янги ерларни ўзлаштириш планининг ишлаб чиқилиши унинг хизматиدير.

Ф. Хўжаев Ўзбекистонда мазмунан социалистик, шаклан миллий маданиятни ривожлантиришга кўп эътибор бериб келди. Дастлабки беш йилликлар даврида республикада кўплаб театрлар, клублар қурилди, адабиёт ва санъат соҳасида истеъодли арбоблар ўсиб етишди.

Ф. Хўжаев илм-маърифатнинг эҳтиросли жонкуяри эди. Ёш республика аҳолиси деярли ёшасига саводсиз эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР ҳукумати 1925 йидаёқ халқ маорифи эҳтиёжлари учун 13 миллион сўм маблағ ажратган эди. 1936 йилга келиб эса Ўзбекистон техникумлари ва ишчилар факультетларида 23,5 минг киши таълим олди. 1936 йилда «Известия» газетасида эълон қилинган «Бахтиёр халқ республикаси» номли мақолада Файзулла Хўжаев оундай деб ёзган

эди: «Ўзбекистонда маданиятнинг равақи чинакам ажойибдир... Лекин ютуқларимиз ичида энг асосийси ва энг салмоқлиси — кишиларнинг камол топганлигидир. Ўзбек халқи орасидан янги касб эгалари: тракторчилар, комбайнчилар, агрономлар, врачлар, техниклар, инженерлар, профессорлар, рассомлар, созандалар, артистлар, ёзувчилар етишиб чиқди... Ўзбекистон меҳнат аҳли ўзбек миллатининг юксалганлиги... ўз давлатининг мустақамланганлиги учун у Улуғ Ленин партиясидан миннатдор эканлигини биледи»<sup>1</sup>.

Бутун мамлакатда бўлган каби Ўзбекистонда ҳам социализм қурилиши шиддатли синфий кураш шароитида олиб борилди. Буржуа миллатчилар, троцкийчилар ва бухаринчилар партия ичида қўпоровчилик фаолиятларини активлаштирдилар, социалистик қурилиш вазифаларини ҳал этишга гов солдилар. Ана шундай бир вазиятда Ф. Хўжаев социализм қурилиши ленинча плани қатъият билан ҳимоя қилди, троцкийчилар гоявий позициясининг антиленинча моҳиятини фаш этишда принципаал тарзда актив қатнашди. У Ўзбекистон КП(б) III съездидаги (1927 й. ноябрь) нутқида бундай деган эди:

«...Ўз ҳаётини партияга ва ишчилар синфи ишига бағишлаган ҳар бир партия аъзоси каби мен учун ҳам бизнинг партиямиз ҳимоя қилаётган ҳақиқатдан бўлак ҳақиқат, бизнинг Бутуниттифоқ Коммунистик партиямиз ўтказиб келаётган йўлдан бўлак йўл, бутун партия ва унинг юқори органи кўрсатиб берганидан бўлак сиёсат йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Партияда жанжал ва низо чиқармоқчи бўлган оппозициянинг ифвогарлик даъволарига зид ўлароқ, партиянинг бирлиги, жипслиги мен учун энг олий қонундир. Шу боисдан мен Марказий Комитетимизнинг коллектив раҳбарлиги остида ишлаб келдим ва ишлайвераман, деб айтаман»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар, 3-том, 503-бет.

<sup>2</sup> Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар, 1-том, 450-бет.

Файзулла Хўжаевнинг социализм пойдеворини яратини ва маданий революцияни амалга ошириш, ўзбек халқининг мамлакатдаги бошқа халқлар, аввало рус халқи билан интернационал бирлиги ва қардошларча ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасидаги фаоллиги унинг бу гаплари нақадар самимий эканлигини тўла тасдиқлайди. У социалистик қурилишнинг умумий қонунларини республиканинг ўзига хос шарт-шароитларида ижодий татбиқ эта биллишлигини кўрсатди.

Ф. Хўжаев Конституция комиссиясининг аъзоси сифатида СССР янги Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқишда қатнашди. СССР Советларининг ғалаба қилган социализм янги Конституциясини қабул қилган Фавқулодда VIII съездида Ф. Хўжаев сўзга чиқиб бундай деди: «Ўзбек халқи кенг оммаси янги Конституция лойиҳасини муҳокама қилар экан, ана шу буюк тарихий ҳужжатда ўз муваффақиятлари ва ғалабалари ифодасини кўрди. Ўзбек халқи Конституция лойиҳасини яқдиллик билан маъқуллади»<sup>1</sup>.

Файзулла Хўжаев Ўзбекистон ССР янги Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан Комиссия аъзоси эди. 1937 йил февралда у, Ўзбекистон ССР Советларининг фавқулодда VI съездида «СССРнинг янги Конституцияси лойиҳаси тўғрисида» доклад қилди ва Ўзбекистон ССРнинг Янги Конституцияси тўғрисида нутқ сўзлади. У социализм ғалабаси натижасида Ўзбекистон Совет республикалари қардошлик оиласида қолоқ мустамлака чекка ўлкадан маданияти юксак даражада ривожланган илғор индустриал-колхоз республикасига айланганлигини таъкидлади.

Ф. Хўжаевнинг Ўзбекистонни Шарқдаги Совет социалистик республикасига айлантириш тўғрисидаги эзгу орзусига совет кишиларининг қақрамонларча бунёдко-

---

<sup>1</sup> Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар, 3-том, 509-бет.

рона меҳнати туфайли Коммунистик партия раҳбарлиги остида, мамлакатимиздаги барча халқларнинг ёрдами билан эришилди. Ф. Хўжаев миллий чекка ўлкаларнинг иқтисодий ва маданий қолоқлигини тугатиш ишида рус халқининг улкан ҳиссасини юксак қадрлар эди. У ўзбек халқининг социалистик қурилишдаги ғалабаларида мустамлака ва қарам мамлакатлар меҳнаткашлари революцион кураши ривожига бевосита таъсир кўрсатадиган муҳим омилни кўрди.

Файзулла Хўжаев Ленин ғояларини, Коммунистик партия қарорларини фақат сиёсий, ташкилотчилик иши жараёнидагина эмас, балки шу билан бирга жўшқин публицист, тарихчи олим қалами воситасида ҳам турмушга ошириб келди. У маҳаллий ва марказий матбузда эълон қилинган кўпдан-кўп илмий асарлари ва мақолаларида социализм ғояларини пропаганда қилди. Унинг асарлари Ўрта Осиёдаги миллий озодлик курашининг, социалистик революцияни, социалистик қурилишни тайёрлаш ва ўтказишнинг тарихини чуқур ўрганиш учун катта аҳамиятга молик.

Ф. Хўжаевнинг социализм қуриш учун курашдаги катта хизматларини партия ва халқ юксак баҳоладилар. 1935 йилда у Ленин ордени билан мукофотланди. Л. И. Брежнев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлисида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Биз Икромов, Охунбобоев, Морозов, Хўжаев ўртоқларнинг хотирасини ва Коммунистик партиянинг бутун куч ва ҳаётларини Ўзбекистон халқлари бахт-саодати йўлида фидо қилган бошқа шонли фарзандлари хотирасини ғоят ҳурматлаб эсга оламиз»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар. 1-том, Тошкент, «Ўзбекистон», 1970, 46-бет.



Совет Ўзбекистонни меҳнаткашлари Ленин иши учун, социализм ғалабаси учун, коммунизм ғоялари тантанаси учун азамат курашчи Файзулла Хўжаевни миннатдорлик билан хотирлайдилар.



## ВЛАДИСЛАВ ДАМИАНОВИЧ ФИГЕЛЬСКИЙ

Улуғ Октябрь шарқ халқлари, шу жумладан, Туркистон халқлари тарихида буюк бурилиш нуқтаси бўлди. Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустақкамлаш учун кураш жуда катта қийинчиликларга дуч келди, миллий буржуазия, феодал-бой элементлар, оқгвардиячилар ва реакцион донралардан иборат контрреволюцион кучлар ёш Совет ҳокимиятини ағдариб ташлаб, эски тартибларни тиклашга уринди. Ана шу ҳал қилувчи синфий курашда, янги ҳаёт учун курашда ўзининг бутун ҳаётини халққа, коммунизм ғояларига бағишлаган Коммунистик партия солдатлари, большевик-революционерлар ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Партиянинг ана шу жанговар солдатлари орасида Владислав Дамианович Фигельский ҳам бор.

Поляк халқининг фарзанди, Коммунистик партиянинг актив жангчиси, революционер-интернационалист, Туркистонда социалистик революция ва гражданлар урушининг қатнашчиси В. Д. Фигельский 1889 йилда Польшада Плоцк шаҳрида, қоғоз фабрикасининг ишчиси оиласида дунёга келди. 1909 йилда шу шаҳардаги гимназияни битиргач, Краков университетининг аниқ фанлар бўлимига ўқишга кирди. Кейин Парижда Сорбонна университетиде маълумотини давом эттирди. Владислав Дамианович бу ерда Владимир Ильич Ленин билан танишиб, унинг даҳоси, заковат кучи, беҳад катта билими, революцион эҳтисоси ва чин инсоний фазилатларига қойил қолди. Бу ҳол унинг дунёқарашини шакллантирди.

В. Д. Фигельский 1913 йилда математика факультете-

тини муваффақиятли тугаллаб, математика фанлари кандидати илмий даражасини олди. Ватанига қайтгач, революцион фаолиятда актив қатнашди ва бунинг учун чор самодержавнеси томонидан 1914 йилда Ўрта Осиёга сургун қилинди. Самарқандга келгач, бир оз вақт нотариус Беляевнинг идорасида ишлади. Шу йилнинг сентябридан бошлаб Самарқанд хотин-қизлар гимназиясида математика ўқитувчиси вазифасини бажара бошлади.

В. Д. Фигельский 1915 йилнинг ноябрида чор армияси сафига чақирилиб, Қазалинск шаҳрида жойлашган запасдаги 4-Сибирь полкида хизмат ўтай бошлади. Хизмат вақтида камтарлиги, оддийлиги, солдат биродарлари билан сизқидил муносабатда бўлиши, ижтимоий ҳаётни яхши билиши туфайли улар орасида катта обрў топди. У солдатлар орасида ташвиқот ишлари олиб борар, урушнинг империалистик моҳиятини, большевикларнинг империалистик уруши чор самодержавиесига, эксплуататорлик зулмига қарши гражданлар урушига айлантириш йўлидаги ишлари моҳиятини тушунтирарди. Табиийки, бу ҳол қўмондонликка маъқул келмади. Шу сабабли орадан кўп ўтмай армьядан бўшатилди. В. Д. Фигельский Самарқандга қайтгач, яна гимназияда дарс бера бошлади ва айни вақтда солдатлар, ишчилар ва чет эллик ҳарбий асирлар ўртасида революцион иш олиб борди, маҳаллий миллат меҳнаткашларини большевиклар теварагига жипслаштириш ишига катта ҳисса қўшди.

Туркистонда буржуа-демократик революцияси ғалаба қозонгач, РСДРП ташкилотларининг янгилари тузила бошлади. 1917 йил мартда Самарқандда ҳам бирлашган социал-демократик ташкилот тузилиб, унда большевиклардан В. Д. Фигельский, А. И. Фролов, С. Чечевичкин, А. Заманов, М. Иброҳимов, А. Пономарев, В. Усов, В. Билик ва бошқалар, айниқса, катта фаолият кўрсатдилар.

Петрограддаги Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаси бугун Россия, шу жумладан Туркистон

меҳнаткашларини ҳам Советлар учун курашга олтантирди. Тошкентда 28 октябрда большевиклар раҳбарлигида бошланган ишчилар, солдатлар ва ўзбек камбағалларининг қурулли қўзғолони 1 ноябрь куни ғалаба қозонди. Шу ғалабадан кейин, Туркистоннинг бошқа шаҳарлари ва районларида ҳам Совет ҳокимияти ўрнатилди. Шу кезларда В. Д. Фигельский Самарқандда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашда энг актив қатнашди. Шу туфайли Самарқанд меҳнаткашлари уни якдиллик билан солдат ва ишчи депутатлари Совети составига сайладилар. Совет Ижроия Комитети эса уни Самарқанд уезди халқ маорифи комиссари ва халқ маорифи Советининг раиси этиб тайинлади. Оташин революционер шу лавозимда янги совет мактабларини очиш, саводсизлик ва чаласаводликни тугатиш борасида кўп ишлар қилди.

В. Д. Фигельский 1918 йил октябрида Советларнинг VI Фавқулодда Ўлка съездига делегат этиб сайланди.

Съезддан кейин бўлиб ўтган Туркистон Марказий Ижроия Комитети сессиясида В. Д. Фигельский Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг тақлифига биноан Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Халқ Комиссарлари Советининг Раиси этиб тайинланди. Шунини айтиш керакки, В. Д. Фигельский, бу лавозимда республика учун жуда мураккаб ва қийин бўлган шароитда ишлади. Чунки вазият сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий характердаги жуда кўп мураккаб масалаларни оператив ҳал қилишни тақозо қилар эди.

В. Д. Фигельский босмачиларга қарши курашнинг кўзга кўринган ташкилотчиларидан бири бўлди. У шахсан Закаспий, сўнгра Фарғона фронтига бориб, аҳвол билан чуқур танишди. Фарғонада область партия ташкилотини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам берди, меҳнаткашларни ва Қизил Армия жангчиларини босмачиларга қарши курашга сафарбар қилди, босмачи ғалалала-

рига қарши жангларда фаол қатнашди. 1918 йил В. Д. Фигельский Халқ Комиссарлари Советида иш билан қаттиқ банд бўлишига қарамай, Тошкент ва республиканинг партия ва ижтимоий ҳаётида актив қатнашди. У кундузи Халқ Комиссарлар Советида жорий ишлар билан банд бўлар, кечқурун мажлисларда қатнашар, тунлари телефон орқали фронтлар билан алоқа боғлар, отда бутун шаҳарни айланиб чиқарди.

1919 йилнинг 19 январига ўтар кечаси Тошкентда оқгвардиячилар ва «сўл» эсерлар томонидан уюштирилган Советларга қарши исён кўтарилди. Унга партия сафларига суқилиб кириб олиб, Туркистон республикасиинг ҳарбий комиссари лавозимини эгаллаган собиқ прапорщик Осипов бошчилик қилди. Исёнчилар ўз олдиларига Совет ҳокимиятини ағдариб ташлашни вазифа қилиб қўйганди. 19 январь кўни эрталаб исёнчилар ҳарбий қалъа ва бош усталоҳоналардан ташқари қарийб бутун шаҳарни эгаллаб олдилар. Республика Компартияси ва ҳукумати раҳбарларини, шунингдек ТАССР Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Владислав Дамианович Фигельскийни ҳам хоинларча қўлга тушириб, отиб ташладилар. Бу билан улар Тошкент пролетариатини раҳбарсиз қолдирмоқчи бўлишди. Лекин контрреволюционерлар қаттиқ янглишди. Эртаси кўни — 20 январьдаёқ Тошкент пролетариати кизил аскарлар ва эски шаҳар партия дружиналари большевиклар бошчилигида чексиз қаҳрамонлик кўрсатиб, оқгвардиячилар исёнини бостирдилар.

Атоқли партия ва давлат арбоби, Коммунистик партиянинг матонатли ва содиқ жангчиси В. Д. Фигельский контрреволюция олдида бош эгмади ва ўз ҳаётини партия иши учун, коммунизм идеаллари учун қурбон қилди. У қиска, лекин ғоят мазмунли ҳаёт кечирди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари коммунизм иши учун оташин курашчи В. Д. Фигельскийнинг хотирасини муқаддас билиб, тилга оладилар. Тошкент ва Самарқандда

бир неча кўчалар унинг номига қўйилган. У Туркистон Республикасининг ҳалок бўлган бошқа раҳбарлари билан биргаликда Тошкент марказидаги биродарлар қабрига дафн этилган. Ўзбекистон пойтахтининг энг гўзал жойларидан бирида ўн тўрт Туркистон комиссарининг сиймосини моҳирона тасвирлаган ҳайкал қад кўтарган. Шулар орасида партия иши учун, халқ бахт-саодати учун мард жангчи Владислав Дамнанович Фигельский ҳам бор.



## УСМОН ЮСУПОВ

Коммунистик партия ва шахсан В. И. Ленин мамлакатимизда Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки кунларданоқ социализм қуриш учун курашда халқ оmmasига раҳбарлик қилишга қодир бўлган маҳаллий миллат меҳнаткашларидан партия ва совет ходимларини тайёрлаш ва тарбиялашга катта аҳамият берди. «Пролетар революцияси,— деган эди В. И. Ленин,— худди ўз манбаларининг битмас-туганмаслиги билан кучлидир. Биз биламизки, ўз ҳаётини курашга фидокорона бағишлаган, шу кураш йўлида ўз ҳаётини қурбон қилган кишилар ўрнига, пролетар революцияси бошқа кишиларин саф-саф қилиб олға чиқармоқда... улар омма билан кенг суратда боғланган ва орамиздан кетган катта талантлар ўрнига шу талантларнинг ишларини давом эттирувчи, шуларнинг йўлидан борувчи, улар бошлаган ишни тугалловчи бир группа кишилар етказиб бера оладиган кишилардир»<sup>1</sup>.

Жаҳонда биринчи кўп миллатли Совет социалистик давлати раҳбарлари ва ташкилотчиларининг умумий қиёфаси, ғоявий ва ишчанлик хислатлари тўғрисидаги ленинча мезон Ўрта Осиёдаги маҳаллий миллатлар меҳнаткашлари орасидан партия ва совет кадрларини тарбиялаб етиштиришга асос қилиб олинди. Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоблари М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак, Д. И. Манжара, И. А. Зеленский ва бошқалар истеъдодли маҳаллий партия ва совет ходимларини тарбиялаб етиштириш ишига катта ҳисса қўшдилар. Революцион анъаналар,

---

В. И. Ленин. Тўла Асарлар тўплами, 29-том, 84-бет.

мамлакатимиз марказий районларидан келган рус ишчиларининг тажрибаси ҳам маҳаллий миллат партия ва совет ходимлари учун катта сиёсий мактаб бўлиб хизмат қилди.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг кўзга кўринган арбоби М. А. Суслов Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ярим асрлик юбилейига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Биз Ўзбекистон коммунистларининг буюк самарали фаолияти тўғрисида гапирганимизда Ўзбекистон Компартиясининг Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов каби атоқли арбобларини самимий иззат-ҳурмат билан эсга оламиз»<sup>1</sup>.

У. Юсупов 1900 йил 1 мартда Фарғона областидаги Қаптархона қишлоғида батрак оиласида туғилди. У энг ёшлик чоғлариданоқ асоратли меҳнат, қашшоқлик, бойлар зулмини бошидан кечирди. 1916 йилда У. Юсупов Янгпйўл пахта тозалаш заводига ишга кирази. Бу давр мустамлакачилик ва феодализм негизларини ларзага келтирган революцион воқеалар билан тўлиб-тошган эди. 1916 йил қўзғолони, Октябрь социалистик революциясини тайёрлаш ва амалга ошириш давридаги ишчилар синфининг оммавий революцион чиқишлари Усмон Юсуповнинг пролетарча чиниқишида ва ғоявий, сиёсий қарашларининг шаклланишида катта мактаб бўлиб хизмат қилди. У социалистик революция ғалабаси учун, граждонлар урушининг офир оқибатларини тугатиш, Ўзбекистонда социализм асосларини вужудга келтириш учун кураш олиб борган ишчиларнинг ҳаминша олдинги сафида бўлди.

1926 йилда У. Юсупов Коммунистик партияга кирази.

---

<sup>1</sup> М. А. Суслов. Совет Ўзбекистонини эллик ёшда.— Қуйидаги китобда: Ленин йўлидан. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг эллик йиллиги байрам қилинишига бағишланган материаллар тўплами. Тошкент, «Ўзбекистон», 1975, 47-бет.



У. Юсупов ўзининг улкан ташкилотчилик қобилияти туфайли тез орада раҳбарлик лавозимига кўтарилди: 1926 йилда Тошкент қасаба союзлари округ комитетининг раиси, кейинчалик эса Тошкент округ партия комитети секретари қилиб сайланади.

Ана шу йиллар совет халқининг социализм қуриш, феодал ва мустамлака ўтмишининг оғир сарқитларини бартараф этиш учун олиб борган курашида муҳим давр бўлди. Республиканинг йирпк партия ташкилоти раҳбари бўлган Усмон Юсупов ер-сув ислоҳотини ўтказиш, саноатни ривожлантириш, маҳаллий миллатларга мансуб ишчилар синфини шакллантиришда, қишлоқ меҳнатчиларининг синфий оғи ва сиёсий активлигини ошириш ишида актив иштирок қилди. Уша даврдаёқ У. Юсупов ўзининг фидокорона меҳнат, жўшқин ва толмас куч-ғайрати, синфий душманларга нисбатан муросасизлиги билан республика коммунистлари, меҳнаткашлари оммаси орасида катта ҳурмат ва обрў-эътибор қозонди.

1929 йилда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг IV съезди уни Марказий Комитети аъзоси ҳамда республика партия ташкилоти секретарларидан бири қилиб сайлайди. Ана шу юксак вазифада у республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, Ўзбекистон партия ташкилотини гоёвий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, республика, коммунистлари, барча меҳнаткашларини интернационал руҳда тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшди. У 1930 йилда эълон қилинган мақолаларининг бирида, маҳаллий миллатчилик ва буюк давлатчилик шовинизмига қарши муросасиз кураш олиб боришга чақирган ВКП(б) XVI съезидан кейин бундай деб ёзган эди: «Шуни ҳамиша қатъиян белгилаб қўйиш керакки, миллий республика шароитида ҳар бир партия ташкилоти иши кўп жиҳатдан миллий сиёсатни амалга ошириш суръатларига, буюк давлатчилик шовинизм ва маҳаллий миллатчиликка қарши кураш олиб бориш да-

ражасига қараб баҳоланиши керак... Партия ташкилотларимиз синфий душманнинг шовинистик агитациясига ўз сафларини партия атрофида интернационал жипшлаштириш билан жавоб берадилар».

1931 йилда партия Усмон Юсуповни яна қасаба союзи ишига юборди — у ВЦСПС нинг Ўрта Осиё бюросига раис қилиб тайинланади. Бу йилларда оммавий жамоат ташкилоти бўлган қасаба союзлари социализм учун курашда катта роль ўйнади. Ҳақиқий коммунизм мактаби бўлган қасаба союзлари оммани ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этдилар, меҳнаткашларни юқори синфий онглилик руҳида тарбияладилар, уларни социалистик қурилиш вазифаларини ҳал этишга сафарбар этдилар. 1934 йилда партия У. Юсуповни унинг илтимосига кўра Москвага ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм курсларига юборади.

1936 йилда У. Юсупов Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати халқ комиссари қилиб тайинланади, 1937 йил сентябрда эса Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланади. Бу юксак масъулиятли вазифада унинг ташкилотчилик қобилияти зўр куч билан намоён бўлди.

Усмон Юсупов чинакамига халқ раҳбари эди. У халқ эҳтиёжларини яхши биларди, халқ ташаббусининг битмас-туганмас имкониятларига ҳамisha ишонарди, одамлар қалбига йўл топа оларди, оммани улкан социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишга сафарбар эта оларди, унинг ўзи оммадан ўрганарди. Усмон Юсупов экономикани яхши биларди, пахтачиликни чуқур биларди, у ўзида партиявий принципаликни ҳўжалик ходимининг кенг билим доираси билан уйғунлаштирган эди. Республика партия ташкилоти атоқли раҳбарларидан бири бўлган Усмон Юсуповга нисбатан умумхалқ меҳр-муҳаббатининг бойси ҳам мана шундадир.

Катта Фаргона канали қурилиши У. Юсупов номи билан боғланган бўлиб, у канал қурилиши ташаббускор-

ларидан бири эди. Бу қурилишда ўзбек халқининг олдинлари мисли кўрилмаган оммавий, меҳнат ғайрати намоён бўлди.

Республика партия ташкилоти 2 мингдан кўпроқ коммунист ва 70 минг комсомолни канал қурилишига сафарбар этди. Улар мусобақа ташаббускорлари бўлдилар, меҳнатда ибрат кўрсатдилар. Канал Ўзбекистон ва қардош Тожикистон экономикасини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ўзбек халқининг қаҳрамонона меҳнатини юксак баҳоладилар. М. И. Калинин ана шу улкан қурпиш зарбдорларига орден ва медаллар топшириш чоғида сўзлаган нутқида ўзбек деҳқонларининг ташаббуси бутуниттифоқ аҳамиятига эга бўлиб, халқ қурилиши методини мамлакатимиз бошқа районлари меҳнатчилари ҳам қўллаб-қувватламоқда, деб таъкидлаган эди.

У. Юсупов раҳбарлигидаги республика партия ташкилоти Улуғ Ватап урушининг оғир йилларида жуда катта сиёсий ва ташкилотчилик ишларини олиб борди. Усмон Юсупов душманга зарба бериш учун Ўзбекистон иқтисодий ресурслар ва одам кучларини сафарбар этишда жуда кўп куч-ғайрат сарфлади. Республикамиз фарзандлари СССРдаги барча халқлар билан биргаликда Совет Ватапининг озодчилиги ва мустақиллигини ҳимоя қилдилар. Ўзбекистон мамлакатнинг Шарқдаги қудратли ҳарбий аслаҳахонасига айланган эди. КПСС Марказий Комитетининг «Совет халқининг 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватап урушида қозонган галабасининг 30 йиллиги тўғрисида»ги қароридан бундай дейилади: «Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет зиндилари буюк жасорат кўрсатдилар. Улар фидокорона меҳнат қилиб, Қуролли Кучлар жангчилари билан биргаликда душман устидан галаба қозонишга замин тайёрладилар. Урушнинг бутун давомида фронт ва фронт орқаси ягона жанговар лагерь бўлди».

Улуғ Ватан уруши йилларида 100 га яқин саноат корхонаси Ўзбекистонга кўчириб келтирилди. Республика саноати ҳам ҳарбий изга кўчирилган эди. Эвакуация қилинган саноат корхоналари қисқа муддат ичида ишга туширилар ва фронт учун ишлай бошлар эди. Самолётлар, миномётлар, снарядлар ва Қизил Армия учун бошқа зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил этилди. Мана шуларнинг ҳаммасида Усмон Юсуповнинг хизмати каттадир.

Уруш йилларида Бекобод металлургия заводи, Фарҳод гидроэлектр станцияси, бошқа ўнлаб корхоналар барпо этилди. Масалан, Ўзбекистон энергетикаси ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган Фарҳод ГЭСни қуришда 70 мингдан кўпроқ колхозчи ва ишчи иштирок қилди, улар меҳнат соҳасида оммавий жасорат кўрсатдилар.

Ўзбек халқи мамлакатнинг ғарбий районларидан эвакуация қилинган бир миллиондан кўпроқ кишини қабул қилиб олди. Бу ерда ўз ота-онасида маҳрум бўлган 200 миңг болага бошпана берилди ва ғамхўрлик кўрсатилди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришда озод қилинган районларга катта ёрдам кўрсатдилар. Чунончи, 1943 йилда республика МТС ва совхозларидан Ставрополь ўлкасига 1220 трактор, 50 комбайн, 600 ғалла саялкаси, 1220 плуг юборилди. Украина ССРнинг озод қилинган районларига юзлаб тракторлар жўнатилди. Икки юз миңга яқин мутахассис, комбайнчи, тракторчи ана шу районларга юборилди. Ўзбекистон меҳнаткашларининг интернационалистик дўстлиги, душман оккупация қилган қардош республикалар халқларига ёрдам кўрсатиши, уруш вайрон қилган хўжаликни тезроқ тиклаш истаклари мана шуларда намоён бўлди.

1950 йилда У. Юсупов СССР Пахтачилик министри қилиб тайинланди. У мана шу лавозимда ҳам партия-

нинг пахтачилик соҳасида қўйган вазифаларини бажариш учун самарали меҳнат қилди. Кейинчалик У. Юсупов турли раҳбарлик вазифаларида ишлади. Мирзачўл совхозларида пахтачиликни ривожлантириш, «Халқобод» йирик аграр-саноат комбинатини ташкил этиш унинг номи билан боғлангандир. У. Юсупов қаерда ишлаган, у бутун куч ва ғайратини республика экономикаси, фани ва маданиятини ривожлантиришга сарфлади.

Партия ва ҳукумат Усмон Юсуповнинг хизматларини юксак баҳолади. У олти Ленин ордени, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени, I даражали Улуғ Ватан уруши ордени, жуда кўп медаллар билан тақдирланди.

У. Юсупов партия XVIII ва XIX съездларида партиямиз Марказий Комитетининг аъзоси, бир неча марта СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларига депутат қилиб сайланган эди.

Усмон Юсуповнинг ҳаётий йўли Ўзбекистонда социализм қурилиши ва уни мустақкамлаш тарихига, республика партия ташкилоти тарихига ёрқин саҳифа бўлиб киради. У совет кишилари хотирасида содиқ ленинчи, ҳақиқий интернационалист, омманинг истеъдодли етакчиси сифатида абадий сақланади.

## НИЗОМИДДИН ХҲЖАЕВ

Ўрта Осиё революцион ҳаракат тарихи оташин революционерларининг бутун бир авлодини курашнинг қай-коқ майдонига олиб чиқди. Улар ўз ҳаётларини революция ишига бағишладилар, халқни қуллик ва зулмдан озод қилиш учун курашдилар. Низомиддин Хўжаев шу курашчилар сафида эди. У 1885 йили Тошкентда ишчи оиласида туғилди. Бошланғич рус-тузем мактабини битиргач, 15 ёшлик ўсмир босмахонада ҳарф терувчининг шогирди бўлиб ишлай бошлади. Бу ерда у илғор фикрли рус матбаачилари билан дўстлашди, рус тилини қунт билан ўрганди. Орадан кўп ўтмай, социал-демократларнинг сиёсий адабиётларини мустақил ўқий бошлади. Рус революцион ҳаракати билан яқинлашиш, ишчилар билан ўзаро суҳбатлар натижасида Низомиддин Хўжаев яширин революцион ҳаракатга фаол қўшилди. Шу-шу унинг бутун ҳаёти ишчилар синфининг инқилобий кураши билан бевосита боғланиб кетди. Партия йиғинларида мунтазам қатнашди. Варақалар чиқариш ва уларни тарқатишдан иборат партия тошприқларини бажара бошладди. Туркистон ўлкасининг большевиклари РСДРП III съезидан кейин омма ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириб юбордилар. Улар иш ташлашларга раҳбарлик қилдилар, митинглар, революцион маёвқалар ва намойишлар уюштирдилар. Тошкент группаси айниқса қизгин иш олиб борди. Большевиклар яширин босмахонада варақалар чиқаришарди. 1905 йили Бутунроссия Октябрь иш ташлашида Н. Хўжаев фаол қатнашди. Бу ҳаракатда ўзбеклар ва бошқа маҳаллий миллат вакиллари ҳам иштирок этдилар. 1914 йили у револю-

цион ҳаракатдаги иштироки учун босмахонадан бўшатилды.

1916 йили Ўрта Осиёда халқ қўзғолонлари бўлиб ўтди. Н. Хўжаев Тошкентдаги меҳнаткаш омма курашида актив қатнашиб, оташин нутқлар сўзлади, меҳнаткашларни чоризмга қарши курашга даъват этди.

Февраль революциясидан сўнг у РСДРП аъзоларининг оммавий митинглардаги нотиқларнинг таржимони бўлиб танилды. Айни вақтда Эски шаҳар озиқ-овқат комитети правлениесининг аъзоси эди. Маълумки, Февраль революциясидан сўнг Туркистонда миллий буржуазиянинг фаолияти бирмунча жонланди. Улар «Шўрония Исломия», «Шўрон Уламо», «Турон» ташкилотларини тузиб, барча мусулмонларнинг бирлиги шиори остида пролетариатнинг революцион курашига қарши чиқдилар, муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватладилар. Шу пайт Н. Хўжаев вақтинча буржуа миллатчиларининг таъсирига берилди, «Турон» ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Бирмунча вақт майда буржуазия ташкилоти правлениесининг аъзоси ҳам бўлди. Бироқ, шунга қарамай у 1917 йил 12 сентябрь кuni Александр боғида ўтган митингга қатнашиб, Муваққат революцион комитет ташкил этилганлигини қизгин қутлади, митинг қабул қилган большевик резолюция учун овоз берди.

Октябрь қуролли қўзғолони ғалаба қилгач, Н. Хўжаев Тошкент Советининг депутатлигига сайланди. Буржуа миллатчиларининг ёвуз режаларп ва мақсадларп билан танишгач, Н. Хўжаев улар билан алоқасини бутунлай узди. 1918 йили май ойида Коммунистик партия сафига қабул қилинди. Ўзининг беқиёс ташкилотчилик ва тарғиботчилик қобилияти туфайли у қисқа вақт ичида Тошкент партия ташкилотининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. Июнь ойидаёқ Эски шаҳар коммунистлари уни партия комитетининг секретари қилиб сайлашди. Айни вақтда Н. Хўжаев Эски шаҳар Совети ижрония комитетининг раиси ҳам қилиб сайланди. Ана шу юксак вази-

фаларда ишлаб, Октябрь ғалабаларини мустаҳкамлаш учун қизғин кураш олиб борди. Туркистон Коммунистик партиясининг II ва IV съездларида у ўлка партия комитетининг составига сайланди. Советларнинг IV Ўлка съездида бошлаб, муттасил Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. Партиянинг юксак ишончига сазовор бўлган Н. Хўжаев реакцион миллатчилар ва сўл эсерларга қарши қизғин кураш олиб борди. Коммунистик партия ва Совет давлатининг П. А. Қобозев, Н. В. Шумилов, А. Я. Першин, В. Н. Финкельштейн сингари атоқли арбоблари билан ёнма-ён ишлаш жараёнида у меҳнаткаш омманинг йирик ташкилотчиси, партия ғояларининг оташин тарғиботчиси бўлиб танилди.

Ёш Совет республикаси учун ғоят оғир дақиқаларда Н. Хўжаевнинг Коммунистик партия ишига садоқати ёрқин намоёни бўлди. 1919 йили 18 январдан 19 январга ўтар кечаси Тошкентда Советларга қарши исён бошланди. Осиповчилар Туркистон республикасининг 14 раҳбар ходимини ёвузларча ўлдирдилар, деярли бутун шаҳарин эгаллаб олдилар. Ана шундай жиддий вазиятда А. Қазаков, Д. Манжара, Н. Хўжаев, О. Бобожонов сингари коммунистлар пролетариат, қизил аскарлар ва Эски шаҳар меҳнатчиларининг исёнчиларга қарши курашини уюштирдилар. 21 январь куни шиддатли кўча жанглиридан сўнг исёнчилар тор-мор этилди. Н. Хўжаев раҳбарлик қилган партия дружинаси бу жангларда алоҳида жасорат кўрсатди.

Партия уш Ахтуба фронтига сафарбар этди. У қизил гвардиячилар орасида партиявий-сиёсий иш олиб борди, жангчиларни оқгвардиячиларга қарши курашга сафарбар этди. 1919 йил сентябрда Фарғона водийсида босмачилик ҳаракати жонланган бир вақтда Н. Хўжаев Фарғона область революцион комитетининг раиси қилиб тайинланди. Н. Хўжаев Ўлка партия комитетининг топшириқларини бажариб, область партия ташкилотини




мустаққамлаш, партия ва совет жанговар дружиналарини чиниқтириш борасида катта иш олиб борди. Натижада, Фарғонада босмачилар уяси яксон қилинди. 1920 йил март ойида Мадаминбек ўз отряди билан таслим бўлди.

Партия Н. Хўжаевни синфий жанглар ва социалистик қурилиш авж олган участкаларга юборар эди. У қаерда ишламасин, Коммунистик партия сиёсатини амалга ошириш учун фидокорлик кўрсатиб меҳнат қиларди.

Н. Хўжаев партия ҳаётида, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашар экан, ўзининг гоаявий ва умумтаълим даражасини ошириш учун қунт билан ишлади. 1931 йили Ўрта Осиё Давлат университетини тугатиб, Ўзбекистон ССР Госплани Президиумининг аъзоси бўлиб ишлай бошлади.

Низомиддин Хўжаев халқ иши учун яшади, партия иши учун курашди. Ўз билимини, қобилиятини, маҳоратини социалистик қурилишнинг ленинча программасини амалга оширишга бағишлади.



## ИСИДОР ЕВСТИГНЕЕВИЧ ЛЮБИМОВ

Ўзбекстонда Совет ҳокимиятини барпо этишда, граждaнлар урушида, социализм қуришда фаол иштирок этгаплардан бири — революционер, мамлакатимизнинг таниқли партия ва давлат арбоби Исидор Евстигнеевич Любимовдир. И. Е. Любимов 1882 йилда Кострома губернаси Кологривск уездининг Старишчево қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди. Бошланғич мактабни тамомлагандан кейин Любимов меҳнат фаоллигини ўз отасининг хўжалигида ишлашдан бошлади, сўнгра тикувчи, дурадгор ва муқовачи бўлиб ишлади.

И. Е. Любимов жуда ёш вақтидан — 17 ёшлик чоғидан бошлаб пролетариатнинг революцион курашига жалб қилинди ва 1902 йилда Ярославль шаҳрида Россия социал-демократик ишчилар партияси сафига кирди, шундан кейин профессионал революционер сифатида камолга етди, Ярославль, Кннешма, Вичуга ва Костромада партиявий иш олиб борди. У 1905—1907 йиллардаги биринчи рус революциясида актив қатнашиб, ишчилар синфининг танқли етакчилардан бири бўлиб етишди.

1907 йилда И. Е. Любимов РСДРП(б) бешинчи (Лондон) съездининг делегати қилиб сайланади. 1907 йил апрель-май ойларида Россиядаги революция пасайиб, реакция ҳужум бошлаган бир вазиятда ўтган мазкур съезддаги асосий масала — буржуа партияларига муносабат масаласи бўлди. Бу масаланинг муҳимлигига сабаб шу эдики, большевиклар билан меньшевикларнинг нoproлетар партияларга турлича муносабатда бўлиши, В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, рус революциясида пролетариатнинг амалий сиёсати масалалари бўйича

юз берган барча мавжуд ихтилофлар ва келишмовчиликларнинг асосий маъбаи эди<sup>1</sup>.

Съезд томонидан кўриб чиқилган ана шу ва бошқа масалалар юзасидан И. Е. Любимов ленинча позицияни қўллаб-қувватлади. У Россияга қайтиб келгандан кейин Москва шаҳрининг Сокольники районида партия ташкилотчиси бўлиб ишлади, большевиклар Москва комитетининг аъзоси бўлди.

1908—1911 йилларда И. Е. Любимов ўзининг революцион фаолияти учун бир неча марта қамоққа олиниб, турмага ташланди ва сургунга юборилди. Сургунда ҳам у ўзининг революцион фаолиятини тўхтатмади, ишчилар синфига оғ-билим бериш ва уларни уюштириш юзасидан катта ишлар олиб борди.

Масалан, 1909—1910 йилларда Любимов Нижний-Новгородда сургунда бўлган чоғида матбаачилар, тикувчиларнинг касаба союзларида фаол иш олиб борди, маҳаллий партия ташкилоти ишида ҳамда «Поволжская быль» журнални ташкил этишда қатнашди. 1911—1914 йилларда Вологда губернасида сургунда бўлган вақтида эса «Просвещение» деган маданий-оқартув клубини ташкил этиб, унинг ишига раҳбарлик қилди, пуллик лекциялар уюштирди. Тўпланган пул партия ишига сарфланди. Сургун муддати тугагач, партия И. Е. Любимовни Фарбий фронтга юборди, у мазкур фронтда солдатлар орасида ташвиқот-тарғибот ишлари олиб борди, солдатларга биринчи жаҳон урушининг империалистик характерини, партиянинг уруш ва сулҳ масалаларидаги сиёсатини тушунтирди.

1917 йил Февраль революцияси кунларида И. Е. Любимов М. В. Фрунзе билан биргаликда солдат ва ишчи-депутатлари Минск Советини тузишда ҳамда солдат ва ишчи-депутатларининг биринчи фронт съездини ўтказишда фаол қатнашди. Партия ишига чексиз садоқат,

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Тўла Асарлар тўплами, 15-том, 419—420-бетлар.

принципаллик, омма билан ишлай билиш маҳорати Любимовга катта обрў келтирди ва у омманинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлди. И. Е. Любимов Ғарбий фронт солдат депутатлари Совети ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди. У 1917 йилда Минск Совети большевиклар фракциясининг ва Минскда большевиклар партия комитетининг ташкилотчиларидан бири бўлди.

Ана шу йилларда Исидор Евстигнеевич улкан тарғиботчилик ишларини ҳам олиб борди. 1917 йилининг августда партия уни Иваново-Вознесенск шаҳрига юборди, Любимов бу ерда «Наша Звезда», сўнгра «Рабочий город» ва «Рабочий край» газеталарини ташкил этиб, уларга бошчилик қилади. Мазкур газеталарда большевиклар партиясининг сиёсатини тушунтириб берадиган, ишчиларни чор самодержавиясини штурм қилишга чақирадиган материаллар босиб чиқарилади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг галабасидан кейин И. Е. Любимов Иваново-Вознесенск губерна ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлайди, айни вақтда губерна партия комитетининг аъзоси ҳам бўлади. У мазкур лавозимда иш олиб борган чоғида социалистик экономика асосларини қуриш юзасидан ленинча плани амалга оширишга, ишлаб чиқарувчи кучларни тиклаш ва ривожлантиришга, Октябрь галабаларини ҳимоя қилишга кўп меҳнат, билим ва ғайратини сарфлайди.

Партия И. Е. Любимовнинг катта иш тажрибасини ҳисобга олиб, 1919 йилда уни Туркистонга ишга юборди. Бу ерда у армияни таъминлаш бошқармасининг бошлиғи қилиб тайинланади ва Туркистон fronti революцион ҳарбий кенгашнинг аъзоси қилиб сайланади. Партиянинг М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев сингари атоқли арбоблари билан бир сафда ишлаган И. Е. Любимов қўшинларни қурол-яроғ, ўқ-дори, озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаб турди, фронт операцияларини ишлаб чиқишда актив қатнашди, бу операцияларнинг муваффақиятли амалга оширилиши колчакчилар ва дутовчиларни

тор-мор келтирилишини, Совет Туркистонининг марказий Россия билан узил-кесил қўшилишини таъминлади. Бу ҳол Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1919 йилнинг охирида И. Е. Любимов РСФСР Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон Комиссияси қарори билан Туркистон республикаси партия ва совет органларида ишлаш учун Тошкентга юборилди.

РКП(б) Марказий Комитети ва Совет ҳукумати Туркистон Коммунистик партиясига Туркистон республикасининг партия ва давлат органларини яхши тайёргарликка эга бўлган ходимлар билан мустаҳкамлашда катта ёрдам кўрсатди. Бу ходимларнинг кўпчилиги Москвадан ва РСФСРнинг бошқа марказий шаҳарларидан бўлиб, партия иши соҳасида катта тажрибага эга эди. И. Е. Любимов ана шундай ходимлардан бири эди.

1920 йилнинг сентябрь ойида Тошкентда Туркистон Коммунистик партиясининг V съезди бўлиб ўтди, съездда И. Е. Любимов Туркистон Компартияси Марказий Комитети составига сайланди. Туркистон Коммунистик партиясининг V съезди Туркистон партия ташкилотларини гоявий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Съезд партия сафларида буюк давлатчилик ва маҳаллий миллатчилик кўринишларига қарши аёвсиз кураш олиб бориш зарурлигини таъкидлади. Айрим партия ходимлари фаолиятида мавжуд бўлган буржуа миллатчилиги томонига оғишни қоралади ва фoш қилди. Маҳаллий аҳоли билан рус халқи ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш энг муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлаб ўтди. Съезд партиянинг Туркистондаги миллий сиёсатини тўла-тўқис маъқуллади, демократик централизм асосида Туркистон Коммунистик партиясининг, унинг марказий ва маҳаллий органларининг тузиллишига доир конкрет тадбирларни белгилаб берди.

Туркистон АССР Советларининг Туркистон Компартияси V съезди ўз ишлари тамомлаган куннинг эртасига бўлиб ўтган IX съездида И. Е. Любимов Туркистон Марказий Ижроия Комитети Президиумининг аъзоси ва Президиум раисининг ўринбосари қилиб сайланди. И. Е. Любимов Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси ва Туркистон АССР МИК раисининг ўринбосари бўлиб турар экан, РКП(б) Марказий Комитетининг, унинг вақсатли органи бўлган РКП(б) Марказий Комитети Туркистон бюросининг қарорларини, Туркистон Компартияси V съезди томонидан белгиланган программани амалга ошириш учун кўп куч ва билимини сарфлади, бу билан Туркистон Коммунистик партияси, Туркистон АССРда Совет давлати қурилишини гоявий ва ташкилий жиҳатдан мустақкамлашга, маҳаллий миллат вакилларини давлат ва жамоат ишларини бошқаришга кенг жалб этиш ишига салмоқли ҳисса қўшди.

И. Е. Любимов партия сиёсатини, маҳаллий шароитни яхши билгани, улкан ташкилотчилик қобилиятига эга эканлиги туфайли 1920 йилда Туркистон АССРнинг масъулиятли раҳбарлик лавозимига кўтарилди—Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Советининг раиси бўлди. И. Е. Любимов ҳукуматга бошчилик қилар экан, Совет органларини мустақкамлаш, экономикани жонлантириш, қишлоқ хўжалигини, айниқса, пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш соҳасида самарали тадбирлар белгилади, социалистик маданият қурилиши ишига, Қизил Армия қисмлари ва халқ милициясининг босмачиларга қарши муваффақиятли кураш олиб боришини таъминлашга кўп меҳнат сарфлади.

И. Е. Любимов 1921 йилда Украинага партия ишига юборилиб, у ерда 1922 йилнинг охиригача ишлади, сўнг яна Туркистонга юборилди.

1922—1924 йилларда у Главхлопкомга бошчилик қилди ва РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюро-

сининг аъзоси бўлди, 1923 йилда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашилини тузишда ва унинг фаолиятида актив қатнашди. Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг иқтисодий бирлашуви натижасида 1923 йилда вужудга келган Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет республикаларининг бутун иқтисодий ҳаётини тартибга солиб ва йўналтириб турувчи орган бўлди. Иқтисодий масалаларни яхши билган ва Ўрта Осиё иқтисодий Кенгашига бошчилик қилган И. Е. Любимов ўзининг ҳормай-толмай қилган ишлари билан Ўрта Осиёда социалистик қурлиш суръатларини жадаллаштиришга ёрдам берди.

Шундан кейинги йилларда И. Е. Любимов мамлакатимизнинг йирик давлат арбобларидан бири даражасига кўтарилди. У Олий Халқ хўжалик кенгаши Президиумининг аъзоси, Центросоюз раиси, СССР Ташқи ва ички савдо халқ комиссарининг ўринбосари, 1932 йилдан 1937 йилгача СССР енгил саноат халқ комиссари бўлди. И. Е. Любимов мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида актив қатнашди. У бир неча марта Туркистон АССР, Украина ССР ва СССР раҳбар партия, совет ва касаба союз органларига сайланди. ВКП(б) XIV съездида у ВКП(б) Марказий Комитети аъзолигига кандидат, ВКП(б) XV, XVI, XVII съездларида партия Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. Любимов партия режаларини, унинг сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги ҳормай-толмай олиб борган фаолияти учун Ленин ордени билан мукофотланди.

Совет Ўзбекистон меҳнаткашлари партиянинг актив ва солиқ жангчиси, интернационалист, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиб ва социализм қуриш ишига салмоқли ҳисса қўшган И. Е. Любимовнинг ёрқин хотирасини ҳамиша ёдда сақлайдилар. Любимовнинг ҳаёт йўли инсониятнинг ёрқин келажаги — коммунизм қуриш ишига чексиз хизмат қилишнинг яққол намунасидир. Совет ёшлари ана шундай кишилар ҳаёти ва фаолияти намунасида тарбияланмоқда.

## ТУРОР РИСҚУЛОВ

Улуғ Октябрь социалистик революцияси халқ орасидан омманинг ҳақиқий етакчиларини, истеъдодли сиёсий ва давлат арбобларининг бутун бир плеядасини стиштириб чиқарди, улар социалистик қурилишнинг ленинча программасини амалга ошириш юзасидан қаҳрамонона куч-ғайрат сарфладилар, ўз ҳаётларини Ватанга, партия ва халққа бағишладилар. Бундай кишилар орасида оташин ватанпарвар, қозоқ халқининг содиқ фарзанди Турор Рисқулов муносиб ўрин тутади.

Т. Рисқулов 1894 йилда Верний уезди (ҳозирги Олмаота области)да кўчманчи камбағал чорвадор оиласида дунёга келди. Революциядан олдинги Туркистон чор Россиясининг мустамлака чекка ўлкаси эди. Бу ўлкадаги кўшгина тенгдошлари қаторида Турор Рисқуловнинг болалиги ҳам ҳузур-ҳаловатсиз ўтди. У онасидан жуда эрта ажралиб, оғир меҳнат аламларини тотиб кўрди. Т. Рисқулов меҳнат фаолиятини 11 ёшидан Олмаота турмасида қоровул бўлиб ишлашдан бошлади. Бу ерга унинг отаси Рисқул ака қамалган бўлиб, у 1905 йилда қозоқ камбағалларининг феодализмга қарши кўтарган қўзғолонига бошчилик қилган эди. Т. Рисқулов ишдан бўш вақтларида рус маҳбусларндан сабоқ олди ва рус тилини ўрганди.

Орадан кўп ўтмай Турорнинг отаси Сибирга сургун қилинади (отаси шу кетганича Сибирдан қайтиб келмади), Турорни ишдан ҳайдаб юборадилар. У Авлиёота (ҳозирги Жамбул шаҳри) яқинидаги Марки станциясида яшовчи узоқ қариндошлариникига кўчиб боради. 1907—1910 йилларда Т. Рисқулов русча-қозоқча мак-



табда ўқийди. 1915 йилда Пшпак (ҳозирги Фрунзе) шаҳрида қишлоқ хўжалик билим юртини тамомлаб, боғбонлик ихтисосига эга бўлади, кейинчалик Тошкент педагогика институтини сиртдан ўқиб тамомлайди.

1915—1916 йилларда Т. Рисқулов Тошкентда ёллашиб боғбон бўлиб ишлар экан, марксистик адабиёт билан, Марказий Россия ва Ўрта Осиёдаги революцион ҳаракат билан танишди. 1916 йилда подшонинг маҳаллий аҳоли вакилларини фронт орқасидаги ишларга сафарбар қилиш тўғрисидаги фармони эълон қилинганда Т. Рисқулов Марки районига қайтиб келиб, қозоқ меҳнаткашларининг чор самодержавнесига қарши қўзғолонда актив қатнашди. Бироқ қўзғолон шафқатсизлик билан бостирилади. Қўзғолоннинг кўнгина қатнашчилари шу жумладан Т. Рисқулов ҳам қамоққа олинади. У қамоқдан озод қилинганч, кекса большевик Н. Чернишев раҳбарлигида Авлиёота уездида революцион кайфиятдаги қозоқ ёшларининг союзини ташкил этади. Союз программаси ва уставини Т. Рисқуловнинг ўзи ёзган эди.

«Қозоқ ёшларининг революцион союзи,— дейилган эли бу программада,— ўз олдига: а) аввало Муваққат ҳукуматининг маҳаллий комитетига қарши курашиш..., б) подшо ҳукумати томонидан қўйилган волость оқсоқолларига, бийларга қарши, шунингдек чоризмининг сақланиб келган тарафдорларига қарши бутун куч билан кураш олиб бориш мақсадини қўяди»<sup>1</sup>.

1917 йил сентябрда Турор Рисқулов большевиклар партияси сафига ўтади ва Муваққат ҳукуматининг сотқинчилик сиёсатини фож қилиш юзасидан катта тушунтириш-тарғибот ишлари олиб боради.

Удун Октябрь социалистик революцияси галаба қозонгандан кейинги дастлабки кунлардан бошлаб

---

<sup>1</sup> Т. Рисқулов. Революция и коренное население Туркестана, Тошкент, Узгосиздат, 1925, 4-бет.

Т. Рисқулов ўзига хос ғайрат-шижоат, ташкилотчилик қобилияти ва қатъият билан Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятини барпо этиш ва мустақкамлашда актив қатнашади.

Т. Рисқуловнинг маҳаллий зиёнларининг энг истеъдодли вакиллари билан бири сифатида Туркистон республикаси партия ва совет органларига раҳбарлик ишига кўтарилиши мутлақо тўғри эди. 1918 йилда у Авлиёота уезди биринчи Советининг раиси бўлади. 1918 йил май ойида бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси Советларининг V съездида Т. Рисқулов Соғлиқни сақлаш халқ комиссари қилиб тайинланади, очарчиликка қарши кураш учун тузилган комиссияга бош бўлиб очарчиликка қарши кураш юзасида катта ташкилотчилик ишлари олиб боради.

Партия аъзолари орасида Т. Рисқуловнинг обрў-этибори катта эди. У Туркистон Компартияси III съездида делегат қилиб сайланади. Бу съезд Туркистон Компартияси тарихида муҳим босқич бўлган эди. Съезд Туркистон республикаси учун ғоят қийин бир вазиятда, 1919 йил июль ойида тўпланди. Бу вақтда Актюбинск фронтида ниҳоятда қийин бир шароит вужудга келган, 1919 йил январда Тошкентда рўй берган контрреволюцион оқгвардиячилар исёни вақтида 14 комиссарнинг ҳалок бўлганлиги муносабати билан Туркистон Компартияси Марказий Комитети, Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети анча заифлашиб қолган эди.

Шундай шароитда партиянинг асосий вазифаларини белгилаб олиш ва партия аъзолари ўртасида бирликни сақлаб қолиш муҳим иш эди.

Туркистон Компартияси III съездининг ишига партия программасини қабул қилган РКП(б) VIII съездининг қарорлари бевосита таъсир кўрсатди.

Т. Рисқулов революция ишига содиқ большевиклардан П. А. Кобозев, И. А. Апин, А. Ф. Солькин ва бошқалар билан биргаликда съездда К. Я. Успенский бош-

чилигидаги буюк давлатчи шовинистларга қарши аёвсиз кураш олиб борди.

Т. Рисқулов съездда «РКП(б) ўлка мусулмонлар бюросининг фаолияти тўғрисида» доклад қилди. У съезднинг раисларидан бири сифатида Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг А. А. Казаков бошчилигидаги раҳбарлигининг хатти-ҳаракатлари партиёга қарши йўналишда эканлигини қатъият қоралади ва съезд қарорларининг қабул қилинишида актив роль ўйнади. Бу қарорларда партиё аъзолари бўлган барча совет ходимлари зиммасига Туркистон Компартиясининг съездлар орасидаги даврда юқори органи бўлган Ўлка партиё комитети кўрсатмаларига оғишмай бўйсунуш вазифаси юклаган эди. Т. Рисқуловнинг безосита иштирокида съезднинг партиёдаги маданий-оқартув иши тўғрисидаги, совет қурилиши тўғрисидаги, Қизил Армиядаги сиёсий иш ҳақидаги қарорлари қабул қилинди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари Туркистон республикасининг партиё ва давлат қурилишига Т. Рисқуловнинг қўшган катта ҳиссасига баҳо берилганда унинг ленинча миллий сиёсатнинг асосий қоидаларига зид келувчи айрим хатоларга йўл қўйганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Т. Рисқулов мусулмон коммунистларининг III конференциясида ва Туркистон Компартиясининг V конференциясида (1920 йил январь) «Турк совет республикаси» деган республика ва «Турк Компартияси» тузиш тўғрисидаги хато қарорларнинг қабул қилинишида ташаббускорлардан бири бўлди. 1920 йилнинг апрелида Т. Рисқулов ўзининг партиёга қарши фикрларини РКП(б) Марказий Комитети олдида ҳимоя қилиб чиқди.

РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси Т. Рисқулов докладини диққат-этибор билан қараб чиқиб, Туркистон билан Марказ ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисида низом ишлаб чиқиш учун комиссия тузди.

В. И. Ленин РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг комиссияси ва Т. Рисқулов тақдим этган

лойиҳаларни диққат билан ўрганиб чиққач: «Менимча, Рисқулов лойиҳасини рад этиш, комиссия лойиҳасини... қабул қилиш лозим»<sup>1</sup>,— деб ёзган эди.

РКП(б) Марказий Комитети ленинча йўл-йўриқларга асосланиб ва комиссия лойиҳасига таяниб, 1920 йил июнь ойининг охирида «РКП(б)нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарорда, жумладан, бундай дейилган эди: а) самодержавиенинг 50 йилдан ортиқроқ давом этган империалистик сиёсати натижасида келгинди европалик аҳоли билан туб ерлик халқлар ўртасида вужудга келган муносабатларга барҳам берилсин;

б) маҳаллий аҳолининг ижтимоий муносабатларида сақланиб қолган патриархал-феодал меросга барҳам берилсин<sup>2</sup>.

Т. Рисқуловнинг лойиҳасидан фарqli ўлароқ РКП(б) Марказий Комитетининг қарорида партия органлари олдига буржуа миллатчилиги ва буюк давлатчилик шовинизмига қарши кураш олиб бориш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар кўрилиши вазифа қилиб қўйилган эди.

Табиаги ақл-идрокли бўлган, амалда революцион кураш мактабини ўтаган, пролетар интернационализмининг кучи ва таъсирини ҳис қилган Т. Рисқулов тез орада ўз фикрларининг хато эканлигини тан олди.

Кейинчалик Т. Рисқулов бундай деб ёзган эди: «Мен бу хатоларга 1920—1921 йилларда йўл қўйганман. Менинг хатоларим асосан миллий оғмачиликдан иборат эди..., биз «миллий йўлбошчилар» бўлмоқчи эдик, интернационал вазифаларни унутиб қўйиб, миллий шиорларга берилиб кетган эдик»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Тўла Асарлар тўплами, 41-том, 435-бет.

<sup>2</sup> Резолюция и постановления съездов Коммунистической партии Туркестана (1918—1921 гг.), Ташкент, 1968, 70-бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг партархиви. 58-фонд, 11-рўйхат, 320-дело, 130—131-варақлар.

В. И. Ленин ва РКП(б) Марказий Комитети Т. Рисқуловнинг хато қарашларига объектив ёндашиб, уни сабр-тоқат ва эътибор билан тузатдилар ва тарбиялаб, тўғри йўлга солдилар. Бу ишда Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети билан РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1919 йил охирида Тошкентга келган Туркистон ишлари бўйича комиссияси ҳам катта роль ўйнади.

Т. Рисқулов партия ва совет давлатининг М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Ш. З. Элиава, И. Ф. Голошчекни, И. Г. Бокний, Я. Э. Рудзутак ва бошқа таниқли арбоблари билан мустақам алоқада ишлаш бахтига муяссар бўлди. Уларнинг бевосита раҳбарлигида Т. Рисқулов партия ва совет ишининг ажойиб мактабидаи ўтди ҳамда йирик ташкилотчи ва раҳбар сифатида шаклланди.

В. В. Куйбишев РКП(б) Марказий Комитетига йўлаган докладномасида «Рисқулов ўтқир қобилиятли инсон, у Москвада ажойиб коммунист бўлиб етишиши мумкин»<sup>1</sup>, деб ёзган эди.

1921 йилда партия Т. Рисқуловни Миллатлар ишлари бўйича халқ комиссарининг ўринбосари лавозимига тавсия қилади. Т. Рисқулов бу лавозимда ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш юзасидан гайрат билан иш олиб боради.

1922 йилининг охирида Т. Рисқулов яна Туркистонга келади. Уни юксак ҳукумат лавозимига — Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси лавозимига кўтаришади. Совет Туркистони ҳукуматига бошлиқ бўлган Т. Рисқулов барча энг муҳим сиёсий тадбирларда фаол иштирок этади. У партия съездларида ва Туркистон АССР Советлари съездларида доимо қатнашиб

---

<sup>1</sup> В. М. Устинов. Ленинская политика партии на Востоке. Фрунзе, 1963, 65-бет.

туради. Бу съездларда Т. Рисқулов партиянинг Туркистонни социалистик асосда қайта қуриш йўлини қатъият билан ўтказди. Т. Рисқулов XI Умумтуркистон Советлар съездида (1922 йил 2—6 декабрь) ёрқин ва сермазмуи нутқ сўзлайди, Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Советининг ҳисобот докладини қилади.

Т. Рисқулов Совет Туркистони ҳукуматининг асосий вазифаларини белгилаб, ўз нутқида қуйидагиларни таъкидлайди: «Олдимизда кўндаланг бўлиб турган вазифалар ҳамда масалалардан сира кечиктириб бўлмайдиган ва амалда биринчи галда ҳал этишни талаб қиладиган масалаларни илгари суришимиз керак»<sup>1</sup>.

Т. Рисқуловнинг докладидан келиб чиқадиган биринчи галдаги ана шу вазифалар саноат, савдо-сотиқни ривожлантиришдан, ер-сув ислоҳотини ўтказиш, кооператив қурилишни ташкил этиш, «Қўшчи» союзини мустаҳкамлаш; маданий-оқартув ишларини юкеалтиришдан иборат эди.

Т. Рисқулов Туркистон АССРининг бошқа ташқи партия ва давлат арбоблари билан биргаликда СССРни ташкил этиш юзасидан тайёргарлик ишларида ҳам, уни ташкил этиш ва қонуний-ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиришда ҳам жуда актив қатнашди. СССР Советларининг I съездида (1922 йил декабрь) Т. Рисқулов СССР Марказий Ижроия Комитетининг аъзоси қилиб сайланди, шунингдек СССР Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш Комиссияси составига ҳам киритилди.

1923 йилнинг апрелида Т. Рисқулов РКП(б) XII съездида делегат сифатида нутқ сўзлади. У ўз нутқида Совет тузумини янада мустаҳкамлаш учун актив кураш олиб боришга чақирди. Т. Рисқулов бу соҳадаги асосий вазифалардан бири — янги иқтисодий сиёсат даврида иқтисодий қийинчиликлардан фойдаланиб, Советларга қарши ўз фаолиятларини авж олдирган бой-феодал

---

<sup>1</sup> Бюллетени и постановления XI Всетуркестанского съезда Советов. Ташкент, 1922, 9-бет.

элементларга қарши аёвсиз ва қатъий кураш олиб боришдан иборат деб билди.

Т. Рисқуловнинг Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида (1923 йил 28—29 июль) сўзлаган нутқи зўр диққат-эътиборга сазовордир. Унда Т. Рисқулов Туркистон партия ташкилотининг партия, совет, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги амалий фаолиятининг асосий йўналишларини мутлақо тўғри белгилаб берди.

1924 йилда Т. Рисқулов Коминтернда ишлайди, кейинчалик эса уни Монголияга Коминтерн вакили сифатида ишга юборишади. Монголиядан қайтиб келгач, Турор Рисқулов Қозоғистон республика газетаси «Энбекши қазақ» редакциясига бошчилик қилади.

1926 йилда партия Т. Рисқуловга юксак ишонч билдиради. У РСФСР Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари лавозимига тайинланади. Т. Рисқулов бу масъул лавозимда 10 йилдан кўпроқ ишлади.

Т. Рисқулов коммунистлар ва барча меҳнаткашлар ўртасида ҳақли равишда катта обрў-эътибор қозонди. У партиянинг XII, XV, XVI ва XVII съездларига делегат қилиб сайланди. У бир неча чақириқ СССР Марказий Ижроия Комитетининг аъзоси бўлди.

Т. Рисқулов ўзининг бутун гайрат-шижоатини, ташкилотчилик истеъдодини партия ва халқ томонидан қўйилган вазифаларни бажаришга сарфлади. У социализмнинг моддий-техника базасига асос солган урушдан олдинги беш йилликларнинг энг йирик саноат қурилишларида актив қатнашди.

Т. Рисқулов Қараганда кўмир ҳавзаси, Балхаш мис эритиш комбинати, Чимкент қўрғошин заводи, Туркистон—Сибирь темир йўли қурилишида бевосита иштирок этди.

Т. Рисқуловни ҳақли равишда Совет Ўрта Осиёсининг дастлабки тарихчилари қаторига қўшиш мумкин.

У совет Туркистони Коммунистик партияси ва ўлка халқлари тарихига доир қизиқарли мақолалар, брошюра ва китоблар ёзган. Т. Рисқулов бу асарларида кўндан-кўн фактик материаллар, Туркистон Компартияси конференциялари ва Мусулмонлар бюроси ҳужжатлари асосида РКП(б) Марказий Комитети мусулмонлар бюросининг вужудга келиш тарихини ва унинг фаолиятини яратади.

Т. Рисқулов Ўрта Осиё Лениномасига биринчилардан бўлиб ўзининг илмий ҳиссасини қўшган. У В. И. Ленин хотирасига бағишлаган ва 1924 йил 1 февралда «Правда» газетасида босилиб чиққан «Ленин — икки дунёни бирлаштириб турувчи байроқ» деган мақоласида жуда қизиқарли темани — совет тарих фанининг «Ленин ва Совет Туркистони» проблемасини ёритиб беришга муваффақиятли уришиб кўрган. Бу мақола шу вақтгача ўзининг илмий қимматини сақлаб келмоқда. Т. Рисқулов бу мақоласида Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси вакили сифатида В. И. Лениннинг Ўрта Осиё халқлари тақдиридаги роли ва тутган ўрини кўрсатиб беради.

Т. Рисқулов доҳий билан учрашувидан олган шахсий таассуротлари асосида ва РКП(б) Марказий Комитетининг Туркистонда ленинча социалистик қурилиш ғояларини амалга ошириш соҳасидаги амалий тадбирларини таҳлил қилиб, В. И. Лениннинг шахсий фазилатларини, унинг мустақил миллий тараққиёт йўлига ўтган Совет Туркистони халқлари тўғрисидаги ғамхўрлигини акс эттира олган.

«Мен Владимир Ильич билан 1920 йилда (Низомиддин Хўжаев билан биргаликда) қилган шахсий суҳбатимни эслайман. Бу вақтда Туркистондаги бундан кейинги сиёсат масалалари РКП Марказий Комитетида бутун тўлалиги билан биринчи марта ўртага қўйилган эди.

Ўртоқ Ленин бизнинг шаронтимизда кимни деҳқон деб, кимни бой (қулоқ) деб аташ мумкинлигини, бизда



судхўрлик қандай шаклда ривожланаётганлигини, ер-сув масаласини ҳал қилиш нималарга боғлиқ эканлигини ва ҳоказоларни биздан синчиклаб, сурштириб аниқ билиб олишга ҳаракат қилди. Биз бу масалаларни қўлимиздан келганича ёритиб бердик. Владимир Ильич ва РКП Марказий Комитети Туркистон тўғрисидаги мавжуд маълумотларга асосланиб, дарҳол тегишли хулосалар чиқарди, бу хулосалар кейин Туркистонда ер масаласини ҳал қилишга ва у ердаги умумий йўлнинг бундан кейинги йўналишига асос бўлди».

Т. Рисқулов ўз ҳаётида баъзан хатоларга йўл қўйган бўлса ҳам, лекин соф виждонли коммунист эди. У ўзининг бутун ҳаётини Коммунистик партия ва Совет давлати ишига бағишлади. Совет Шарқида социализм ғалабаси учун кўп меҳнат сарфлади.



## РАҲМАТ РАФИҚ АБДУЛЛАБЕКОВ

Бутун умрини Улуғ Октябрь ишига, социалистик жамият қурилиши учун кураш ишига бағишлаган истеъдодли сиёсий ва давлат арбоблари орасидан Бухоро Коммунистик партиясининг ташкилотчиларидан бири Раҳмат Рафиқ Абдуллабеков ҳам муносиб ўрин олган.

Бухорода 1886 йилда котиб онласида туғилган Раҳмат Рафиқ ёшлигиданоқ илмга чанқоқ, ҳар нарсага қизиқувчан эди. 1900 йилда мактабни тугатгач, мадрасада ўқишни давом эттирди. У ижтимоий ҳаётнинг ҳодисалари билан танишиб бораркан, ўша даврда феодал эксплуататорлик жамиятида ҳукм сурган элдиятларга дуч келди. Унда зўравонлик, зулм ва истибодга қарши норозилик тобора авж ола борди.

1908 йилда Раҳмат Рафиқ жадидлар ҳаракатига, кейинчалик Ёш бухороликлар партиясига қўшилди. Бу партия вакиллари Россияда 1917 йилги февраль буржуа-демократик революцияси таъсири остида жадидизмнинг сўл қанотидан ажралиб чиққан демократик кайфиятдаги ёшлар эди. Ёш бухороликларнинг программаси феодал зўравонлик тузуми ўрнига демократик республика ўрнатишдан иборат эди.

Россияда ва Туркистонда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалаба қозониши амирлик қўл остида азоб чекаётган меҳнаткашлар оммасига таъсир қилмасдан қолмади, уларнинг қалбида эксплуататорларга нисбатан нафратни янада кучайтирди. Раҳмат Рафиқ Октябрь революциясини зўр қувонч билан кутиб олди. У буюк инқилоб Бухоро амирлигининг эзилган халқларига ҳам озодлик бахш этишини тушунар эди.

Шуниг учун ҳам 1918 йилги март воқеаларида актив қатнашади. Ушанда Бухоро амирлиги Урта Осиеда хавфли контрреволюцион ўчоқ эканлигини ҳисобга олиб ёш бухороликлар илтимосига кўра Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Советининг раиси Ф. Қолесов бошчилигидаги унча катта бўлмаган қизил гвардиячилар отрядининг Бухорога қилган юриши муваффақиятсиз чиққан эди. Бу ҳол халқ оммасининг исёнга тайёр эмаслигини, энг муҳими ёш бухороликлар халқдан ажралиб қолганлигини яққол кўрсатди. Бунинг оқибатида реакция хуружи ва репрессиялар авж олди. Раҳмат Рафиқ, Файзулла Хўжаев ва бошқа кўпгина ёш бухороликлар Туркистонга ўтиб кетишга мажбур бўлишди. 1918 йилда Туркистондаги ёш бухороликлар орасида ғоявий ва ташкилий ажралиш юз берди. Раҳмат Рафиқ, Отахўжаев ва бошқалар бошчилигидаги группа сўл эсерлар программасини қабул қилиб, ёш бухороликлар социал-революционерлар партиясини тuzди.

1918 йилнинг ёзида Раҳмат Рафиқ Файзулла Хўжаев билан биргаликда Марказий Совет ҳокимияти билан алоқа ўрнатиш ва Бухородаги ишлар аҳволидан ахборот бериш учун Москвага жўнайди. Оренбургда уларни Дутов оқгвардиячилари қамоққа олиб, Туркистон большевиклари билан алоқада бўлганликлари учун уларни ўлимга ҳукм этади. Бироқ, улар қочишга муваффақ бўлишади.

Москвадан Раҳмат Рафиқ Астрахань орқали қайтади. Қелаётиб йўлда Петровскда мусовотчилар қўлига тушиб қолади. Тинтув пайтида унинг ёнидан Коммунистик партияга тааллуқли ҳужжатлар топилади. Мусовотчилар уни осиб ўлдиришга ҳукм этади. Лекин ўша кезлари турк қўшинлари Петровскни ишғол этиши туфайли ҳукм ижро этилмай қолади ва Раҳмат Рафиқ яширин ҳолда Бокуга йўл олади. Уни таъқиб этишаётгани учун аввал Гапжага, кейин Батумига, ундан ке-

йин эса Истамбулга йўл олади. Раҳмат Рафиқ Туркияда эмиграция бўлган пайтида ҳам синфий курашдан четда туролмади. У турк пролетариатининг антимпериалистик курашига актив қатнашади.

1920 йилда Раҳмат Рафиқ Бокуда бўлиб ўтган Шарқ халқлари съездида делегат бўлиб қатнашади. Съезддан сўнг Бухорога қайтади. Бу ерда халқ революцияси ғалаба қозонган эди. У дарҳол Бухоро Халқ Совет республикасида революция ғалабаларини мустаҳкамлаш учун курашга қўшилади. Шу йили у Коммунистик партия сафига киради ва шундан кейинги бутун ҳаётини Ленин партияси билан боғлайди, Совет шарқида социалистик жамият қуриш учун курашнинг оташин ва актив курашчисига айланади. Бухорода ишлагаи даврида Раҳмат Рафиқ БХСР ҳукуматида қатор масъул раҳбарлик лавозимларида ишлади.

1921 йилнинг январида у РСФСР ҳукумати ҳузуридаги БХСР мухтор вакиллигининг раиси сифатида Москвага боради. У шу лавозимда ишлаётган пайтида РСФСР ва БХСР халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида катта ишлар қилди. 1921 йилнинг 4 мартада Раҳмат Рафиқ Бухоро Халқ Совет Республикаси вакиллари составида РСФСР билан БХСР ўртасида тузилган шартнома ва битимга қўл қўяди. Ана шу шартномага биноан РСФСР БХСРнинг тўла мустақиллигини тан олиб, иқтисодий-сиёсий ва маданий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олади. Москвадан қайтганидан сўнг Марказий Революцион Комитет қарори билан олий революцион трибунал коллегиясининг аъзоси ва Бухоро республикаси ташқи ишлар нозирлигининг паспорт бўлими муdiri қилиб тайинланади. 1921 йилда Бутунбухоро Марказий Ижроия Комитетининг қарори билан халқ нозирининг ўринбосари, кейин эса БХСР давлат контроли нозирини қилиб тайинланади. У 1922 йилда юстиция, ташқи ишлар нозирликларини бошқаради, халқ нозирлари Сове-

ти раиснинг ўрибосари бўлиб ишлайди. Бухоро Коммунистик партияси ижроия бюроси составига сайланади. У вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш, халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва революция ғалабаларини ҳимоя қилиш, БКПни ташкилий ва ғоявий жиҳатдан мустаҳкамлаш борасида катта ишлар олиб боради.

Ана шу оғир йилларда Бухоронинг меҳнаткаш оммаси Коммунистик партия раҳбарлигида синфий кураш авж олган бир пайтда буржуа-демократик революция вазифаларини бажарибгина қолмай, социалистик революциянинг асосий вазифаларини ҳал қилишга ҳам киришдилар. Буларнинг ҳаммаси контрреволюцион элементлар ва империалистик давлатларнинг ғазабини кўзгатди. Улар амир, бой ва муллалар ҳокимиятини тиклашга уриндилар, босмачилик ҳаракатини ташкил этдилар. Бу ҳаракат 1922 йилнинг баҳорида айниқса кучайди.

1922 йилда Бутунбухоро Марказий Ижроия Комитети Раҳмат Рафиқни босмачилик кучайган Шаҳрисабз вилоятига юборади. Бу ерда у аҳолини босмачиларга қарши курашга отлантиради, Коммунистик партия сиёсатини тушунтириш ва совет муассасаларини мустаҳкамлаш ишларини олиб боради. Шарқий Бухорода аҳвол оғирлашгани туфайли 1923 йилнинг январинда Раҳмат Рафиқ Шаҳрисабздан чақириб олиниб, Шарқий Бухоро ишлари бўйича Диктаторлик комиссиясининг раиси этиб тайинланади.

1922 йилнинг 18 майида РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси «Туркистон — Бухоро ишлари тўғрисида» тарихий қарор қабул қилди. Унда, шарқий Бухорода босмачиликни тугатиш юзасидан жанговар кўрсатмалар берилган эди. Ана шу кўрсатмага амал қилиб РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси, Туркистон, Бухоро Компартияларининг Марказий Комитетлари ҳамда БХСР ҳукумати Анвар-поша, Салим-по-

ша ва Иброҳимбек тўдаларига қарши ҳарбий-сиёсий кампанияни кучайтириб юбордилар.


Раҳмат Рафиқ бошчилигидаги комиссия ана шу оғир йилларда босмачиларга ва империалистик давлатларнинг малайларига қарши қаттиқ кураш олиб борди. Унинг раҳбарлигида босмачилардан тозаланган районларда 1923 йилда маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар ўтказилди ва вилоят ижроия комитетлари тузилди. 1924 йилда Қизил Армия қисмлари ва кўнгилчилар отрядининг биргаликдаги зарбалари остида Тожикистонда босмачиларнинг асосий тўдалари тугатилди. Бутунбухоро Марказий Ижроия Комитети Раҳмат Рафиқ Абдуллабековнинг хизматларини ҳисобга олиб, 1923 йилнинг июнида уни Бухоро Халқ Совет Республикасининг I даражали Олтин ордени билан мукофотлади. Раҳмат Рафиқнинг Совет ҳокимиятини мустақамлаш учун курашдаги катта хизматлари РСФСР Марказий Ижроия Комитети томонидан ҳам юксак тақдирланди. Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети Президиумининг қарори билан Раҳмат Рафиқ 1924 йилнинг 12 июнида Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукуматининг энг масъул лавозимларида ишлаган Раҳмат Рафиқ йирик давлат арбоби даражасигача кўтарилди. У Ўрта Осиё Республикаларида миллий давлат чегараланишини ўтказиш иши комиссиясида актив қатнашди. 1924 йилнинг поябрида Ўзбекистон ССР Революцион Комитети уни ўзининг мухтор вакили сифатида Москвага юборди.

Раҳмат Рафиқ Ўзбекистон КП(б) I съезди ишида қатнашади ва Марказий Комитет аъзолигига кандидат қилиб сайланади. 1925 йилнинг февралда у Ўзбекистон ССР ички ишлар халқ комиссари қилиб тайинланади. Совет органларида раҳбар лавозимда ишлаган Раҳмат Рафиқ ўзининг бутун кучи ва билимини партия ва совет давлати ишига бағишлади. Саломатлиги ёмон-

лашгани учун пенсияга чиққан Раҳмат Рафиқ 1932 йилда автомобиль ҳалокати пайтида фожиаи ҳалок бўлади.

Ўзбекистон ва қардош Тожикистон меҳнаткашлари садоқатли коммунист, халқнинг содиқ фарзанди Раҳмат Рафиқ Абдуллабековнинг улкан хизматларини юксак қадрлайдилар. Меҳнаткашлар депутатлари Бухоро шаҳар Совети Ижроия Комитетининг қарори билан 1972 йилнинг 27 апрелида Бухоро шаҳридаги кўчалардан бирига Раҳмат Рафиқ Абдуллабеков номи берилди ва мемориал тахта ўрнатилди.



## ТУРАХОН ИБРОҲИМОВА

Мамлакатимизда хотин-қизлар озодлиги масаласининг ҳал этилиши социализм эришган энг буюк зафарлардан бири бўлди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси миллий ва социал зулми, нотенгликни абадий тугатди, хотин-қизларнинг ҳақиқий озодлигини, уларнинг беқарам моддий аҳволини таъминлади, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок этпшлари учун ҳамма зарур шарт-шароитларни яратиб берди.

Тарихдан шу нарса маълумки, партия Марказий Комитети томонидан сафарбар этилган С. Т. Любимова, М. Ф. Муратова, А. И. Назарова, Л. А. Отмар-Штейн, Е. А. Росс, З. А. Прищепчик, Н. Клейман, А. А. Аксентович, Е. С. Богачева, Е. А. Бикова, О. М. Попова, В. А. Соколова ҳамда бошқа кўплаб коммунист аёллар хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг ленинча программасини актив равишда амалга оширганлар. Маҳаллий миллат вакиллари орасидан биринчи хотин-қиз активисткаларни тайёрлаганлар ҳам шулар бўлган. Улар орасида Шамсикамар Гойибжонова, Тўраҳон Иброҳимова, Тожиҳон Шодлева, Жаҳон Обидова ва бошқа кўплаб илғор ўзбек хотин-қизлари бор эди.

В. И. Ленин ишчи ва деҳқон хотин-қизлар орасида ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, амалий ишни ўсталик билан йўлга қўя оладиган кишилар бизга маълум бўлганидан кўра бир неча баробар кўпроқдир<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаралсин: В. И. Ленин. Тўла Асарлар тўплами, 39-том, 28-бет.



деб айтган эди. Ана шундай истеъдодли ташкилотчилардан, Совет Туркистонни хотин-қизлари орасидан етишиб чиққан моҳир раҳбарлардан бири Тўраҳон Иброҳимовадир.

Тўраҳон 1890 йили Қўқонда камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. Миллионларча бошқа хотин-қизлар қатори унинг ҳаёти ҳам революцияга қадар йўқчилик ва камситишлар билан ўтди. Тўраҳон Иброҳимова ўша даврларни бундай эсларди: «Мен умр бўйи бойлар учун ишлайдиган ва ярим оч, бечора хол кун кечирадиган оилада туғилганман. Оиламизнинг боқувчиси вафот этганда мен бор-йўғи олти ойлик эдим. Шундан сўнг не балоларни бошдан кечирмадим. Жуда ёшлигимдан ишлашга мажбур бўлдим. Тонг саҳардан қош қорайгунча белимни букиб бойга қарашли далада пахта терардим. Оғир меҳнат, кунбўйи тамадди қилиш учун уйдан олинган битта зоғара нон, қопнинг тўлмай қолишидан (агар қоп тўлмай қолса, бой ўша кун учун сариқ чақа ҳам тўламас эди) доимий қўрқиш, туилари эса ҳар хил уй-рўзгор ишлари...

Мени эрта турмушга бердилар. Бу билан қийинчилик камайиб қолмади, аксинча, ортиб кетди. Уй меҳнати, болаларни боқиш ташвишлари ҳам қўшилди. Бирин-кетин икки ўғилдан ажралдим, сўнгра эса турмуш ўртоғимни ҳам кўмдим. Қўлимда икки ёш қиз, бир меҳрибонсиз ва мададепз қолдим. Ярим увада қулбада зах ерда ётган болаларим боши узра тиз чўкиб қанчадан-қанча аччиқ кўз ёшларимни тўкмадим».

Тўраҳон Иброҳимова оиласини боқиш учун Қўқондаги пахта тозалаш заводига қора ишчи бўлиб кирди. Революцияга қадар заводда ишлашга журъат ётадиган ўзбек хотин-қизлари камдан-кам топиларди, аммо Тўраҳон Иброҳимованинг бундан бўлак пложи йўқ эди.

Тўраҳон ва унинг дугоналари корхонада эрталабдан кечгача қоп тикишар, тунларни эса шамчироқ ёруғида кўрак чувишар, пахта тозалашарди. Давр жуда оғир

эди. Шунга қарамай заводдаги иш улар учун сиёсий чиниқиш мактаби ҳам бўлди. Катта коллектив, ишчилар билан мулоқатда бўлиш, ишчилар ҳаракати раҳбарлари билан революция темаларидаги доимий суҳбатлар уни ҳаёт ҳақиқатининг кўпгина чигал масалалари, ўзбек хотин-қизларининг ҳуқуқсиз аҳволи ҳақида чуқурроқ ўйлашга мажбур этди.

Қўқонда Совет ҳокимияти ўрнатилганидан кейин Тўраҳон Иброҳимовага масъулиятли топшириқ беришди. У биричи хотин-қизлар йигирув артелини ташкил этиши керак эди. Ая кейинчалик ўша кунларни эслаб ёзганди: «Бундай артелни очиш осон бўлмади. Янгилик йўлида бойлар, руҳонийлар гов бўлиб туришар, худони ўртага қўйиб, бизни қўрқитишарди. Дастлаб артелга бир-иккитагина хотин-қиз келди. Бора-бора улар сони кўпайди. Орадан бир неча вақт ўтгач, артелимизда ўнлаб хотин-қизлар ишлай бошлашди. Биз ип йигирардик, қизил армиячилар учун кўрпа, кийим-кечак тикардик, ҳалол ва аҳил бўлиб ишлардик».

У артель ишига раҳбарлик қилиш билан бирга Қўқоннинг «Қаймоқгузар» маҳалласида хотин-қизлар клубини очди. Клубда саводсизликни тугатиш курси, бичиш ва тикиш, кашта тикиш тўғараклари ташкил этди.

1919 йили Тўраҳон Иброҳимовани Қўқон уезд-шаҳар партия комитети хотин-қизлар бўлимининг мудирини қилиб тайинлашди. У активлар билан биргаликда қалин олиш, балоғатга етмаган қизларни турмушга бериш, диний урф-одатлар ва маросимлар қилиш сингари ўтмиш сарқитларига қарши далил кураш олиб борди. Хотин-қизлар бўлими сиёсий-тарбиявий ишларини фаоллаштириб юборди, хотин-қизларнинг амалдаги тенглигига эришиш учун курашди. Тўраҳон Иброҳимова босмачиларнинг, дин пешволарининг тазйиқи, дўқпўппасига қарамай, гоҳ ошкора, гоҳ яширин суръатда хотин-қизлар билан учрашар, йиғилишлар, суҳбатлар,

ўтказар, уларни артель матлубот кооперацияси, клублар ишига жалб қилар, ўз олдидарида турган вазифаларни тушунтириб, социалистик қурилишда фаол иштирок этишга ундарди.

1922—1924 йилларда Тўраҳон Иброҳимова Советларнинг Қўқон шаҳар ва Фарғона область съездларида делегат бўлиб қатнашди. Шаҳар ижроия комитети, область ижроия комитетининг аъзоси қилиб сайланди. Эндиликда унинг фаолият доираси янада кенгайиб кетган эди. Халқ орасида етишиб чиққан оддий аёл партия кўрсатмаларини амалга ошириш, хотин-қизларни давлатни бошқаришга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга, маданий қурилишга жалб этиш йўлида куч-ғайратини аямалди.

1923 йилнинг декабрида Советларнинг Туркистон съездида Тўраҳон Иброҳимовани Советларнинг Бутуниттифоқ II съездига делегат қилиб сайлашди. Съездда эса у президиумга сайланди. Президиумга паранжисини ёпинган ҳолда чиқиб ўтирди. Бир вақт қўлига икки энлик хат тутқазди. «Ўртоқ Иброҳимова! Бу ерда ҳозир бўлган ўртоқлар сиздан паранжинғизни олиб қўйишингизни илтпмас қилишяпти. Сизни паранжисиз кўриш биз учун жуда мароқли бўлур эди», деб ёзилган эди унда.

Иброҳимова ўз ҳаяжони ва хижолатни аранг енгиб, президиум столдан нарироқ борди-да, паранжисини очди. Съезд делегатлари ёш аёлнинг ял-ял ёниб турган очиқ чеҳрасини кўриб, гулдурас қарсак чалиб юбордилар. Съезд ўз ишини давом эттирди.

Советларнинг II съезди бирлашган мажлислари ва комиссиялари мамлакатда социализм қурилиш планини муҳокама қилаётган бир пайтда Ленин вафот этганлиги ҳақидаги мудҳиш хабар келди. Съезд Ленин жасадини Москвага, Кремлга олиб келиш учун Горькига делегация юборди. Унинг составида Тўраҳон Иброҳимова ҳам бор эди. Тўраҳон Надежда Константи-

новна Крупская, Мария Ильинична Ульянова ва бошқа аёллар билан бир сафда фахрий қоровулликда туриб, озод Шарқ аёллари номидан Ленинга чексиз ҳурмат-эҳтиромни бажо келтирди.

У Москвадан Қўқонга қайтиб келгач, Ленин чақириги бўйича партия аъзоллигига кандидат бўлиб кирди. Бир ғайратга ўт ғайрат қўшиб, ишга киришиб кетди. Шаҳарда болалар интиерати, боғча-ясил, саводсизликни тугатиш курси очди.

Шундан сўнг Тўраҳон Иброҳимова Самарқандда Ўзбекистон ССР «Қўшчи» союзи Марказий Комитети хотин-қизлар секциясининг мудирини ва президиум аъзосини бўлиб ишлади. Унинг раҳбарлигидаги хотин-қизлар секцияси аёллар ўртасида мунтазам суҳбатлар олиб борар, йиғилишлар ўтказар, деҳқон аёлларини союзга жалб этарди.

Ер-сув ислохотининг муваффақиятли ўтказилиши, республика экономикасининг мустақамлашиши, Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланишининг амалга оширилиши, Совет ҳокимиятининг маҳкам оёққа туриб олганлиги Ўзбекистон Компартиясига хотин-қизларни озодликка чиқариш учун дадил кураш бошлашга имкон берди. 1926 йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган хотин-қизлар бўлимлари ходимларнинг III ўлка кенгашида биринчи маротаба эскиликка қарши кескин ҳужум бошлаш шиори ўртага ташланди. Бу ҳаракат қисқача «Ҳужум» деб юритила бошланди. Эндиги вазифа хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилигини тушунтириш методларидан дадил кураш методларига ўтиш маъносини билдиради. Тўраҳон Иброҳимова ана шу муҳим кампанияда фаол иштирок этди.

1928—1931 йиллар мобайнида Тўраҳон Иброҳимова темир йўлда ишлади. Кейинчалик саломатлиги ёмонлашганлиги туфайли пенсияга чиқди. Шунга қарамай, умрининг охиригача жамоат ишларини бажарди, ёш авлодни тарбиялашда катта ҳисса қўшди.

Партия ва ҳукуматимиз ушнинг хизматларини муносиб қадрлади. Тўраҳон Иброҳимова иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва кўплаб медаллар билан мукофотланди.

Хотин-қизларни озодликка чиқариш даврининг қаҳрамонларидан бири Тўраҳон Иброҳимованинг ажойиб ҳаёти ва фаолияти Коммунистик партиёга, совет халқига садоқат билан хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир. Унинг номини Ўзбекистон Коммунистик партиёси тарихига абадий ёзиб қўйилган.



## АКБАР ИСЛОМОВ

Акбар Исломов — меҳнаткаш. халқ ичидан етишиб чиққан, Коммунистик партия тарбиялаган оташин курашчилардан биридир.

Акбар Исломов 1896 йилда Қўқон шаҳрида оддий меҳнаткаш оиласида туғилди. Бу даврда Фарғона водийси Туркистоннинг иқтисодий ва сиёсий зиддиятлар анчагина кескинлашган жойларидан бири эди.

Чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати Туркистонда, жумладан Фарғона водийсида маълум иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар рўй беришига олиб келди. Иқтисодий ўзгаришлар пахтачиликни ривожлантириш асосида ўлканинг ҳаётини чоризм саноатига бутунлай боғлаб қўйиш ва уни мустақил ривожланиш имкониятидан маҳрум қилишда кўринса, ижтимоий ўзгаришлар синфий ва миллий зулмнинг яна ҳам чуқурлашиб, даҳшатли формаларга киришида, синфий курашлар кескинлашишида намоён бўлди. Бу муносабатлар ўлкада миллий озодлик кураши тобора чуқурлашишига, бу кураш эса Россия пролетариатининг капитализмга қарши қаратилган синфий кураши билан яқинлашишига ва қўшилишига олиб келди.

Акбар Исломов ёшлик давридаёқ шу курашларда иштирок этди, рус ишчиларининг бевосита таъсири остида аста-секин чиниққан революционер сифатида камол топа бошлади.

Меҳнаткаш халқнинг бошига оғир кулфатлар келтирган биринчи жаҳон уруши бошланган 1914 йилда у рус-тузем мактабига ўқишга кирди. Лекин турмушнинг оғирликлари ўқишни давом эттиришга имкон бер-

мадн. Натжида у ўқини ташлаб, Қўқоннинг эски шаҳарида очилган 1-босмахонага (ҳарф терувчига шогирд бўлиб) кирди. Ана шу даврдан бошлаб у ўлкадаги синфий ва миллий зулмнинг энг даҳшатли формаларини кўз билан кўрибгина қолмай, ўз бошидан кечира бошлади.

1915 йилга келиб, босмахона ишчиларининг аҳволи ниҳоятда оғирлаша бошлади. Босмахона хўжайини Маҳмудов ишчилар ҳақини ўз вақтида бермас, уларни 12—14 соатлаб ишлашга мажбур қиларди. Еш Акбар Исломов ишчиларни иш ташлашга чақирди ва ишчилар забастовка эълон қилдилар. Бу воқеа кичик бўлса ҳам, ўша давр учун, маҳаллий ишчиларнинг синфий онги ошиши, сиёсий қарашлар юксалиши учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга эди. Бу забастовкадан кейин Акбар Исломов Қўқондаги Белинский босмахонасига ишга кирди ва бу ерда уч йил ҳарф терувчи бўлиб ишлади.

Акбар Исломов чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши 1916 йилда Ўрта Осиёда бўлиб ўтган қўзғолонда ҳам иштирок этди. У маҳаллий меҳнаткашларни чоризмга ва маҳаллий феодалларнинг сиёсатига қарши норозилик билдиришга чақирди. Акбар Исломов 1916 йилда бўлиб ўтган воқеаларни эслаб шундай деб ёзади: «Мен бу даврда бўлаётган бебошликлардан чидаб турулмадим. Ўзим турли варақалар тузиб, мачитларнинг деворларига ёпиштириб чиқдим. Бу ишим учун бойлар мени анча вақт таъқиб қилиб юрдилар».

Акбар Исломов 1917 йил Февраль революциясидан кейин Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган сиёсий чиқишларда ҳам иштирок этди. Демак, Акбар Исломов Буюк Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан олдинроқ ишчи сифатида маълум кураш йўлини босиб ўтган ва чиниққан эди.

Буюк Октябрь социалистик революцияси ғалабаси-

дан кейин у Қўқондаги Е. А. Бабушкин, И. Н. Фатеев, Удалов, Вершинин сингари рус революционерлари билан яқиндан алоқа боғлади. Уларнинг билимлари, юксак революционерлик фазилатлари, тажрибалари А. Исломов учун катта қизиқиш мактаби бўлди. Большевикларнинг тоншириқларига биноан сиёсий варақалар тайёрлаш ва уларни маҳаллий меҳнаткашларга тарқатишда бевосита иштирок этди. Большевиклар уни маҳаллий ишчилар ўртасида иш олиб боришга юборди.

У Қўқон шаҳри ва уезддаги мусулмон ишчи меҳнаткашлари иттифоқи составига сайланди. 1918 йил август ойида станокдан келган ишчи сифатида РКП(б) га аъзоликка қабул қилинди.

Бу давр бутун мамлакатимиздаги сингари Фаргона водийсида ҳам ёш Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун қаттиқ кураш олиб борилаётган вақт эди. Революция натижасида ўзларининг сиёсий ҳуқуқронликлари-дан маҳрум бўлган эксплуататор синфлар ёш Совет ҳукумати-ни бўғиб ташлаш учун тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатдилар. Халқаро империализм ва маҳаллий реакцион кучлар томонидан ташкил этилган босмачилик ҳаракати меҳнаткаш омма-нинг бошига жуда катта кулфатлар келтирди. Халқ хўжалигининг кўп соҳалари деярли издан чиқиб кетди. Босмачилар партия аъзоларидангина эмас, балки Совет ҳукумати-га хайрихоҳлик билдирган барча кишилардан ҳам шафқатсиз ўч олардилар. Ана шундай мураккаб шароитларда Акбар Исломов революцион трибунал аъзоси бўлиб ишлади. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткаш аҳолиси ўртасида сиёсий ташвиқот ва тарғибот ишлари олиб борди. Бу даврларда ҳам у босмахонада ҳарф терувчи бўлиб ишларди. 1918 йилнинг охирида у Тошкентга, Туркистон Советлари VI съезди-га делегат бўлиб келди ва съездда Туркистон Республикаси Марказий Иж-роия Комитети аъзоси қилиб сайланди. 1918 йил охир-



ларда НКВД коллегия аъзоси бўлиб ишлади ва синфий душманга қарши олиб борилган курашнинг бу frontiда ҳам маълум хизматлар қилди. 1919 йилнинг бошида Бухорога РСФСР вакилининг ўрибосари қилиб ишга юборилди. Бу йилларда Бухоро амирлигида ҳам революцион кураш кучаймоқда, меҳнаткаш омма Октябрь революцияси сабоқларидан ўрнак олиб, ўрта аерчилиكنинг бу кўҳна истеҳкомини барбод қилиш учун курашмоқда эди.

1919 йили партия Акбар Исломовни Фарғона фронтига босмачиларни тугатиш фавқулудда комиссия аъзоси қилиб юборди. У рус коммунистлари маҳаллий меҳнаткашларидан чиққан партия аъзолари билан биргаликда босмачиликка қарши курашда бевосита иштирок этди. Маҳаллий меҳнаткашлар ўртасида Совет ҳокимиятининг мақсади ва моҳиятини тушунтириш билан боғлиқ бўлган ишлар олиб борди. 1919 йил охирида А. Исломов Тошкентга чақириб олинди ва Туркистон Ички Ишлар халқ Комиссарининг ўрибосари қилиб тайинланди. Бу лавозимда ишлаган йилларида ҳам синфий курашнинг энг қизгин жойларига борар, маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг раҳбарларига конкрет вазифаларни ҳал қилишда, аҳолини янги ҳокимият атрофига бирлаштиришда ёрдам кўрсатарди. У босмачиликка қарши курашда катта роль ўйнаган «Қизил Шарқ» поездида ҳам бўлди. Вақтинча Андижон шаҳар ревкомининг раиси қилиб ҳам сайланди.

1920 йилда А. Исломов Марказий Ижроия Комитети томонидан Туркистон Республикаси Ички Ишлар Халқ Комиссари қилиб тайинланди.

Бу даврда партия, совет раҳбарлари социализм учун курашда иштирок этиш билан бирга, марксизм-ленинизм таълимотини ҳам чуқур эгаллашлари лозим эди. Юксак гоаявий етукликсиз кун тартибида турган улкан вазифаларни муваффақиятли ҳал этиб бўлмас эди. Ана

шундай эҳтиёжни Акбар Исломов ҳам сезди ва Рабфакка ўқишга кирди. 1923–1924 йилларда Рабфакни тамомлаб, Ўрта Осиёда биринчи олий ўқув юрти бўлган Туркистон Давлат университетининг қишлоқ хўжалик факультетига ўқишга кирди.

Акбар Исломов ленинча миллий сиёсатни амалга оширишда муҳим босқич бўлган Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилишида ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси ташкил этилган даврдан бир оз ўтибоқ Акбар Исломов Тошкент область ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди. Бу даврда мамлакатимизда, айниқса ўтмишда қолоқ бўлган чекка ўлкаларда йирик иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар рўй бераётган эди. Коммунистик партия ленинча аграр сиёсатни амалга ошириб, ер-сув ислохотини ўтказди. Бу тadbир қишлоқдаги феодализм қолдиқларига кескин зарба берибгина қолмасдан, деҳқонлар оммасини социалистик тараққиёт йўлига олиб ўтишда ҳам муҳим зарурий босқич бўлди. Республика партия ташкилоти ишчилар ва деҳқонларнинг саводсизлигини тугатиш, социалистик маданиятнинг куртаklarини камол топтириш ва оммага синдириш, меҳнаткашларни коллективизм руҳида тарбиялаш борасида катта ишларни қилди. Тошкент областида мана шу улкан вазифаларни бажаришда Акбар Исломов бевосита актив иштирок этди. У қишлоқ хўжалигини, биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Янги ирригация иншоотларини кўриш, эскиларини тузатиш ва биринчи гидроэлектростанция қуришда қатнашди. Тошкент шаҳри ва областидаги бир қатор саноат корхоналарининг пайдо бўлишида ҳам унинг катта ҳиссаси бор.

1927 йилда Ўзбекистон Коммунистик партияси ва ҳукумати А. Исломовни Москвага СССР ҳукумати қошидаги доимий вакил қилиб юборди. Шу йилларда

бутун мамлакатимизнинг пқтисодий ҳаёти яхлит бир организм сифатида камол топмоқда, социалистик меҳнат тақсимоти принциплари асосида Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш кучлари ҳам юксалмоқда эди. Қишлоқ хўжалигини, эндигина қадди тикланаётган саноатни юксалтириш социалистик миллатларнинг дўстлиги, ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамини кучайтиришни талаб қилар эди. Бу вазифани бажаришда ҳам А. Исломовнинг ҳиссаси каттадир. Мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидан келган ишчилар Ўзбекистонда социалистик саноатни барпо этиш ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар, ўз билимларини маҳаллий ишчиларга ўргатдилар.

1929 йилда Акбар Исломов Ўзбекистон Молия Халқ Комиссари қилиб тайинланди. Бу йилларда республикада социалистик саноатни барпо этиш яна ҳам тез суръатлар билан бораётган эди. Акбар Исломов республика ишлаб чиқариш кучларини ҳар томонлама ривожлантириш чораларини ишлаб чиқишда ҳам бевосита иштирок этди. У республика партия ташкилотининг барча вазифаларини садоқат билан бажарди.

Партия Марказий Комитети Акбар Исломовни халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг мураккаб вазифаларини бажариш учун узоқ районларга юборар эди. У маҳаллий ташкилотларга молия-хўжалик ишларини яхши йўлга қўйиш соҳасида ёрдам кўрсатишдан ташқарп партия ташкилотларига партиявий-ташкилний ишларни юксак боқичга кўтаришда ҳам ёрдамлашди. Партия уни Бағдод, Маргилон, Риштон ва бошқа кўп-лаб районларга юборди. У 1935 йилда пахтачиликни ривожлантириш борасида рўй берган камчиликларни тугатиш учун Бухоро областининг қатор районларига ҳам юборилди. У, Қашқадарё областида ҳам бир неча марта бўлнб, қишлоқ хўжалигини юксалтиришда, маданий революцияни амалга ошириш масалаларида маҳаллий ташкилотларга ёрдам кўрсатди. А. Исломов

содиқ ленинчи, чиниққан интернационалист эди. Ўз ҳаётининг ҳар бир дақиқасида пролетар интернационализм принципларига содиқ бўлиб қолди ва уни амалга оширишга ҳаракат қилди.

Акбар Исломов ўзининг бутун ҳаётини республика-мизда социализм ғалабасини таъминлаш учун курашга бағишлади. Унинг номи, қилган барча ишлари халқимизнинг Коммунистик партия раҳбарлиги остида социализм ғалабасини таъминлаш ва мустаҳкамлаш учун олиб борган курашининг ёрқин саҳифаси бўлиб қолади.



## АБДУЛХАЙ ТОЖИЕВ

Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси, жаҳон пролетариатининг буюк доҳийси В. И. Ленин 1918 йил «Туркстондаги коммунист ўртоқларга» хати орқали мурожаат қилиб, ўтмишда чоризмнинг қолоқ, мустамлака, чекка ўлкаси бўлган Туркистонда амалга оширилиши лозим бўлган улкан тadbирларнинг асосий программасини чизиб берган эди.

Туркистонда мустамлакачилик ва феодализм қолдиқларига абадий хотима бериш, революция ғалабаларини ҳимоя қилиш ва социализмнинг пойдеворини барпо этиш, кенг меҳнаткашлар оммасини онгли, актив сиёсий курашга жалб қилишнинг муҳим йўлларида бири — маҳаллий миллат вакилларида йирик партия ва Совет давлати арбобларини тарбиялаш ва вояга етказиш эди. Улар катта ғоявий чиниқиш мактабини ўташи, социализм ғояларини меҳнаткашлар орасига кенг ёйиши, ўлканинг конкрет шароитларини ҳисобга олиб амалга ошириладиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларга раҳбарлик қилиши лозим эди.

Мамлакатимизда Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилган дастлабки даврлардаёқ В. И. Лениннинг бевосита гамхўрлигида, Туркистонга ишга юборилган профессионал революционерлар М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Ш. З. Элнава, П. А. Кобозев, Я. Э. Рудзутак ва бошқаларнинг раҳбарлигида маҳаллий миллат вакилларида революция ишига садоқатли, изчил интернационалист, назарий жиҳатдан етук курашчиларнинг катта группаси шаклланди ва камол топди.

Ўзбекистонда социалистик революция ғалабаларини

ҳимоя қилиш ва социализм қуриш учун олиб борилган курашга ўзининг бутун кучи ва талатини сафарбар этган изчил ленинчи коммунистлардан бири — Абдулҳай Тожиёв эди.

Абдулҳай Тожиёв 1899 йили Тошкент шаҳрида туғилди. Унинг меҳнат фаолияти 15 ёшданоқ бошланган эди. 1914—1917 йилларда Тошкент шаҳридаги турли қурилишларда оддий ишчи бўлиб ишлади. Абдулҳай Тожиёвнинг дунёқараши мамлакатда бўлаётган улкан революцион воқеалар, илғор ишчилар, биринчи навбатда рус ишчиларининг таъсири остида шаклланди. Шу сабабли у Улуғ Октябрь социалистик революциясини катта қувонч ва умид билан кутиб олди. У биринчилар қатори янги совет тузумини мустаҳкамлаш ва уни ҳимоя қилишга ўзининг бутун кучини сафарбар этди.

Абдулҳай Тожиёв 1918 йил июнь ойида Коммунистик партия сафига кирди.

Мамлакатимизда социалистик революция ғалаба қилган дастлабки кунларданоқ Коммунистик партия ва совет ҳукумати ўтмишнинг барча қолдиқларини, жумладан омманинг умумий саводсизлигини тугатиш мақсадида кенг тадбирларни амалга ошира бошлади. Омманинг саводсизлигини тугатиш уни актив сиёсий курашга жалб қилишнинг энг муҳим йўлларида бири эди. Бу борада Тошкент шаҳар маориф ходимлари иттифоқининг раиси сифатида Абдулҳай Тожиёв ҳам анча иш қилди.

Уша даврдаги мураккаб шароитлар, жамиятимиз олдида турган улкан вазифалар оммага раҳбарлик қилаётган ҳар бир партия ва совет ходимдан катта ташкилотчилик қобилияти билан бирга юксак назарий билимларни ҳам талаб қилар эди. Шу сабабли Коммунистик партия маҳаллий миллатлардан етишиб чиққан партия ва совет раҳбар ходимларининг назарий савиясини юксалтириш, уларни марксизм-ленинизм таълимоти билан чуқур қуроллантириш борасида ҳам катта

ишларни амалга оширди. 1919 йилн Абдулхай Тожиев бир группа маҳаллий ёшлар қатори Москвадаги Я. М. Свердлов номли коммунистик университетга ўқишга юборилди. Ўқиш даврида илмий социализм ҳақидаги таълимот билан, мамлакатдаги революцион курашнинг сиёсий сабоқлари билан яна ҳам батафсил ва чуқурроқ танишди. 1920 йил октябрь ойида Тошкентга қайтиб келди ва Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети уни Тошкентдаги Эски шаҳар район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирини вазифасига ишга юборди. Бу лавозимда у 1921 йил март ойига қадар ишлади. 1921 йил апрель ойида эса Эски шаҳар халқ маориф бўлимининг мудирини бўлиб ишлади. Мана шу даврлардаёқ унинг юксак ташкилотчилик маҳорати, омма билан ишлаш билиш қобилияти яна ҳам яққол кўзга ташланди. Ана шу даврларда Абдулхай Тожиев Эски шаҳардаги митингларда оташин нутқлар сўзлар, маҳаллий матбуот саҳифаларида эса ўтмиш қолдиқларининг зарарли моҳиятини очиб берувчи, совет тузуми ва совет мактабининг меҳнаткаш омма учун аҳамиятини кўрсатувчи қатор мақолалар билан чиқиб турарди.

1921 йилда Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Абдулхай Тожиевга берган характеристикасида шундай деб ёзилган: «У мусулмон хизматчиларининг энг яхшиларидан бири, ташаббускор, барча вазифаларни сидқидилдан бажарди. У зарур назарий тайёргарликка ҳам эга. Областларда бўлаётган ишларга нисбатан муносабати яхши».

Туркистон Коммунистик партияси 1921 йил июнь ойида унинг бу фазилатларини ҳисобга олиб Сирдарё областига ишга юборди. Шаҳар партия комитети уни масъул секретарь лавозимига сайлади. 1922 йил ноябрь ойида эса у «Туркистон» газетасида ишлашга жалб қилинди. 1923 йил апрель ойида шу газетанинг масъул редакторини қилиб тайинланди. Бу даврларда граждан-

лар уруши тугаб, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган қатор тадбирларни амалга оширмақда эди. Матбуот органлари бу вазифаларнинг моҳиятини очиши, уларни оммага тушунтириш ишлари, ишчилар ва деҳқонларни янги жамият асосларини барпо этиш учун курашга сафарбар этишп, меҳнаткашларни интернационалистик руҳда тарбиялаши лозим эди.

1925 йили Абдулҳай Тожиев «Коммунист» журнали редколлегиясининг аъзоси қилиб тайинланди. Бу даврларда у Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети аъзоси, Марказий Комитет матбуот бўлими коллегияси аъзоси, Сирдарё область партия комитети ижроия бюросининг аъзоси ҳам эди.

У 1925 йилда Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент область комитетининг секретари қилиб сайланди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси ленинча аграр сиёсатини изчиллик билан амалга ошириб 1925—1926 йилларда республикамизда ер-сув ислоҳотини ўтказишга катта тайёргарлик кўрмоқда эди. Ер-сув ислоҳоти, гарчанд демократик характерга эга бўлса ҳам, ўтмишда қолоқ бўлган аграр ўлкада социализм қуриш йўлидаги зарур ва муҳим қадамлардан бири эди. Абдулҳай Тожиев омманинг талаб ва эҳтиёжларини яқин тушунадиган, ўз фикрларини унга оддий ва равои тушунтира оладиган киши эди. Шу сабабли у қишлоқларга борар, деҳқонлар билан учрашар, уларга ер-сув ислоҳотининг моҳиятини тушунтирар эди.

1926 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон КП Марказий Комитети топшириғига биноан, область партия активи йнгилишида социалистик қурилиш кун тартибидда турган муҳим вазифаларни ҳал этишнинг конкрет йўллари ҳақида доклад қилди. У жойларда бўлиб, маҳаллий партия ташкплотларининг ишларини ўрганар, партиявий-ташкиллий ва ғоявий-тарбиявий ишларда етарли



тажрибаси бўлмаган кишиларга бажонидил ёрдам берар эди. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети қошидаги Партия тарихи институтининг биринчи куртаги бўлган Истпартни ташкил этиш, унинг ишларини жонлантиришга ҳам катта ҳисса қўшди.

1927 йил июнь ойида Абдулҳай Тожиев Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетда аввал инструктор, сўнгра пропаганда ва агитация бўлимининг мудирлиги бўлиб ишлади. Мана шу даврда Коммунистик партия ишига садоқати, ғоявий етуқлиги, юксак ташкилотчилик қобилиятлари яна ҳам кўпроқ намоён бўлди. У Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида техника ютуқларидан фойдаланиш масаласига ҳам катта эътибор берди, маҳаллий ишчилар ва деҳқонлар орасидан қобилиятли ёшларни танлаш ва уларни ўқув юртларига юборишга ҳам катта хизмат қилди. У Ўзбекистон Советлари Марказий Ижроия Комитети сессияларини, республика қасаба союзлари съездларини, «Ўзбексельхоз», «Худосизлар союзи» ва бошқа жамоат ташкилотларининг съездларини, сессияларини тайёрлаш ва ўтказишга ҳам катта ҳисса қўшди. Ўзбекистон ССРнинг биринчи беш йиллик планини ишлаб чиқишда ҳам Абдулҳай Тожиевнинг маълум ҳиссаси бор.

1929 йилга келиб бутун мамлакатимиздаги сингарни Ўзбекистонда ҳам социализм ғалабаси учун кураш янада кенг қулоқ ёзди. Коммунистик партия республикада ер-сув ислоҳотини муваффақиятли амалга ошириб, социал-иқтисодий тараққиёт соҳасида маълум ютуқларни қўлга киритди. Кенг деҳқонлар оmmasини социалистик тараққиёт йўлига жалб қилиш кун тартибда турган энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Ана шу йилларда Абдулҳай Тожиев республика партия ташкилоти топиригига биноан областларга, районларга чиқиб, деҳқонлар орасида социалистик ишлаб чиқаришнинг афзалликларини тушунтириш борасида ҳам маъ-

лум ишлар қилди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати пахтачиликни ривожлантириш, СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлаш соҳасида ҳам маълум тadbирларни амалга оширмоқда эди. Мамлакатимизнинг пахта мустақиллигини таъминлаш жуда катта маблағларни тежаш ва уни саноатни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида сарфлаш учун имконият туғдириб берар эди. 1929—1930 йиллардаги коллективлаштириш, пахтачиликни ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни бажаришда ҳам Абдулҳай Тожиев фаол иштирок этди. Пахта етиштириш, ҳосилни йиғиб олиш мавсумлари даврида узоқ қишлоқ ва районларга борар, деҳқонлар орасида пахтачиликнинг мамлакатимиз учун бўлган аҳамияти, колхоз тузумининг моҳияти масалалари юзасидан тушунтириш ишлари олиб борарди.

Абдулҳай Тожиев 1929 йилда Ўзбекистон Давлат нашриёти правлениеси составига киритилди ва «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактори лавозимида ишлай бошлади.

1929—35 йиллар давомида Абдулҳай Тожиев СССР Марказий Ижроия Комитети Миллатлар Советининг секретари лавозимида ишлади. 1935 йил Абдулҳай Тожиев Ўзбекистонга келди ва Тошкент шаҳар Ижроия Комитетининг ранси лавозимида ишлай бошлади. Бу даврлар Тошкент шаҳри тарихида катта ўзгаришлар содир бўлаётган вақт эди. Шаҳарда тўқимачилик комбинати ва бошқа бир қанча йирик саноат марказлари қурилмоқда эди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг кенг тармоқлари, илмий муассасалар, кинотеатрлар, клублар ва кутубхоналар, музейлар ва бошқа маърифат ўчоқларининг барно этилиши Тошкентнинг мамлакатимиздаги йирик саноат ва маданият марказларидан бирига айланишига олиб келди.

Ўзбекистон ҚП Марказий Комитети ўша даврларда партия ва совет раҳбар ходимларини тарбиялашни яна ҳам кенг йўлга қўйишга катта эътибор берди. Бу ишда

уларни назарий жиҳатдан камол тонтиришдан ташқари, катта сиёсий ташкилотчилик тажрибасига эга бўлган раҳбар ходимларнинг тажрибаси билан ҳам таништириш лозим эди. Абдулҳай Тожиев партком секретарлари, бошланғич партия ташкилотининг секретарларини тайёрлаш курсларида партиявий-ташкиллий ва ғоявий-тарбиявий ишни давр талабларига биноан йўлга қўйиш масалалари юзасидан қатор лекциялар ўқиди.

1937 йилда у Ўзбекистон Советлари Марказий Ижроия Комитети Раис ўринбосари вазифасини бажара бошлади.

Абдулҳай Тожиев қатор партия ва Советлар съездларининг делегати эди. 1921 йилда у Туркистон Коммунистик партияси Сирдарё область комитети конференцияси делегати, 1925 йилда ВКП(б) XIV съезди делегати, Ўзбекистон Коммунистик партияси II, III, IV, V ва VII съездлари делегати ҳам эди. У СССР Советларининг IV ва VII съездлари делегати, СССР Марказий Ижроия Комитети Миллатлар Совети Президиумининг аъзоси қилиб ҳам сайланди.

Абдулҳай Тожиев қисқа ва сермазмун ҳаёт йўлини босиб ўтди. У ўз фаолиятининг ҳар бир даврида ленинизм ғояларига, Коммунистик партия олиб бораётган улкан ишга, пролетар интернационализми принципларига содиқ бўлиб қолди. У моҳир ташкилотчигина эмас, балки омманинг обрўли ва севимли раҳбари ҳам эди. Унинг босиб ўтган шарафли ҳаёт йўли ёшларимиз учун намуна бўла олади.



## АБДУЖАББОР АБДУРАҲМОНОВ

Улуғ Октябрь социалстик революциясининг ютуқларидан бири Россиянинг илгариги мазлум халқларининг фаол сиёсий ҳаётга ва илғор маданиятга жалб этилиши бўлди. Социализм меҳнаткашларга «ўзларини кўрсатиш, ўзларининг лаёқатларини ўстира олиш, талантларини юзага чиқара олиш...» имконини яратиб бердики, «капитализм буларни минглаб ва миллионлаб эзиб, ялчиб, бўғиб келган эди»<sup>1</sup>.

Октябрь революцияси халқ бағридан омманинг асл етакчилари, талантли сиёсий ва давлат арбоблари плеядасини етказиб чиқарди. Ўзбекистоннинг атоқли партия ва давлат арбоби, халқ орасидан етишиб чиққан, ленинчи партия тарбиялаган, ўзининг бутун кучи ва билимини, бутун умрини коммунистик идеаллар таитанасига бағишлаган Абдужаббор Абдураҳмонов буларнинг орасида муносиб ўринни эгаллайди.

А. Абдураҳмонов 1907 йилда Тошкентда ҳунарманд оиласида туғилди. Отаси катта оилани қийинчилик билан тебратар эди. Унинг иш ҳақининг талайгина қисми ҳар турли «қонуний» ва қонунсиз солиқларни тўлашга қолгани наридан-бери овқатланиш ва кийинишга кетарди. Бирон-бир маданий эҳтиёжларни қондириш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Отанинг вафотидан кейин оиланинг аҳволи айниқса танг бўлиб қолди. Абдужаббор гўдаклик чоғиданоқ йўқчилик азобини кўрди.

1919 йилдан бошлаб Абдужаббор Тошкентдаги ин-

---

<sup>1</sup> В. И. Л е н и н. Тўла Асарлар тўплами, 35-том, 195-бет.

тернатлардан бирида тарбияланди. Тенгдошлари нчиди у билимга зўр иштиёқи, қизиқувчанлиги ва қунт-хафсаласи билан ажралиб турарди. 1924 йилда Абдужаббор бошланғич мактабни муваффақиятли тугатди. Бутунттифоқ Ленинчи Коммунистик Ешлар Союзи сафига кирди.

20-йилларда совет халқи партия раҳбарлигида ВКП(б) XIV съезди белгилаб берган индустриалаштиришнинг улкан вазифаларини амалга ошира борди. Ўзбекистонда ҳам йирик саноат барпо қилина бошлади. Бунда умумттифоқ социалистик меҳнат тақсимотига мувофиқ маҳаллий хомашёга таянган тармоқлар устуун даражада ривож топди. 1925 йилда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети Фарғонада тўқимачилик фабрикаси қурилиши тўғрисида қарор қабул қилди. 1928 йилда бундай фабрикалар Бухоро билан Марғилонда ҳам қурилди. Турган гапки, ўсиб бораётган ишлаб чиқариш малакали ишчиларга муҳтож эди. Москва, Ленинград ва РСФСРнинг бошқа шаҳарлари саноат корхоналари бу соҳада катта ёрдам кўрсатдилар. Ўзбекистондан борган асосан маҳаллий миллат вакилларидан иборат кишилар бу корхоналарда ҳунар ўргандилар. 1925 йилда Абдужаббор Абдураҳмонов ҳам комсомол йўлланмаси билан бошқа кўп кишилар қаторида Москва областининг Реутоводаги йигирув фабрикасига юборилди. Бу ерда таълим олгач, Зарайскдаги йигирув-тўқув фабрикасида мастер ёрдамчиси бўлиб ишлади.

1928 йилда малакали ишчи бўлиб Ўзбекистонга қайтгач, А. Абдураҳмонов Фарғона тўқимачилик фабрикасида ускуналарни монтаж қилишда фаол қатнашди. Зарайск ва Фарғонадаги тўқимачилик корхоналарида ишлаши унга фақат яхши мутахассисгина эмас, балки ўткпир ташкилотчи ҳам бўлиб етишишига ёрдам берди. Ишчи бўлиб мустақкам чиниқиш ижтимоий ҳодисаларга синфий ёндашиш, коллективизм, принципаллик

каби ҳислатларининг тарбияланишига ёрдам берди. 1928 йилда Абдужаббор Абдураҳмонов Коммунистик партия сафига кирди. 1929—1930 йилларда у Фарғона партия ташкилоти йўлланмаси билан «Ўзбекторг»нинг Қўқон округ идораси бошқарувчиси бўлиб ишлади. 1930 йил охирида коммунистлар уни Ўзбекистон КП(б) Маргилон шаҳар комитетининг секретари қилиб сайлаб, унга катта ҳурмат ва ишонч кўрсатдилар. 1931 йил охирида эса у Ўзбекистон КП(б) Фарғона шаҳар комитетининг секретари қилиб сайланди. Ана шу масъулиятли партия лавозимларида А. Абдураҳмонов коммунистлар ва партиясизларни биринчи беш йиллик вазифаларини бажаришга сафарбар этиб, катта ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб борди. Ўзининг фидокорона меҳнати билан у партия аъзолари ва кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида чуқур ҳурмат ва обрў қозонди.

Кейинги даврда, то 1938 йилгача А. Абдураҳмонов Янгийўл район партия комитетининг секретари, Қўқон шаҳар партия комитети ва Ўзбекистон КП(б) Бухоро область комитетининг биринчи секретари бўлди. 1935 йил билан 1937 йил орасида у СССР енгил саноат халқ комиссарлигининг Ивановодаги саноат академиясида ўқиди.

1938 йилда Абдужаббор Абдураҳмонов Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг Ранси қилиб тайинланди. Ана шу юксак лавозимда у совет халқи учун жуда машаққатли Улуғ Ватан уруши йилларида ҳамда урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклаш даврида ўн уч йил ишлади. Бу ўринда уни ўткир ташкилотчилик қобилияти энг ёрқин ва тўла намоён бўлди. У экономика, маданият масалаларини чуқур тушунар, яхши хўжалик ходими эди. А. Абдураҳмоновнинг улкан раҳбар бўлиб шаклланишида Коммунистик партия, Совет ҳукумати, Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети, шунингдек республиканинг атоқли партия ва давлат ар-

боблари Й. Охунбобоев, У. Юсупов ва бошқалар катта роль ўйнадилар. А. Абдурахмонов улар билан ёнма-ён туриб ишлади. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг Раиси лавозимида А. Абдурахмонов республика ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш учун кўп ишлар қилди.

Урушдан аввалги йилларда Ўзбекистонда ВКП(б) XVIII съезди қарорлари ҳамда учинчи беш йиллик планга мувофиқ бир қатор йирик sanoat объектлари, шу жумладан металлургия заводи, Чирчиқ электрохимия комбинати, Қувасой ТЭЦи, Фаргона, Андижон ва Сурхондарё областларида нефть ҳайдаш корхоналари қуриш кўзда тутилган эди. Буларнинг бари партия ва Совет ҳукуматининг мамлакатнинг шарқий районларида йирик sanoat базаси барпо қилишга иштирокини акс эттирар эди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати, жойлардаги партия, совет ва хўжалик органлари меҳнаткашларини учинчи беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажаришга сарфбар этиш юзасидан катта ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб бордилар. Sanoat объектлари қурилиши масаласи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро мажлисларида, республика Халқ Комиссарлари Совети мажлисларида мунтазам муҳокама қилиб турилди. Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг аъзоси ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг Раиси сифатида Абдужаббор Абдурахмонов ҳам қарорлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда фаол қатнашди. Уни қурилиш майдонларида тез-тез кўриб туриш мумкин эди, у ишчилар, инженер-техник ходимлари билан суҳбатлашар, қурилишларнинг эҳтиёжлари, меҳнаткашларнинг маъший шароитлари билан қизиқар, етилган масалаларни ўша жойининг ўзида оператив ҳал қиларди.

Кенг кўламдаги индустриал қурилиш шарофати би-

лан беш йилликнинг уч йили мобайнида Ўзбекистонда 134 та sanoat корхонаси ишга туширилди, булар орасида Чирчиқ электр химия комбинати, Тошкент тўқимачилик комбинатининг иккинчи навбати, бир қанча пахта тозалаш заводлари каби йирик объектлар ва бошқалар бор эди.

Абдуҷаббор Абдураҳмонов республика қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи — пахтачиликни ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Уша йилларда бу тармоқдаги тараққиёт ирригация қурилишининг жадал суръатлар билан олиб борилишига кўп даражада боғлиқ эди. Шу билан Ўзбекистон КП(б) МҚ ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ВКП(б) МҚ ва СССР Халқ Комиссарлари Советига халқ қурилиши усули билан Катта Фарғона канали қуриш таклифи билан мурожаат қилдилар. Бу таклиф маъқулланди.

1939 йил 1 августда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг чақириғи билан 160 минг колхозчи канал қурилишига чиқди. Улар фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатдилар. А. Абдураҳмонов Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг, совет, хўжалик органларининг фаолиятини Катта Фарғона канали қурилишини муддатидан аввал тугаллашга моҳирлик билан қаратди — зарур техника, қурилиш материаллари, пул маблағлари билан ўз вақтида таъминлаб турилди.

Канал қурилишидаги катта хизматлари учун А. Абдураҳмонов бошқа кўп кишилар қаторида Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Урушдан аввалги йилларда Ўзбекистонда яна бир қатор йирик ирригация ишоотлари қурилдики, булар суғориладиган ер майдонларини анча кўпайтириш имконини берди. Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети, республика ҳукумати, маҳаллий партия, совет ва хўжалик органлари қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илгор агротехникани



жорий эгнш, материал ресурсларидан оқилона фойдаланиш, колхозчилар ҳамда совхоз ишчиларининг маданий-техникавий савиясини ошириш юзасидан катта иш қилдилар. Бунинг натижасида 1941 йилда Ватан 1 миллион 657 минг тонна Ўзбекистон пахтасини олди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бошқа турларини етиштиришда ҳам салмоқли ютуқлар қўлга киртилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон мамлакатининг йирик ҳарбий аслаҳахоналаридан бирнга айланди. Бу ерга кўчириб келтирилган ва маҳаллий саноат корхоналарининг талайгина қисми заминда ўқ-дори ва қурол-яроқларнинг жуда муҳим турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу масъулиятли ишни йўлга қўйишда республика партия ташкилоти, А. Абдураҳмонов бошлиқ Ўзбекистон ССР ҳукумати катта роль ўйнайдилар. Мамлакат учун оғир бўлган бу даврда у зўр куч-ғайрат ва ишчанлик билан Халқ Комиссарлар Совети ва Халқ Комиссарликлари ходимларига, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига алоҳида талабчанлик кўрсатди, партия ва давлат интизомига риоя қилинишини пухта кузатиб борди. А. Абдураҳмонов меҳнаткашлар қаршисида мунтазам сўзга чиқиб турар, айни шу даврда улар олдида турган вазифаларни тушунтириб берарди.

Ана шу йилларда Ўзбекистонда рангли металллар, кўмир, нефть, газ қазиб чиқариш кўпайди. Маҳаллий корхоналарининг ҳам, кўчириб келтирилган корхоналарининг ҳам саноат ишлаб чиқариши ҳажми доимо кенгайиб борди. Енгил ва тўқимачилик индустрияси тез суръатлар билан ривожланди. Республиканинг турли районларида гидроэлектр станциялар қад кўтарди, булардан энг қудратлиси Фарҳод ГЭСи эди; Бекобод металлургия заводи қурилди. Саноат корхоналари учун хусусан маҳаллий миллат вакилларида ишчи кадрлар муттасил тайёрланди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта ва ғалла етиштиришни тез ошириб боришни ўзларининг ватанпарварлик бурчлари деб билдилар. Урушнинг қийин йилларида улар бу вазифани шараф билан уддаладилар.

Ўзбек халқи Улуғ Ватан уруши фронтларида қаҳрамонларча жанг қилаётган аскарларга моддий ва маънавий мадад ҳам бериб турди. Меҳнаткашлар мудофаа фондига пул, қимматли буюмлар, давлат заёмлари-облигациялар топширдилар, танк ва самолётлар ясашга маблағлар йиғдилар, фронтга жангчилар учун иссиқ кийимлар ва совғалар ортилган эшелонлар жўнатиб турдилар. 1942 йил декабрида Ғарбий фронтга борган республикамиз делегацияси составида А. Абдураҳмонов ҳам бор эди. Ўзбекистонлик вакиллар мамлакат ичкарисида ишчи ва колхозчиларнинг фидокорона меҳнат қилаётганликларини жангчиларга гашириб бердилар; бу солдат ва командирларнинг жанговар руҳини жуда кўтарди.

Республика партия ташкилоти А. Абдураҳмонов бошлиқ Ўзбекистон ҳукумати уруш йилларида ижодий ходимлар тўғрисида катта ғамхўрлик кўрсатдилар. Маълумки, Ўзбекистонга РСФСР ва Украина ССРдан 30 дан зиёд театр коллективи, эстрада ансамбллари, музика ўқув юртлари ва совет маданиятининг етти юзга яқин машҳур арбоблари кўчиб келган эди. Уларга ижодий иш учун ҳамма шароитлар яратилди. Кейинчалик улар ўзбек диёрида яшаган йилларини, ўзбек халқининг қаҳрамонона меҳнати, унинг меҳмондўстлигини зўр самимият билан эсладилар. Масалан, 1944 йил 21 декабрда машҳур рус ёзувчиси Алексей Толстой Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети Ранси А. Абдураҳмонов номига йўллаган мактубида бундай деб ёзган эди:

«Сизни ажойиб республикаингизнинг тапшанили юбилейи билан (Ўзбекистон ССРнинг 20 йиллиги билан)

табриклайман... Менинг қисқа фурсат Сизнинг диёрни-  
гизда бўлишим энг мушкул даврдаги дўстлик ҳамда  
Сизнинг ғамхўрлигингиз, эътиборингиз ва илтифотингиз  
тўғрисидаги илқ хотиралар билан мени абадий боғ-  
лади. Сизнинг юртингизда яшаб, мен танишган киши-  
лар ва ишлар қалбимга далда ва кўп миллатли Вата-  
нимизнинг ғалаба қилишига ишонч туғдирди.

Сизга ва халқингизга чин қалбимдан янги, юксак  
маданият яратишдек умумий ишда яшада ижодий му-  
ваффақиятлар, инсоний бахт-саодат тилайман».

Ўзбекистон меҳнаткашларининг барча зафарларида  
Абдужаббор Абдураҳмонов илҳомбахш меҳнатининг  
апчагина улуши бор. У Ўзбекистон ССР Халқ Комис-  
сарлари Совети Раиси лавозимида бўлиб, урушдан ке-  
йинги халқ хўжалигини тиклаш йилларида ҳам жуда  
кўп иш қилди.

1951 йилда А. Абдураҳмонов СССР совхозлар ми-  
нистрининг ўринбосари қилиб тайинланди, сўнгра у Ўз-  
бекистон ССР Госплани раиси, СССР Халқ хўжалиги  
ютуқлари виставкасидаги Ўзбекистон ССР навильони-  
нинг директори бўлиб ишлади. 1960 йилда А. Абдураҳ-  
монов СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий ало-  
қалар Давлат Комитетининг вақтли сифатида Вьетнам  
Демократик Республикасига юборилди. У ўзининг бу-  
тун билими, куч-ғайратини СССР билан ВДР ўртаси-  
даги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришига,  
совет ва Вьетнам халқлари ўртасидаги дўстликни мус-  
таҳкамлашга сарфлади.

1965 йилда А. Абдураҳмонов Ўзбекистонга қайтди.  
Республика Компартияси Марказий Комитети унинг  
қобилияти ва тажрибасини ҳисобга олиб, уни экономик-  
канинг ёш ва муҳим тармоғи — маҳаллий саноатга  
бошлиқ қилди.

1971 йилда умрининг охиригача (1975 йил октябрь)  
у Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг СССР Ми-

нистрлар Совети ҳузуридаги доимий вакили бўлиб ишлади.

Партия коммунист Абдужаббор Абдурахмоновни қарга юбормасин у ҳамиша бутун борлигини Коммунистик партияга, совет халқига хизмат қилишга бағишлади. Ниҳоятда камтарлик, принципаллик, кишиларга меҳрибонлик, юклатилган иш учун юксак масъулият сезиш каби фазилатлар унга хос эди.

А. Абдурахмонов ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашиб келди. Партиянинг XVIII съездида у ВКП(б) Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси қилиб сайланган эди, биринчи, иккинчи ва учинчи чақириқ СССР Олий Советининг депутаты бўлди, бир неча марта Ўзбекистон Компартияси МК аъзоси ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати қилиб сайланди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати А. Абдурахмоновнинг хизматларини юксак баҳолаб, уни бешта Ленин ордени, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени, I даражали Ватан уруши ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ҳамда кўпгина медаллар билан мукофотлади.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Абдужаббор Абдурахмоновни ҳурмат ва миннатдорчилик билан хотирада сақлайдилар, унинг ҳаёти партия ва халққа чексиз садоқат намунаси бўлиб хизмат қилади.



## ВАСИЛИЙ АНДРЕЕВИЧ БИЛБАС

Мамлакатимизнинг Шарқда социализм қуриш ишига кўп куч, билим ва ҳаётини бағишлаган коммунистларнинг ажойиб плеядаси орасида Ўзбекистоннинг ташиқли партияс ва давлат арбобларидан бири Василий Андреевич Билбас муҳим ўрин тугади.

В. А. Билбас 1906 йил 7 мартда Харьков губернасининг Славянск шаҳрида украин ишчиси оиласида дунёга келди. 1920 йилда ВЛКСМ сафига ўтган В. А. Билбас комсомол ҳаракатида фаол қатнашди, 1921—1923 йилларда Славянск комсомолларининг кўзга кўринган стакчларидан бири бўлиб қолди. 1923 йилда у партия органларининг тавсияси билан ер ва ўрмон ходимлари Бутун Россия ишлаб чиқариш союзининг Сергеев райони бўлими раиси қилиб тасдиқланди, у ерда 1923 йилнинг охиригача ишлади.

1924 йилда В. А. Билбас ишчилар факультетига ўқишга юборилди, кейин Украина ССР Луганск халқ маорифи институтига кирди. 1926 йилда В. А. Билбас Коммунистик партиясга аъзо бўлди. Ўқишни тамомлагач, 1927 йилда у партия органларига ишга юборилди. ВКП(б) Тула губернаси Новониколаевск район комитети агитация-пропаганда бўлимининг мудирини бўлди. Район партия комитетида ишлаш В. А. Билбасга партия ишининг асосларини, агитация-пропаганда ишининг форма ва методларини, кишилар билан ишлаш маҳоратини эгаллаш, уларнинг ишончи ва ҳурматини қозониш, партиянинг қатъиятли жангчисини бўлиш имконини берди.

ВКП(б) Тула губерна комитетининг 1929 йилда

В. А. Билбасга берган характеристнкасида таъкидлашича, у «сиёсий жиҳатдан етарли даражада саводли, матонатли, мафкуравий ва ахлоқий жиҳатдан чишиққан киши. Ишда уқувли, деҳқонларга ишнинг моҳиятини билиб, тўғри муносабатда бўлади, айти вақтда хатоларга йўл қўймайди. Агитация-пропаганда ишлари соҳасида тажрибаси бор ва бу иш билан қизиқади. Яхши ташкилотчи. Ходимлар ва ташкилотлар билан ўзаро яхши муносабатда бўлади».

1929 йилда партия В. А. Билбасни Ўрта Осиёга маҳаллий партия ташкилотларига ёрдам бериш учун юборади. Уша вақтдан бошлаб унинг бутун ҳаёти ва фаолияти Ўзбекистон ССР билан, ўзбек халқи билан мустақкам боғланади. Худди шу ерда В. А. Билбас таниқли партия ва давлат арбоби сифатида камолга етади.

В. А. Билбаснинг Ўзбекистонга келиши совет халқи ҳаётидаги муҳим воқеалар билан бир вақтга тўғри келди.

Партиянинг XV съезди қарорларига мувофиқ бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш амалга оширилди, республикани янада индустрлаштириш учун эса маданий революция вазифаларини ҳал қилиш учун кураш олиб борилаётган эди. Бундай шароитда Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг тақсмотига мувофиқ В. А. Билбас Бухоро округ партия комитети ихтисорига юборилади. Бухоро округ комитети 1929 йилда уни Когон район партия комитетига ишга юборади. Бу ерда у район партия комитети агитация-пропаганда бўлими мудири қилиб тасдиқланади, ўша йилнинг охирида эса ўзининг ташкилотчилик қобилияти, ўзига топширилган ишни яхши билиши сабабли Ўзбекистон КП(б) Бухоро округ комитети агитация-оммавий бўлими мудирининг ўринбосари қилиб тайинланади. У ана шу ишда бўлган вақтида деҳқонлар ўртасида колхоз тузумининг афзал-

ликларини тарғиб қилиш, уларга партия сиёсатини тушунтириш, ленинча кооператив планни амалга ошириш, қишлоқда социалистик ўзгаришларни амалга оширишга бутун кучлари билан халақит бераётган бой-қулоқларга, руҳонийларга қарши кураш олиб бориш, уларнинг халққа қарши сиёсатини фош қилишга ўз ҳиссасини қўшди. Буларнинг ҳаммаси социалистик қурилишда, айниқса илгари ёппасига саводсизлик, жаҳолат ҳукм сурган, омма эзилиб ётган ва ҳеч қандай ҳуқуқларга эга бўлмаган Бухоро округидаги меҳнаткашларнинг синфий онгини ва сиёсий билим доирасини кенгайтиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

1930—1935 йилларда В. А. Билбас Бухоро шаҳар партия комитети ташкилий бўлимининг мудирини, Мирзачўл шаҳрида «Колхозная правда» область газетасининг редакторини, Бехбуди район партия комитети ташкилий бўлимининг мудирини, Бешариқ МТС сиёсий бўлимининг бошлиғини бўлиб ишлар экан, Ўзбекистонда колхоз қурилишини амалга оширишга, социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини вужудга келтиришга, унинг афзалликлари ва ютуқларини пропаганда қилишга кўп меҳнат сарфлади. Мана шу даврда партия ташкилотларини гоёвий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашда, ВКП(б) XVI съезди ва Ўзбекистон КП(б) V съезди қарорларини амалга оширишда актив қатнашди. Бу қарорлар партия ташкилотларининг пролетар ядросини кучайтиришга, меҳнаткашлар оммаси билан алоқани кенгайтиришга, партия ташкилотларини синфий жиҳатдан ёт ва бузуқ элементлардан тозалашга қаратилган эди. Бу ҳол партия ташкилотлари составини соғломлаштириш имконини берди, меҳнаткашлар оммаси кўз ўнгидан партиянинг обрўсини оширди, ҳамма жойда Ленин партияси сафларига ишчилар, батраklar, камбагал-деҳқонларнинг кириб келишини кучайтирди.

1935 йилда В. А. Билбас Тошкент шаҳридаги Ленин район партия комитети ташкилот бўлимининг мудир, 1937 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссарлиги пахтачилик бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлади.

1937 йилда партия уни раҳбар партия ишига кўтарди. 1937—1939 йилларда у Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари, 1940—1941 йилларда Ўзбекистон КП(б) Фарғона область комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлади. Бу йилларда В. А. Билбас ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг форма ва методларини яхши эгаллаган, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, айниқса пахтачиликни яхши билдирган йирик ташкилотчи сифатида камол топди. Ана шу даврда мамлакатимизда социализм ғалаба қозонган бўлиб, коммунистик партия социализм ғалабаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилди, барча меҳнаткашларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини янада оширишга, ВКП(б) XVIII съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилди.

Партия XVIII съезди директиваларига мувофиқ Ўзбекистонда саноатни янада ривожлантириш мўлжалланган, Чирчиқ электрохимия комбинати, бир қатор энергетика корхоналари қурилишини тугаллаш, Фарғона, Андижон ва Сурхондарё областларида нефтни қайта ишлаш корхоналари қурилиши, Тошкент тўқимачилик комбинатининг иккинчи навбатини ва бошқа муҳим объектларни қуриб тугаллаш назарда тутилган эди. Қишлоқ хўжалик соҳасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш даражасини бутун чоралар билан ошириш, фан ютуқларидан, илгор тажрибадан кенг фойдаланиш ва шу асосда пахтачиликни, чорвачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳар томонлама ривожлантириш планлаштирилган эди.

Бу мураккаб ва масъулиятли вазифаларни муваф-



фақиятли ҳал этиш Ўзбекистон партия ташкилотидан кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш, партия, давлат ва хўжалик қурилишининг энг муҳим участкаларини истеъодли ва моҳир ташкилотчилар билан мустаҳкамлашни талаб қилар эди. 1941 йилда В. А. Билбас Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг учинчи секретари қилиб сайланди. У Улуғ Ватан урушининг даҳшатли ва оғир йилларида ҳамда халқ хўжалигини тиклаш йилларида қарийб 9 йил мобайнида Марказий Комитетнинг қишлоқ хўжалик бўйича секретари бўлиб Ўзбекистонни Қизил Армиянинг мустаҳкам орқа томонига айлантириш, фронтни озиқ-овқат билан таъминлаш, қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлигини такомиллаштириш, колхоз ва совхозларининг экономикасини мустаҳкамлаш, пахтачиликни ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларини ривожлантириш ишига кўп меҳнат сарфлади.

1949 йилда В. А. Билбас Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ, ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги курсга ўқишга юборилди. 1951 йилда ўқишни тамомлаб келгач, Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг 1951 йил февралда бўлиб ўтган VII пленумида Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг бюро аъзоси қилиб сайланди. У ўша йили июнь ойида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари қилиб тайинланди. В. А. Билбас бу лавозимда ишлаб, колхоз ва совхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш, уларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, пахтачиликни механизациялаш, қишлоқни моҳир, малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, қишлоқ партия ташкилотлари структураси ва ишнини такомиллаштиришга кўп куч сарфлади.

Республика партия ташкилоти 50-йилларда партия XIX съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1953 йил сентябрь Пленуми, Ўзбекистон Компартияси XII съез-

ди қарорларига амал қилиб, қишлоқ хўжалигини кескин юксалтириш учун курашни авж олдириб юборди. Ана шу йўлни изчиллик билан амалга ошириш натижасида жиддий муваффақиятлар қўлга киритилди. 1954 йилда Ўзбекистон колхоз ва совхозлари 1.785,3 минг тонна пахта тайёрлади ва давлатга сотди. 500 дан ортиқ қишлоқ хўжалик артели пахтадан мўл ҳосил олишга эришиб пахта тайёрлаш планларини тўла ва ошириб адо этди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1955 йилда В. А. Билбаснинг чуқур билим ва қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда катта тажрибага эга эканлигини назарда тутиб, сув хўжалигини ривожлантиришга раҳбарлик қилишнинг мустақамлаш зарурлигини ҳисобга олиб, уни Ўзбекистон ССР сув хўжалиги ва министри қилиб тасдиқлади. Бу лавозимда В. А. Билбас деярли умрининг охири кунларигача ишлаб Ўзбекистон ирригациясини ривожлантириш ишига бутун кучини бағишлади ва ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлди. Республика Олий Совети Президиуми унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвонини берди.

Василий Андреевич Билбас ижтимоий-сиёсий ҳаётда актив қатнашди, бир неча марта СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. Партия ва ҳукуматимиз В. А. Билбаснинг фаолиятига юқори баҳо бердилар. У икки марта Ленин ордени, тўрт марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат белгиси» ордени, II даражали Ватан Уруши ордени ва СССРнинг кўпгина медаллари билан мукофотланди.

В. А. Билбас қатъиятли коммунист, моҳир ташкилотчи, ўта виждонли меҳнаткаш инсон эди. Василий Андреевичнинг босиб ўтган ҳаёт йўли мамлакатимизда коммунизм қуриш ишига садоқат билан хизмат қилишнинг ёрқин намунаси.



## АМИН ЭРМАТОВИЧ НИЁЗОВ

Ўзбекистон меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлиги остида мамлакатимиздаги барча халқлар билан дўстона оилага бирлашиб, Совет ҳокимияти йилларида улкан ва шарафли йўлни босиб ўтдилар. Бу йиллар ичида ўтмишда чор Россиясининг чекка ўлкаси бўлган ҳозирги Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётнинг энг юксак чўққиларига кўтарилди. Бу галабаларимизнинг замони — социалистик ижтимоий муносабатлар яратиб берган кенг имкониятлар Коммунистик партиянинг жамият тараққиётига илмий раҳбарлик қилиши, турли миллат ва халқларга мансуб бўлган совет кишиларининг қўлни қўлга бериб, ягона мақсад йўлида фидокорона ва ижодий меҳнат қилишидадир. Мана шу улкан ютуқларга эришишимизда Коммунистик партия тарбиялаб вояга етказган, ўзининг бутун кучи ва қобилиятини социализм ва коммунизм иши тантанаси учун сафарбар қилган етук партия ва давлат арбобларининг ҳиссаси ҳам каттадир. Улар Ленин партияси олдинга сурган ғояларни рўёбга чиқаришга кенг меҳнаткашлар оммасини сафарбар қила билдилар, социализм қуриш ва уни мустаҳкамлаш йилларида кун тартибида турган барча вазифаларни бажаришга раҳбарлик қилдилар. Коммунистик партия гоялари тантанаси учун ўзининг бутун куч ва талатини сафарбар этган республикамизнинг таниқли партия ва давлат арбобларидан бири Амин Эрматович Ниёзов эди.

Амин Эрматовичнинг ажойиб ҳаёт йўли Коммунистик партия социалистик революция галабасини ҳимоя

қилиш, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, социализм қуриш ва уни ривожлантириш учун олиб борган кураши тарихи билан чамбарчас боғланиб кетган эди. У ўзининг бутун умри давомида кучи, таланти ва истеъдодини партия ва халқ ишига бағишлади, меҳнаткашлар ўртасида катта обрў ва эътиборга эга бўлди.

А. Э. Ниёзов 1903 йил октябрь ойида Фарғона область Марғилон районидаги Оқтепа қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди. Мамлакатимизда Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилган дастлабки даврлардан бошлабоқ А. Э. Ниёзовнинг ҳаёти ва фаолияти революция ғалабаларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш учун олиб борилаётган кенг кўламдаги улкан кураш билан боғланиб кетди. У 1919 йили комсомол сафига кириб, ўзи сингари кўпгина ёшларни социализм учун онгли курашчилар сафига торттиш соҳасида ҳам катта ишлар қилди. Уша даврларда бутун мамлакатимиздаги сингари Фарғона водийсида ҳам озиқ-овқат масаласи кун тартибида турган энг муҳим ва масъулиятли вазифалардан бири бўлиб қолган эди. Барча ички ва ташқи контрреволюционер кучлар ҳамма ерда озиқ-овқат танқислигини юзага келтириш ва шу йўл билан ёш Советлар республикасини қийин аҳволга солиб қўйишга уринар эдилар. Коммунистик партия ана шу йилларда ўзининг энг актив кучларини озиқ-овқат фронтига ташлади. Саноат корхоналаридаги ишчиларни, ёш Қизил Армия кучларини, меҳнаткаш деҳқонларни озиқ-овқат билан таъминлаш революция ғалабаларини сақлаб қолиш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири эди. Ана шу йилларда А. Э. Ниёзов Фарғона область озиқ-овқат комитетида иш олиб борди. Ҳамма ер босмачиларнинг қонхўр бандалари билан тўлиб-тошган огир даврларда у кўпчиллилардан ташкил топган кичик отряд билан бирга қишлоқларга чиқар ва озиқ-овқат запаслари

гўплар эди. Ана шу даврда у оч қолганларга ёрдам кўрсатувчи комиссияга раислик ҳам қилди.

А. Э. Ниёзов қўлида қурол билан меҳнаткаш омманнинг бошига чексиз кулфатлар солаётган босмачиларга қарши курашда ҳам иштирок этди. У 1920 йилда ЧўН ҳарбий дружинасига кириб, босмачилар билан бўлган очиқ жангларда ҳам иштирок этди. Шу йили у Фарғона шаҳар милицияси бошлигининг ўринбосари лавозимда ҳам ишлади.

Гражданлар уруши тугагач, мамлакатимиз олдида ўтмишнинг барча қолдиқларига хотима бериш, янги социалистик жамиятнинг пойдеворини яратиш сингари улкан ва масъулиятли вазифа турар эди. Бу вазифани бажаришда ғоявий ва сиёсий жиҳатдан етук бўлган, омманнинг ҳаракатига раҳбарлик қилиш қобилиятига эга бўлган раҳбар ходимларни тарбиялаш ҳам лозим эди. Ана шу йилларда Коммунистик партия маҳаллий миқлат вакилларидан социализм учун курашга етакчилик қила оладиган раҳбар партия ва совет ходимларини тарбиялашга катта эътибор берди. Ана шу мақсад йўлида А. Э. Ниёзов кўплар қатори область партия совет мактабига ўқинишга юборилди. 1925 йилда у Коммунистик партия сафига кирди. Мана шу йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган, катта иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеалардан бири — ер-сув ислоҳоти эди. Бу тadbир қишлоқ хўжалигида ҳукмронлик қилаётган феодал муносабатларнинг қолдиқларига узил-кесил хотима бериши, кенг деҳқонлар оммасини социализмга бориши учун янги имкониятлар очини лозим эди. 1925 йилда Ниёзов ер-сув ислоҳоти ўтказувчи комиссиянинг секретари қилиб сайланди.

Ер-сув ислоҳоти ҳамма ердаги сингари Фарғона водийсида ҳам кескин синфий кураш вазиятида ўтди. Йирик ер эгалари ўз ҳукмронлиги ва имтиёзларини сақлаб қолиш учун ҳар қандай жирканч ишларни амал-

га оширишдан ҳам қайтмайдилар. Улар деҳқонлар омма-сининг онгига таъсир этиб, уларни Совет ҳоқимияти ўтказаетган бу улкан тadbирга қарши ҳам қўймоқчи бўлдилар. А. Э. Ниёзов сингари минглаб коммунистлар олиб бораётган кенг ташвиқот ва тарғибот ишлари эксплуататор синфларининг бу ниятларини ҳам пучга чиқарди. 1926 йилда ер-сув ҳслохотида актив иштирок этганлиги учун А. Э. Ниёзов фаҳрий ёрлиқ билан мукофотланди.

Социализм қуришнинг энг муҳим шартларидан бири — индустриялаштириш, яъни кенг тармоқли замонавий саноатни яратиш, ишчилар синфини шакллантириш эди. Утмишда чор Россиясининг хомашё базаси бўлган чекка ўлкалар учун индустриялаштиришнинг аҳамияти бениҳоя катта эди. Бу йилларда Ўзбекистонда ҳам кўплаб саноат корхоналари юзага келди, маҳаллий миллат вакиллари орасидан ишчилар синфи шаклланди. А. Э. Ниёзов ани шу йилларда «Текстиль-строй» бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлади ва Фаргона тўқимачилик комбинатининг қурилишига ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Саноатни ривожлантириш партия кадрларидан юксак ташкилотчилик қобилиятдан ташқари, чуқур билими ҳам талаб қилар эди. Шу сабабли Коммунистик партия саноат тараққиёти талаблари асоснда фан ва техника сирларини чуқур эгаллаган малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам катта эътибор берди. А. Э. Ниёзов партия йўлланмаси билан 1930 йилда Москвага — саноат академиясига ўқишга юборилди. Академияни тугатгач, республикаميزдаги саноат қурилишининг энг йирик марказларидан бири бўлган Чирчиқ электрохимия комбинати қурилишига ишга юборилди ва у ерда оддий прораб лавозимида ишлади. Қурилиш майдонларидаги амалий иш жараёнида унинг билими, ташкилотчилик қобилияти яна ҳам кенгроқ формада намоён бўлди. Шундан сўнг у участка қурилиши бошлиғи, қури-

лиш бош инженери, қурилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ва бошқа лавозимларда ишлади. «Чирчикстрой»да олти йил давомида у ғоявий-сиёсий чиқиш жиҳатидан катта йўлини босиб ўтди ва республикамиздаги саноат қурилишининг таниқли раҳбарларидан бирига айланди.

1940 йилда А. Э. Ниёзов партия ишига ўтди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қурилиш бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади. Шундан сўнг эса у республика Молия халқ комиссари қилиб сайланди. Улуғ Ватан урушининг мураккаб ва машаққатли йилларида у мана шу масъулиятли лавозимда ишлади. Улуғ Ватан урушининг биринчи кунларидан бошлаб республика партия ташкилоти бутун ишлаб чиқаришни ҳарбий изга тушириш, фашистлар босиб олган ерлардан кўчириб келтирилган саноат корхоналарини жойлаштириш, республика халқ хўжалигининг барча соҳаларини уруш даври эҳтиёжлари асосида ривожлантиришга катта эътибор берди. Бу вазифаларнинг ҳаммаси Молия халқ комиссарлиги олдига ҳам катта ва масъулиятли вазифаларни қўяр эди. А. Э. Ниёзов мана шу йилларда ўз ишига ижодий ва оқилона ёндашиб, республика партия ташкилоти белгилаб берган барча вазифаларни бажаришга бутун кучи ва виждон билан ҳаракат қилди.

Улуғ Ватан уруши тугагач, А. Э. Ниёзов республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари лавозимига кўтарилди. Бу даврларда узоқ ва машаққатли давом этган уруш туфайли туғилган қийинчиликларга хотима бериш, халқ хўжалигининг ҳар томонлама ривожланишига имконият яратиш лозим эди.

1947 йилда А. Э. Ниёзов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланди. У республика халқ хўжалиғи ривожланишининг имкониятлари, юксалиш истиқболлари билан чуқур таниш бўлганлиги туфайли кун тартибда турган кўпгина вази-

фаларни бажаришга катта ҳисса қўшди. У Каттақўрғон, Чимқўрғон сув омборлари қурилиши, Марказий Фарғона ва Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ишининг ташаббускорларидан бири эди. Самарқанд, Бухоро, Хоразм областларида катта ирригация-мелиорация ишларини амалга оширишда ҳам А. Э. Ниёзовнинг ҳиссаси катта бўлди. 1950 йилда А. Э. Ниёзов Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. Бу йиллар ичида республикамизда сапоат қурилишининг кенг қўламда амалга ошириши, қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасида катта ишлар қилинди. Буларнинг ҳаммасида ҳам А. Э. Ниёзовнинг маълум ҳиссаси бор.

А. Э. Ниёзов Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XI—XII съездларида Марказий Комитетининг ҳисобот докладини қилди. А. Э. Ниёзовнинг докладларида, ёзган асарлари ва мақолаларида Ўзбекистонда ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши, мамлакатимиз халқлари дўстлигини мустаҳкамлаш, кишиларни интернационализм руҳида тарбиялаш масалаларига чуқур эътибор берилган. А. Э. Ниёзов рус халқининг ўзбек халқи тақдирини ўйнаган ролига ҳам ниҳоятда катта баҳо берди. У ўзининг «Улуғ рус халқи ўзбек халқининг катта оғаси ва дўсти» мақоласида рус халқининг ёрдами билан ўтмишдан мерос бўлиб қолган қолоқлик бартараф этилганлигини, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида катта ютуқлар қўлга киритилганлигини чуқур кўрсатиб бера олган. У ўзининг юқоридаги мақоласида шундай деб ёзган эди: «Кўпмиллатли Совет давлатида барча миллатлар ва халқларнинг рус халқи бошчилигидаги дўстлиги мамлакатимиз кучи ва қудратининг асосий заминларидан биридир. Мамлакатимиздаги барча миллатлар рус халқини ўзининг халоскори, катта оғаси ва содиқ дўсти деб билади». Ниёзовнинг иутқ-



лари ва мақолаларида Ўзбекистонда социалистик саноатни, қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни кенг ривожлантиришнинг кўпгина муҳим масалалари чуқур ижодий анализ қилиб берилган эди.

Бу мураккаб йилларда иқтисодий тараққиёт масалаларига катта эътибор бериш идеология иши соҳасида маълум камчиликлар содир бўлишига олиб келди. Бу камчиликлар олимлар, маданият арбоблари фаолиятини, халқ оғзаки ижодининг айрим намуналарини нотўғри баҳолашда намоён бўлди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси элликничи йилларнинг ўрталарида идеология ишини янада яхшилашга қаратилган катта чора ва тадбирларни кўрди. Идеология иши ҳар томонлама ривожлантирилиб, давр талаблари билан боғлиқ равишда олиб борилди. Социалистик қонунчиликнинг ривожлантирилиши, меҳнаткашлар оmmasини давлатни бошқаришга кенг жалб қилиш асосида социалистик демократиянинг мустақамланиши, иттифоқчи республикалар ҳуқуқларининг кенгайиши, идеология иши ҳам ҳар томонлама ривожланишига имкон яратиб берди. Партия идеологиясининг ривожланишида айниқса КПСС XX съездининг роли катта бўлди. Съезд идеология ишининг энг муҳим вазифаси социалистик қурилиш практикаси билан мустақам боғланиш эканлигини кўрсатиб берди. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети КПСС XX съезди қарорларига асосланиб, идеология ишини янада юксалтириш ва бу соҳада мавжуд бўлган камчиликларга хотима бериш учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни кўрди.

1956—60 йиллар давомида А. Э. Ниёзов Ўзбекистон ССР коммунал хўжалиги министри лавозимида ишлади.

Ўз ҳаётининг ҳамма даврларида партия қандай лавозимга тайинланмасин, А. Э. Ниёзов партия ва халқнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилди. Унинг

меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги, партиявий талабчанлиги ва ғоявий етуклиги камтарлик, одамларга бўлган ғамхўрлик сингари ажойиб инсоний фазилатлар билан боғланган эди.

Ниёзов бир неча мартаба Ўзбекистон КП Марказий Комитети аъзоси, КПСС Марказий Комитети аъзоси қилиб сайланди. У СССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати ҳам бўлди. Партия ва Совет ҳукумати А. Э. Ниёзовнинг совет халқи олдидаги катта хизматларини муносиб тақдирлади. У икки марта Ленин ордени, уч марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, икки марта Қизил Юлдуз ордени ва кўнлаб медаллар билан мукофотланган эди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи» деган фахрий ном ҳам берилди. Амни Эрматовичнинг номи ва шарафли ҳаёт йўли республика меҳнаткашларининг қалбида ҳар доим сақланиб қолади. Унинг бутун умри, кучи ва таланти, ақл ва идроки партия ва халқнинг юксак режаларини бажариш учун курашга бағишланган эди.



## МАНСУР ЗИЁЕВИЧ МИРЗААҲМЕДОВ

М. З. Мирзааҳмедовнинг ёрқин умр йўли республика-мизда социализм заминини барпо этиш учун олиб борилган курашлар тарихи билан чамбарчас боғланган.

М. З. Мирзааҳмедов 1909 йил 19 январда Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида оддий ҳунарманд оиласида дунёга келди. У 1918 йилда эски мактабга ўқишга кирди. 1920 йилда эса Туркистон шаҳрида очилган М. И. Калинин номи янги мактабга ўқишга қатнаш бошлади. 1926 йилда мактабни тамомлади ва комсомол сафига қабул қилинди. Шу йил у Тошкент шаҳридаги «Средазхлоптрест»га қарашли фабрика- завод билим юртига ўқишга келди.

Уша йилларда республика-мизда ана шундай билим юртлари кўп-лаб ташкил этилиб, уларда тез суръатлар билан ривожланиб бораётган социалистик саноат учун ниҳоятда зарур бўлган ишчи кадрлар тайёрлана-р эди. М. З. Мирзааҳмедов ўқишнинг биринчи даврларидан бошлаб-қ касбини чуқур эгаллаш мақсадида катта куч ва ғайрат кўрсатиб билим ола бошлади. Унинг билим-га интилиши билан бирга, катта ташкилотчилик қобилиятлари ҳам тезда намоён бўла бошлади. 1928 йил-да у билим юрти комсомол ташкилотининг секретари, район комсомол комитетининг аъзоси қилиб сайланди. 1929 йилда партия аъзолигига қабул қилинди.

У ўқишни тамомлагач, билим юртида слесарлик касби бўйича инструктор ва жамиятшунослик фани ўқитувчиси сифатида олиб қолинди. Етарли билим ва катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган М. З. Мирзааҳмедов ўзининг меҳнатсеварлиги ва та-

шаббускорлиги туфайли тез кунда турли раҳбарлик лавозимларига кўтарилди. 1930 йилда билим юрти директори ўринбосари, 1934 йилда эса Тошкент шаҳар Сталин райони партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. Ана шу йилларда унинг таланти, қобилияти яна ҳам кўпроқ ва кенгроқ намоён бўла борди.

1940 йил февраль ойида республикамизда ёш, талантли, обрўли раҳбар ходимлардан бири сифатида танилган М. З. Мирзааҳмедов Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари қилиб сайланди.

1941 йил июнь ойида фашистлар Германияси Ватанимизга қарши ҳиёнаткорона уруш бошлади. Бу оғир йилларда Ўзбекистон партия ташкилоти олдида мураккаб вазифалар турар эди. Бутун саноатни ҳарбий изга кўчириш, марказий районлардан кўчириб келтирилаётган фабрика ва заводларни жойлаштириш, ишга тушириш, ишчи кучи билан таъминлаш зарур эди. 1941 йил январь ойида М. З. Мирзааҳмедов Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг саноат бўйича секретари қилиб сайланган эди.

Республика партия ва совет ташкилотлари оғир шароитларда олиб борган катта ташкилий иш замишида 1941 йил охирига келиб Тошкент шаҳридаги 137 та саноат корхонасидан 63 таси фронт учун зарур бўлган қурол-аслаҳалар, ўқ-дорилар тайёрлаб бера бошлади.

Ана шу йилларда Ўзбекистонга жуда кўп завод ва фабрика кўчириб келтирилган эди. Республикамизда саноатнинг янги тармоқлари ҳам яратилди.

Бу улкан ишларни амалга оширишда М. З. Мирзааҳмедовнинг ҳиссаси катта бўлди.

1943 йилда М. З. Мирзааҳмедов Ўзбекистон КП Марказий Комитети кадрлар бўйича секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

1949 йили Москвадаги Олий партия мактабининг сиртдан тамомлагани М. З. Мирзааҳмедов Андижон область партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. Андижон области республикамиздаги энг йirik пахтакор областлардан бири эди.

1949—1953 йиллар давомида Андижон область партия ташкилоти катта қийинчиликларни бартараф этиб, саноат, қишлоқ хўжалиги ва социалистик маданиятни юксалтириш борасида сезиларли ютуқларни қўлга киритди.

1956 йили М. З. Мирзааҳмедов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзоси қилиб сайланди ва республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди. Бу даврларда ҳам у катта ғайрат ва ташаббускорлик билан ишлаб, КПСС XX съезди, Ўзбекистон Коммунистик партияси XI, XII, XIII съездлари белгилаб берган улкан режаларини бажаришга катта ҳисса қўшди.

У 1957 йил апрель ойида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси лавозимига тайинланди. 1959 йил апрель ойидан бошлаб республикамизда турли раҳбарлик лавозимларида ишлади.

1961—1966 йиллар давомида республика партия ташкилоти КПСС XXI, XXII, XXIII съездлари, Ўзбекистон Коммунистик партияси XIV, XV, XVI, XVII съездлари қарорларини амалга ошириб, ривожланган социалистик жамият асосларини мустаҳкамлаш борасида улкан ишларни амалга оширди. Шу йиллар ичида ижтимоий ва маданий тараққиётимизнинг ажралмас таркибий қисми бўлган коммунал хўжалик ишларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилди. Шу йилларда республика коммунал хўжалик министри лавозимида ишлагани М. З. Мирзааҳмедов аҳолига коммунал хизмати кўрсатишни яхшилаш борасида катта ишларни амалга оширди.

1966 йили М. З. Мирзааҳмедов республика Ми-


инстрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинланди ва бу лавозимда умрининг охирига қадар ишлади. М. З. Мирзааҳмедов катта партиявий ташкилий иш олиб бориши билан бир қаторда Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти масаласи билан боғлиқ бўлган қатор мақолалар ва асарлар ҳам ёзди. Унинг 1971 йилда нашр қилинган «Ўзбекистонни газлаштиришнинг йўллари» номли асарида қатор амалий масалаларни ҳал қилиш йўллари кўрсатиб берилган.

Буларнинг ҳаммаси ажойиб инсон, ғоявий етук, меҳнатсевар ва ташаббускор коммунист, ўзининг ҳалол меҳнати билан коммунистлар ўртасида, барча меҳнаткашлар орасида катта ҳурмат, обрў-эътибор орттирган Мансур Зиёевич Мирзааҳмедов босиб ўтган шарафли ҳаёт йўлининг ёрқин саҳифаларидир.

У уч марта Ленин ордени, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, биринчи даражали Ватан уруши ордени, кўплаб медаллар билан мукофотланди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети М. З. Мирзааҳмедовнинг партия ва совет халқи олдидаги юксак хизматларини ҳисобга олиб унинг номини абадийлаштириш ҳақида қарор қабул қилди. Андижон область Комсомолобод районидаги йирик совхозлардан бирига М. З. Мирзааҳмедовнинг номи берилди. Тошкент шаҳридаги янги кўчалардан бири, ўрта махсус ўқув юртларидан бири ҳам унинг номи билан аталади.

Мансур Зиёевич Мирзааҳмедовнинг номи, қилган улкан ишлари республикадаги социалистик ва коммунистик қурилиш тарихининг ёрқин саҳифаси бўлиб қолди.



## ИБРОҲИМ МҶМИНОВ

Ҳаётда шундай ҳодиса рўй берадими, одам ҳаётдан кўз юмиши билан орадан йиллар ўтгач унинг образи, қилган ишлари, шахсий ҳислатлари ҳақидаги тасаввурлар кишиларнинг хотирасида тобора хиралаша боради. Айрим кишиларнинг номи унутилиб ҳам кетади. Лекин халқ бел болаган ишга садоқат билан хизмат қилган, бутун куч ва ижодини жамият камолоти, меҳнаткаш омманинг бахти ва саодати учун курашга бағишлаган, инсон деган улуғ номни ўз ҳаётининг ҳар бир дақиқасида шараф билан оқлаб юрган кишиларнинг номи тарих саҳифаларидан ҳам, кишиларнинг қалбида ҳам асло ўчмайди.

Тараққиёт қанчалик илгариллашиб кетмасин уларнинг қилган ишлари, айтган фикрлари, забардаст илмий кашфиётлари кишиларга ижтимоий ҳаёт кун тартибига қўйган вазифаларни бажаришга ёрдамлашади, ёшлар улардан ибрат оладилар, илҳомланадилар. Бу — инсон учун иккинчи ҳаётдир, ватанга, элга, партияга қилган хизматлари эвазига миннатдор халқ тақдим этган буюк мукофотдир.

Академик Иброҳим Мўминов ана шундай кишилардан эди.

Академик Иброҳим Мўминов ҳақиқий коммунист, инчил интернационалист, гуманист, ажойиб инсоний фахрлатларнинг соҳиб эди.

Иброҳим Мўминов биринчилар қаторида ниҳоятда мураккаб ва оғир шароитларда Ўзбекистонда социалистик маданият шаклланиши, фан ривожланиши, меҳнаткаш омманинг барча маънавий бўлаклари камол

топиши учун биринчи бўлиб пойдевор барпо этган кишилардан эди. Ўзбекистондагина эмас, балки Ўрта Осиё республикаларида марксча-ленинча таълимот кенг тарқалишида, эскилик сарқитлари бартараф этилиши ва янги илмий дунёқараш ижтимоий онгининг негизига айланишида ҳам муҳтарам Иброҳим Мўминовнинг хизматлари каттадир. Академик Иброҳим Мўминов фанмизнинг чинакам жонкуяри, моҳир ташкилотчиси, ёшларнинг ғамхўр ва меҳрибон устози, файласуфларимизнинг танилган отахони эди.

Иброҳим Мўминовнинг бу ажойиб хислатлари у забардаст олим бўлиб етишган даврдагина эмас, балки ўсиб, вояга етиб камол топган мураккаб ва шарафли ҳаёт йўлининг ҳар бир даврида яққол намоён бўлди.

Иброҳим Мўминов Бухоронинг Тезгузар қишлоғида 1908 йил октябрь ойида туғилди. У ёшлик чоғиданоқ амир, бойлар ва руҳонийларнинг меҳнаткаш омма бошига қанчалик катта кулфатлар солганини ўз кўзи билан кўрди. Синфий ва миллий зулмнинг энг даҳшатли формаларига қарши норозилик унда ёшлик чоғлариданоқ шаклланган эди.

1920 йил Халқ революцияси ғалабаси натижасида амирлик тузуми емирилиб меҳнаткаш омма Коммунистик партия раҳбарлиги остида, Советлар Россияси, шахсан В. И. Ленин кўрсатган катта ёрдамга таяниб мамлакатда ўрта асрчилик томирларини емириш, демократик ўзгаришлар амалга оширишга киришди. Бухоро Халқ Совет республикасида амалга оширилган воқеалар фақат маҳаллий аҳамиятагина эга бўлмай, балки бутун шарқда революцион воқеалар тезлашишига катта таъсир кўрсата оладиган ҳодиса эди. Ана шундай мураккаб йилларда, яъни 1922 йили И. Мўминов комсомол сафига кирди. Ҳозир бу нарсга кўпинча оддий бир ҳодиса деб қараймиз. Лекин ўша вақтларнинг шароитини, бойлар совет халқ республикасига нисбатан уюштирган иғволарини, босмачиларнинг



қутурган галалари ҳар бир коммунистдан, комсомол аъзосидан даҳшатли ўч олишга ҳаракат қилганлигини, руҳонийларнинг прогрессив фикрловчи кишилар устида тарқатган иғволарини ҳисобга олсак, бу жасорат эканини кўрамиз. Ҳа! Бу ҳақиқатдан ҳам катта жасорат эди!

Коммунистик партия маданий революцияни амалга ошириш социализм қуришнинг энг асосий шартларидан бири эканини ҳисобга олиб революция ғалабасининг дастлабки кунларидан бошлабоқ халқни қоронгулик, саводсизлик, зулмат дунёсидан олиб чиқиш учун барча чора ва тадбирларни кўрди. Бу улкан ва шарафли вазифани бажариш учун маҳаллий миллатлар орасидан етишиб чиққан идеологик курашнинг илғор сафларида бораётган жонкуяр фидойилар керак эди. Уларни янги маданият учун онгли курашга жалб этиш, илмий, ғоявий-сиёсий қарашларини шакллантириш лозим эди. И. Мўминов 1922—1927 йилларда бошланғич мактабда, маориф институтида ўқиб юриб ўқитувчилик қилди, халқ орасига билим, янги маданият зиёларини сочишда бевосита иштирок этди. Уша йиллардаёқ маҳаллий матбуотда И. Мўминовнинг мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеаларга бағишланган дастлабки кичик мақолалари эълон қилинди. Бу мақолалар кичик, мавзуи ҳам тор бўлишига қарамай ўша давр учун катта аҳамиятга эга эди. Содда тил билан ёзилган мақолаларда Коммунистик партия амалга ошираётган тадбирлар халқ оmmasига тушунтирилар эди.

И. Мўминов 1931 йилда Самарқанд педагогика академиясини аъло баҳолар билан битиргач, шу ўқув юртининг ўзида марксча-ленинча философиядан дарс бера бошлади. Шу даврдан бошлаб унинг фаолияти Ўзбекистонда фан ва илмий ўқув юртларини ривожлантириш билан боғланиб кетди. И. Мўминов ёшларнинг меҳрибон тарбиячисигина эмас, балки республикамиз шаҳарларида, олий ўқув юртлари, фан, маданият ўчоқ-

лари барпо этишнинг моҳир иштирокчиси ҳам бўлиб танилди. У олий ўқув юртлари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратишда, ўқув-тарбия ишлари методи-касини яратишда ҳам катта хизматлар қилди.

И. Мўминов Ўзбекистон республикаси фани маркази бўлган Фанлар Академиясини ташкил этишда ҳам фаол иштирок этди. У 1943 йилдаёқ биринчилар қатори республика Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси қилиб сайланди. 20 йилдан ортиқ муддат ичида академия вице-президенти лавозимида ишлади. Ана шу даврларда И. Мўминовнинг талантли ташкилотчилик қобилияти, фаннинг жонкуяри эканлиги янада яққол намоён бўлди. У республикамизда барча ижтимоий фанларнинг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшди. У етук файласуф бўлишига қарамай ижтимоий фанларнинг барча соҳалари бўйича ҳам фундаментал билимга эга бўлган киши эди. Тарихчими, адабиётшуноси, шарқшуноси, сиёсий-иқтисодчи, партия тарихи бўйича мутахассисми, ким бўлмасин отахон устоз олдига маслаҳат учун бориб, кутганидан ҳам кўпроқ ва чуқурроқ ёрдам олар эди. Шу сабабли фақат файласуфларгина эмас, балки барча ижтимоий фанлар мутахассиси бўлган йирик олимлар И. Мўминовни тўла ҳақли равишда ўз устози деб биладилар.

И. Мўминов кўп йиллар давомида республика «Билим» жамияти правлениеси раиси лавозимида самарали ишлади, фан ютуқлари, ижтимоий-сиёсий билимларни меҳнаткашлар орасида ёйишда улкан ҳисса қўшди. Ўзи ҳам ишчилар, колхозчилар, меҳнаткаш зиёлилар билан тез-тез учрашиб турар, улар орасида мазмундор, чуқур лекциялар ўқир, суҳбатлар ўтказар эди. И. Мўминов республикамизда биринчи мартаба ўзбек совет энциклопедияси тайёрлаш ва нашр этишда ҳам ниҳоятда катта ишлар қилди.

Академик И. Мўминовнинг республикамизда социализм ва коммунизм қурилиши тарихи билан чамбарчас

боғлиқ бўлган шарафли ҳаёт йўли, илмий ва ташкилотчилик фаолияти ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин мамлакатимизда марксча-ленинча философия фани ривожланишига, илмий ва ғоявий жиҳатдан етук бўлган малакали мутахассисларни тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси ҳақида бир-икки оғиз сўз айтмоқ лозим. Ҳа, фақат бир-икки оғиз! Чунки И. Мўминовнинг бу соҳада қилган ишларини оддий тасвирлаб ёки санаб бериш учун ҳам юзлаб саҳифалар ёзиш камлик қилади.

И. Мўминов йирик файласуф олимгина эмас, балки тўла ҳақли равишда республикамизда марксча-ленинча фалсафа фани ривожланишига асос солган кишилардан бири, файласуф кадрларни тарбиялаш ишига ҳеч ким қилмаган даражада катта ҳисса қўшган, фанимиздаги қатор назарий йўналишларни бошлаб берган, уларга раҳбарлик қилган олимдир.

И. Мўминовнинг марксча-ленинча философия, философия тарихига онд бўлган дастлабки йирик асарлари 30-йилларнинг бошларидаёқ нашр этила бошлади. Уша даврга нисбатан олганимизда бу асарлар маданий-ғоявий ҳаётимиздаги муҳим воқеа эди. Коммунистик партия инсоният тарихида биринчи маротаба социализм ғалабасини таъминлаш учун кураш олиб бораётган даврда меҳнаткаш омманинг ғоявий-сиёсий етуклигини ва активлигининг ўсишига, ижтимоий фанлар марксча-ленинча методология асосида юксалишига хизмат қиладиган етук асарлар яратиш жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан эди. Уша мураккаб даврларда ижтимоий фанлар соҳасида айрим методологик, назарий камчиликлар ҳам учраб турарди. Лекин И. Мўминовнинг дастлабки асарлариёқ аниқ, содда, пишиқ бўлиб, ана шундай камчиликлардан ҳоли эди.

«Диалектик материализм ривожланишининг ленинча даври» номли асар ана шулар жумласидандир. Бу

асар В. И. Ленин яратган буюк ғоявий-назарий меросни ўрганиш борасида республикамизда яратилган биринчи илмий-тадқиқот ишлардан эди. Шу йиллар ичида унинг «Революцион демократ Чернишевский материализми», «Буюк материалист», «Алишер Навоий — буюк маърифатпарвар» ва бошқа асарлари ҳам нашр этилди. Булар И. Мўминов бизга қолдирган кенг, илмий етук ва мазмунан чуқур илмий-назарий мероснинг илк дурдоналари эди.

1940 йили И. Мўминов Коммунистик партия сафига кирди, то умрининг охирига дақиқаларигача партия бошлаб бораётган буюк ишга садоқат ва ҳалол виждон билан хизмат қилди.

И. Мўминовнинг асарлари марксча-ленинча философия, философия тарихининг жуда кўп фундаментал масалаларини ўз ичига олади. У киши философиянинг қайси масаласи юзасидан фикр юритиб асар ёзмасин, барчанинг диққатини ўзига тортадиган етук илмий-тадқиқот юзага келар эди.

Иброҳим Мўминов фан соҳасидаги қатор илмий йўналишларни бошловчиси, бу соҳада жаҳон аҳамиятига эга бўлган илмий-тадқиқотларнинг соҳиби бўлиб қолди. Бу борада биринчи навбатда И. Мўминовнинг Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикри тарихи юзасидан бўлган илмий ишлари устида тўхтамоқ лозим. Албатта, ўтмишда ҳам Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикр тарихини ўрганиш борасида катта ишлар қилинган. Лекин бу ишлар фан тарихига, умуман жамият тараққиёти тарихига илмий ёндашиш ва уни объектив ёритишга замин бўла оладиган марксча-ленинча методологияга асосланмаган эди. И. Мўминов бу масалага марксча-ленинча методология асосида ёндашди, ҳар бир мутафаккирнинг дунёқарашини ўша даврда рўй берган ижтимоий-сиёсий, синфий курашлар гирдоби билан боғлаб ёритиб берди. Жамият тараққиёти тарихини ёритишга илмий ёндашиш ҳар бир

даврдаги ижтимоий-фалсафий фикрларнинг мазмун ва моҳиятини объектив баҳолашга имкон яратиб берди. Бу ишлар фанмиз тараққиёти учун бениҳоя катта аҳамиятга эга эди.

И. Мўминов Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикри тарихининг барча давлари юзасидан қалам тебратган бўлса ҳам, Мирза Абдулқодир Бедил дунёқараши юзасидан олиб борган илмий ишлари устида алоҳида тўхтаб ўтмай бўлмайди. Бедил бутун Шарқ маданияти тарихида катта ўрин олган ёрқин ва мураккаб шахсдир. И. Мўминов Бедил дунёқарашини шу қадар чуқур анализ қилиб бердики, бу асарларни ўқиган ҳар бир киши ундаги чуқур ва теран фикрларнинг мафтуни бўлмай иложи йўқ. Домла кўп Шарқ тилларини билар, қўлёзмалар устида мустақил иш олиб борар, буларнинг ҳаммаси у кишининг қаламига мансуб бўлган асарларга алоҳида куч ва мазмун бахш этар эди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида барча Ўрта Осиё халқлари, жумладан, Ўзбекистон халқлари ижтимоий-фалсафий қарашлари ривожланишида катта, мураккаб силжишлар содир бўлди. Булар мустамлакачилик зулми, феодалларнинг шафқатсизлиги кучайиши, меҳнаткаш омма икки ёқлама зулм остида эзилиши, рус маданияти, Россия пролетариати революцион ғояларининг Ўзбекистонга тобора кенг кўламда кириб келиши билан боғланган эди. И. Мўминовнинг 50-йиллардаги ижодий изланишларида бу муҳим ва мураккаб масалани ўрганиш катта ўрин олди. Унинг XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўзбекистон халқлари ижтимоий-фалсафий фикри тараққиётига бағишланган асарлари совет фани тараққиётига қўшилган бебаҳо дурдоналардан бири бўлиб қолди.

И. Мўминов Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилишининг прогрессив аҳамиятга эга эканини атрофлича далиллар берган, бу ҳол ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққи-

ётида қандай акс этганини кўрсата олган олимдир. И. Мўминов ўтмишнинг маданий меросини ўрганишни партиямиз кун тартибига амалий вазифалар билан ҳам боғлашга ҳаракат қилар эди. Жумладан у, Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикри тарихини ўрганишни ёшларни интернационализм руҳида тарбиялашнинг муҳим бир шarti деб қаради. 1965 йилда домла шундай деган эдилар: «Ўтмиш маданиятини ўрганиш Ўрта Осиё халқларининг дўстлигини, улар қўлни-қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб ички ҳукмдорларга, ажнабий босқинчиларга қарши курашганини, табиатни ўзлаштириб қумли чўлларни экинзорларга айлантирганини кўрсатади. Ўтмиш тарихига бағишланган ҳар бир асар ҳам халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоғи зарур». Ўтмиш маданиятини ёритиш борасидаги марксизм-ленинизмга зид бўлган, миллий эгоизм билан боғланган фактларни кўз олдимизга келтирар эканмиз, И. Мўминовнинг қанчалик ватанпарвар, етук интернационалист, ҳаётимиздаги ҳар бир ҳодисадан халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган восита қидирган инсон эканлини яна ҳам тўлароқ тасаввур қиламиз.

Ҳа! И. Мўминов ҳар қандай миллий махдудликлардан, миллий чекланишлардан устун турган, уларга нафрат билан қараб келган киши эди.

И. Мўминов марксча-ленинча диалектика устида ҳам катта илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. Унинг 1941 йили ҳимоя қилинган, Гегель диалектикасининг рационал мағизини анализ қилишга бағишланган диссертацияси бу мураккаб масалани ўрганиш соҳасидаги илк асарлардан бири бўлиб қолди. Марксча-ленинча диалектикани чуқур билиш — ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихини ёритишга хизмат қилган назарий заминлардан бири эди. Марксча-ленинча диалектиканинг қатор масалалари И. Мўминов раҳбарлигида яратилган

илмий асарларда, дарсликларда, мақолалар тўпламида чуқур ёритиб берилди.

И. Мўминов В. И. Ленин томонидан марксизм таълимоти ижодий ривожлантириш соҳасида ҳам катта ишлар қилди. Унинг бу борадаги чуқур ва мустақил хулосалари «Ленин фалсафий меросини ўрганиш бўйича лавҳалар» номли асарида яққол намоён бўлди. Бу асарда, бир томондан, В. И. Ленин томонидан марксизм таълимотига қўшилган буюк ҳисса очилса, иккинчи томондан, ҳозирги давримизнинг қатор актуал масалалари ленинизм таълимоти асосида чуқур анализ қилиб берилган эди. Умуман ҳар бир билимли кишида олимлик одамийлик билан бирга бўлмоғи зарур. Олимлик — кенг ва чуқур билимларнинг соҳиби бўлишдир. Одамийлик эса ажойиб инсоний фазилатларга эга бўлиш, ўз билимларидан бошқаларни ҳам баҳраманд қилишга оғли, виждонан интилишдир. И. Мўминовда теран билимдонлик ўз билимларидан бошқаларни баҳраманд қилишга интилиш билан чамбарчас боғланган эди. У кишидан мерос бўлиб катта илмий асарларгина эмас, балки етук олимларнинг катта отряди ҳам қолди. И. Мўминов 20 дан ортиқ фан доктори, 150 дан ортиқ фан кандидатини тарбиялаб вояга етказди. Бу ҳам республикамизда ижтимоий фанлар ривожланиши борасидаги буюк кашфиёт эди. Истеъдодли ёшларни танлаб олиш, уларни меҳр билан тарбиялаб камолга етказиш ҳам — фан соҳасидаги кашфиёт. Булар орасида С. Шермухамедов, М. Баратов, М. Хайруллаев, Х. Пўлатов, А. Валиев сингари номи бутун мамлакатимизга таниш бўлган олимлар бор. И. Мўминов тарбиялаб вояга етказган ёш олимлар фақат Ўзбекистондагина эмас, балки мамлакатимиздаги турли илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юр்தларида муваффақият билан ишламоқдалар, ўз устозлари асос солган йирик илмий проблемалар устида илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Фан доктори ёки фан кандидатини тарбия-

лаб вояга етказиш осон иш эмас. Зар қадрига заргар этади, дегандек, етук олим даражасигача тарбиялаб вояга етказиш қанчалик машаққатли ва масъулиятли эканини докторантлар ва аспирантларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилган кишиларгина биладилар. Ҳар бир ёш илмий ходимга тадқиқот мавзуини танлаб бериш, унинг ёзган саҳифаларини мунтазам ўқиб, тузатиб, йўналиш бериб туриш зарур. Илмий раҳбарлик коммунистик талабчанлик ва принципалликни, оталарча ғамхўрликни талаб қилади. Ана шу хислатларнинг ҳаммаси И. Мўминовда бор эди. У ҳар бир докторлик, кандидатлик диссертациясининг ҳали мазмунан, мантиқий рандаланмаган қўлёзмаларини бир неча бор ўқир, тузатишлар киритар, катта маслаҳатлар бериб, авторга қайтарарди. Домланинг олдига илмий консультация сўраб кирган ҳар бир киши руҳланиб, бағри тоғ бўлиб чиқар эди. Ўз шогирдларининг ишларини ўқиш, уларга керакли маслаҳатлар бериш учун ишдан ташқари вақтларини, ҳатто дам олиш кунларини ҳам аямас эди. Ҳаммавақт у киши шогирдлари даврасида бўлар, уларни ўз фарзандларидек севар эди. У кишининг салобати, ўзини тута билиши, ҳар бир фикрга эринмай қулоқ солиши, ўз фикрини бошқаларга зўрлаб қабул қилдиришга интилмаслиги ҳаммани ҳайратда қолдирар эди. Булар фақат шахсий хислатлар бўлиб қолмасдан, етук олим ва раҳбарга хос бўлган одоб ва маънавий етуклик белгиси ҳам эди. Ижтимоий фанлар соҳасидаги олимларнинг бошини қовуштириш, уларни улкан масалаларни ҳамкорликда ҳал қилишга сафарбар этишда ҳам И. Мўминовнинг роли ниҳоятда катта эди. У киши илм борасида мансабпарастликка, маҳаллийчиликка интилувчиларга қарши муросасиз курашиб келди. Коммунистик партия фан вакиллари олдига қўйган улуғвор режаларнинг бажарилишига катта ҳисса қўшди.

И. Мўминов Ватан, халқ, партия олдидаги катта



хизматлари учун қатор орден ва медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган юксак ном берилди. И. Мўминовга хизматлари учун бўлган яна бир олий мукофот — республика меҳнаткашларининг унга нисбатан бўлган ҳурмати, меҳр-муҳаббатидир.

## ҲАЙДАРБЕК АБДУЖАББОРОВ

Меҳнаткаш халқ оммаси орасидан етишиб чиққан, ўзининг бутун кучи ва иродасини революция ғалабаларини ҳимоя қилиш ва мустақкамлаш, социализм қуриш ишига сафарбар қилган оташқалб коммунистлардан бири — Ҳайдарбек Абдужабборов эди.

Ҳ. Абдужабборов 1898 йили Жиззахда Етимтоф қишлоғида туғилди. У даставвал Самарқанд шаҳрида рус-тузем мактабида таълим олди. 16 ёшга кирганда отаси вафот этди ва катта оилани боқиш масъулияти унинг зиммасига тушди. Бу даврда бутун Туркистондаги сингари Жиззахда ҳам катта революцион воқеалар бўлиб ўтмоқда эди. Айниқса 1916 йили бўлиб ўтган Жиззах қўзғолони ёш Ҳайдарбек онгининг ўсишига, сиёсий қарашлари шаклланишига катта таъсир этди. У меҳнаткаш аҳолининг аянчли аҳволини, чор ҳукумати қўзғолон кўтарган кишилардан қандай даҳшатли ўч олганини ўз кўзи билан кўрди. Ҳ. Абдужабборов Буюк Октябрь социалистик революцияси ғалабасини катта хурсандлик билан кутиб олди ва Совет ҳокимиятини мустақкамлаш учун олиб борилган курашларда иштирок этди. У ўз қўли билан ёзган таржимаи ҳолида 1917 йил декабрь ойида Жиззах шаҳар Совети аъзоси бўлганини, унда таржимон бўлиб ишлаганини кўрсатади.

Мамлакатимизда пролетариат диктатураси ўрнатилган дастлабки даврларданоқ ёш Советлар республикаси ички ва ташқи контрреволюцион кучларнинг қаттиқ хуружига дуч келди. Совет Туркистони ҳам граждандар урушининг ўтли ҳалқаси ичида қолиб кетди. Орен-

бургда Дутов шайкалари, Фарғонада босмачилар, Туркменистонда англиз интервентлари ва оқгвардиячилар, Еттисувда оқ казаклар, Бухоро амири ва бошқа реакцион кучлар бир ёқадан бош чиқариб Совет ҳукуматига қарши ҳужум бошлади. Ана шундай оғир дамларда, 1919 йил май ойида, Ҳ. Абдужабборов Коммунистик партия сафига кирди. Уша даврдаги оғир шароитларда коммунист бўлиш, Ленин партияси аъзоси деган улуг номни олиш — чинакам қаҳрамонликнинг ифодаси эди. Ички реакцион кучлар, айниқса босмачилар Совет ҳукуматига хайрихоҳ ҳамма кишилардан даҳшатли ўч олар, коммунистларни йўқ қилиш учун барча чораларни кўрар эдилар. Ҳ. Абдужабборов ана шу оғир даврларда ёвуз душманнинг дўқларидан қўрқмаган, партия ғояларини рўёбга чиқариш учун кураш йўлига астойдил бел боғлаб кирган кишилардан бири эди.

1919 йилда Фарғонада босмачиларга қарши кураш ниҳоятда кучайди. Босмачилар меҳнаткаш омманинг бошига кўплаб азоб-уқубатлар солар, минглаб беғуноҳ кишиларни ўлдиради, Совет ҳукумати ўлканинг иқтисодий ва маданий ҳаётини изга солиш йўлидаги барча урунишларини барбод этишга ҳаракат қилар эдилар. Партия Ҳ. Абдужабборовни 1919 йил май ойида Фарғона фронтига босмачиларга қарши курашга юборди. Бу даврда босмачиларга қарши курашга маҳаллий аҳоли меҳнаткашларининг тобора кенгроқ қатламлари кўтарилмоқда эди. Кўпгина жойларда асосан маҳаллий аҳоли вакилларидан иборат бўлган мусулмон ҳарбий қисмлари ташкил этилди. Ҳ. Абдужабборов ана шундай қисмлардан бирига сиёсий раҳбар қилиб тайинланди. Бу ерда уни катта, оғир ва масъулиятли ишлар кутар эди. Кечагина далада кетмон чопиб юрган, бугун эса қўлига қурол олиб, Совет ҳокимиятини ҳимоя қилаётган деҳқонларнинг сиёсий онгини кўтариш, уларни янги жамиятнинг актив курашчиларга айлантириш лозим

эди. Бу эса осопликча, тезда, ўзи-ўзидан амалга ошадиган иш эмас эди. Ҳ. Абдужабборов катта сиёсий кураш тажрибасига, ҳарбий билимларга эга бўлган рус коммунистларининг ёрдамига таяниб, маҳаллий жангчилар орасида мунтазам ташкилий, сиёсий-тарбиявий ишлар олиб борди, ўзи босмачи тўдалари билан бўлган кўнгина қонли жангларда бевосита иштирок этди.

1919 йили охирида Ҳ. Абдужабборов Жиззах шаҳрига партия ишига юборилди. У шаҳар партия комитети мусулмон бюроси раиси қилиб тайинланди. Коммунистик партия партиявий-ташкилий ишларни маҳаллий шароитлар ва имкониятлар билан боғлаб Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети қошида Мусулмон Бюроси ташкил этган эди. Мусулмон бюроси, унинг жойлардаги органлари маҳаллий меҳнаткаш аҳоли ўртасида катта ишлар олиб борди. Улар маҳаллий меҳнаткашларни бойлар ва руҳонийлар таъсиридан қутқариш, уларни Коммунистик партия, Совет ҳукумати атрофига жипслаштириш соҳасида катта ишлар қилдилар. Жиззах шаҳрида, унинг атрофидаги қишлоқларда катта гоёвий, ташкилий, тарбиявий ишлар олиб боришда Ҳ. Абдужабборовнинг ўзи шахсан катта ишлар қилди. Унинг ёрдамида Коммунистик партия сафига кирган деҳқонлар, ҳунармандлар, ҳарбий отрядларнинг жангчилари ёш Совет ҳокимиятини ички душманлардан ҳимоя қилиш, уларнинг кирдикорларини фош қилиш соҳасида катта жонбозлик кўрсатдилар. Ҳ. Абдужабборов ташкил этган ҳарбий отрядда Холмат Ражабов, Раҳмат Холматов, Бойза Миразизов, Рашид Халилов, Ҳидир Халилов, Очилдиев, Саидкарим Эшонбоев, Қурбон Уринбоев, Қурбонбой Расулов ва бошқа кўплаб довурак жангчилар бор эди. Улар қўлга қурол олиб маҳаллий босмачи шайкаларига қарши актив кураш олиб бордилар. Ҳ. Абдужабборов меҳнаткашлар билан доим умумий тил топа оладиган, улар-

нинг иродаси, хоҳиши, эҳтиёжларини тўғри тушуна оладиган раҳбарлардан эди. Шу сабабли ҳам у ҳаммавақт шаҳар партия ташкилоти топширган барча вазифаларни тўла бажарди, омма ўртасида катта ҳурмат, обрў-эътибор қозонди.

Ҳ. Абдужабборов 1920—1923 йиллар давомида Жиззахда, Самарқанд шаҳрида турли партия, совет ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлади. Бу даврларда ҳам у Самарқанд, Жиззах атрофидаги босмачиларнинг қолдиқларига қарши олиб борилган курашларда бевосита иштирок этди. Ҳ. Абдужабборов шундай мураккаб ва масъулиятли шароитларда партия ва совет ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлаб, унда катта тажриба, сиёсий малака орттирди. У босмачиларга қарши курашда кўрсатган жасоратлари учун жанговар Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Урта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилган дастлабки даврларда Ҳ. Абдужабборов Ўзбекистонда турли раҳбарлик лавозимларида ишлайди. Республикамизнинг иқтисодий, маданий, ижтимоий-сиёсий тараққиётини тезлаштириш учун ўша даврларда олиб борилган курашларда, эришилган ғалабаларда унинг ҳам катта ҳиссаси бор.

1925—1927 йиллар давомида Ҳ. Абдужабборов Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш халқ комиссари лавозимида ишлади. Бу даврларда ўтмишдан мерос бўлиб қолган жуда кўплаб касалликларни тугатиш, медицина соҳасидаги ўтмишнинг зарарли сарқитларига хотима бериш, аҳоли ўртасида санитария, гигиена билимларини ёйиш, кўплаб касалхоналар, туғуруқхоналар, поликлиникалар, медицина пунктлари очиш зарур эди. Булар эса социализм қуриш, маданий революцияни амалга ошириш учун олиб борилаётган кенг кўламдаги курашининг таркибий қисми эди. Ҳ. Абдужаббаров бу

мураккаб вазифаларни бажариш борасида республика партия ташкилоти зиммасига юклаган барча вазифаларни бажариб келди. Ҳақиқатан ҳам, бу йиллар меҳнаткашларнинг кундалик ҳаётига илмий медицина билимлари кенг кириб келаётган давр эди.

1927 йил Ҳ. Абдужабборов Ўзбекистон давлат страхованиеси бошқармасининг бошлиғи, 1927—1929 йилларда эса Тожикистон Совет Социалистик Автоном Республикаси молия халқ комиссари лавозимида ишлади.

Йигирманчи йилларнинг охирида республикада социализмнинг пойдеворини барпо этиш ишлари илдам суръатлар билан бормоқда эди. Ўзбекистон меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлиги остида, рус халқи, биринчи навбатда рус ишчиларининг ёрдамида, мамлакатимиздаги барча халқлар билан ҳамкорликда иқтисодий ҳаёт соҳасидаги вайронагарчиликларга барҳам бериб замонавий саноат тармоқларини яратмоқда эди. Қишлоқ хўжалигида ҳам ер-сув ислоҳоти тугалланиб, деҳқонлар оммаси аста-секин социалистик тараққиёт йўлига ўтмоқда, меҳнаткашларнинг маънавий ҳаётида ҳам кескин ўзгаришлар амалга ошмоқда эди. Бу мураккаб тарпхий вазифаларни бажариш учун республикага кўплаб малакали, замонавий фан ва техника асослари билан таниш бўлган мутахассислар зарур эди. Партия ва Совет ҳукумати Ўзбекистонга кўпгина малакали ишчилар, мутахассисларни мамлакатимизнинг марказий районларидан юборди. Ана шундай мутахассисларни маҳаллий меҳнаткашлар орасидан ҳам тарбиялаш лозим эди. Шу йилларда Ҳ. Абдужабборов кўплар қатори Москвага, саноат академиясига ўқишга юборилди. У Москвада, олимлар, йирик мутахассислар ёрдамида замонавий саноатни барпо этиш ва ривожлантириш учун керакли бўлган билимларни эгаллади. Ўттизинчи йилларнинг бошларида Москвада Тожикис-

тон республикаси СССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги доимий вакилининг ўринбосари бўлиб ишлади.

Дастлабки беш йилликлар даврида Ўзбекистонда кўплаб янги саноат тармоқлари барпо этилмоқда эди. Бу эса ўтмишдан мерос бўлиб қолган қолоқликка хотима бериш, ишлаб чиқариш кучларини ҳар томонлама ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири эди. Шу йилларда барпо этилган йирик саноат ўчоқларидан бири — Тошкент тўқимачилик комбинати бўлди. 1932 йил 18 февралда СССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Меҳнат ва Мудофаа Совети Тошкент тўқимачилик комбинатини қуриш ва ишга тушириш тўғрисида қарор қабул қилди. Партия 1932 йил Ҳ. Абдужабборовни саноат қурилишининг ана шу муҳим участкасига ватер цехлари бошлиғи қилиб ишга юборди. Тезда Тошкент тўқимачилик комбинати мамлакатимиздаги йирик қурилишлардан бирига айланди. Комбинат қурилиши бошланишига бағишланган митингда Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети раиси Йўлдош Охунбобоев нутқ сўзлаб, «большевикларнинг иродаси билан шу ерда тўқимачилик комбинати қурилади», деди. Комбинат қурилишида мамлакатимиздаги ўнлаб миллатларнинг вакиллари иштирок этди. Мамлакатимизнинг кўплаб саноат марказлари комбинат қурилишига қурлиш материаллари, асбоб-ускуналар етказиб бериб турди. Қурилишга мамлакатимизнинг кўплаб районларидан малакали ишчилар, мутахассислар етиб келди. Комбинат қурилиши Совет ҳокимияти даврида вужудга келган халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг ёрқин ифодаси бўлди.

1933 йил октябрь ойида ВКП(б) Марказий Комитети махсус қарор қабул қилиб, комбинат қурилишини янада тезлаштириш йўлларини белгилаб берди. Кўплаб маҳаллий миллатлар вакиллари тўқимачилик касбини ўрганиш учун Москва, Иваново, Серпухов сингари

шаҳарларга юборилди. Улар рус ишчилари кўрсатган катта, беғараз ёрдам натижасида малакали ишчи бўлиб Ўзбекистонга қайтиб келдилар. Комбинат қурилишида шанбаликлар ташкил этилар, айрим шанбаликларда 32 мингга яқин киши иштирок этар эди. Комбинат қурилишида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди, уй-жой, маданий-маиший муассасалар барпо этишга катта эътибор берилди. Мана шу ишларни амалга оширишда коммунист, моҳир ташкилотчи, етук мутахассис Ҳайдарбек Абдужабборовнинг ҳам катта ҳиссаси бор эди. У комбинат қурилишида социалистик мусобақани ривожлантиришга, илғорлар тажрибасини ёйишга катта аҳамият берди. Рус ишчилари ва мутахассислари билан қўлни-қўлга бериб ўзбеклар, қozoқлар, тожиклардан малакали ишчиларни тарбиялаб етиштиришга ҳам катта ҳисса қўшди.

1934 йилда йигирув-тўқув фабрикасининг биринчи навбати ишга туширилди. Бу — биринчи йирик меҳнат ғалабаси эди. 1934 йил 15 июлда дастлабки 15 ватер машиналари ўрнатилди. Янги цехда биринчи тўқувчилар ҳам пайдо бўлди. Цехда мамлакатимизнинг марказий шаҳарларидан келган 40 ишчи, маҳаллий ишчилардан 100 дан ортиқ киши ишлай бошлади. Комбинат қурилиш маҳаллий хотин-қизларни ўтмиш хурофотларидан халос қилиш, ижтимоий-фойдали меҳнатга тортишда ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Ватер цехлари комбинатнинг энг йирик, энг муҳим участкаларидан бири эди. Ҳ. Абдужабборов комбинат қурилишининг барча участкаларида ҳам бўлиб турар, ҳамма нарсага ўзининг билимини, малакасини қўллар эди. У ишчилар орасида кенг қўламда ғоявий-тарбиявий ишлар олиб боришда ҳам комбинат партия ташкилотига яқиндан ёрдам кўрсатиб келди. Қаҳрамон ишчилар синфи Ҳайдарбек Абдужабборов сингари юзлаб, минглаб инженер, мутахассисларнинг кучи, ирқ-



даси билан барпо этилган Тошкент тўқимачилик комбинати ҳозир республикамиздаги энг йирик саноат корхоналаридан бирига айланди. Ҳозир ҳам бу ерда ўнлаб миллатларнинг вакиллари қўлни-қўлга бериб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ҳайдарбек Абдужабборов сингари социалистик қурилиши фидокорларининг номлари, қилган ишлари халқимизнинг қалбида, тарих саҳифаларида доим сақланиб қолади.



## АБДУЛЛАЖОН АЛИХОНОВ

Улуф Октябрь социалистик революцияси мамлакатимизда, шу жумладан, республикамизда ўзининг бутун ҳаёти ва пок виждонини халқ бахт-саодати, революция иши ҳамда социалистик жамият қурилиши учун бағишлаган ажойиб партия ва давлат арбоблари, актив курашчиларидан бири Абдуллажон Алихоновдир. Фарғона водийсида босмачиларни таг-томири билан тор-мор келтиришда ва Ўзбекистонда социалистик жамиятни барпо қилиш учун кураш йилларида катта жасоратлар кўрсатган партия фарзанди сифатида унинг номи ҳурмат билан тилга олинади.

Абдуллажон Алихонов 1899 йили Фарғона водийсининг Асака уездида камбағал-деҳқон оиласида дунёга келди. Отаси вафотидан сўнг у жуда ёш бўлишига қарамай, феодал бойлар қўлида оғир меҳнат қилишга мажбур бўлди. Айни вақтда у билим олишга ҳам қизиқар эди, ўзининг бу яхши ниятини амалга ошириш учун 1914 йили Фарғонадаги рус-тузем мактабига ўқишга кирди. Лекин турмуш шароитининг оғирлиги ва иқтисодий қийинчиликлар туфайли ўқишни охирига етказа олмади. Абдуллажон эксплуататор синфлар ҳукмрон бўлган, чор Россияси истибдодида эзилган меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволини ўз кўзи билан кўрди, ҳаётдаги ички қарама-қаршиликларнинг туб илдилари нимада эканлигини англаб етди.

Унинг қалбида эксплуататор синфларга қарши кураш олови тобора алангаланиб борди. Революцион кайфиятдаги ишчилар, рус большевиклари унинг сиёсий

онгининг ўсиб боришига, ҳаётдаги ўз ўрнини топишига катта таъсир кўрсатмай қолмади.

Октябрь революцияси ғалабасидан кейин у Фарғона водийсида Совет ҳокимиятини мустақкамлаш учун олиб борилган курашда актив қатнашди. 1918 йили у РКП(б) сафига кирди. Фарғона водийсида Совет ҳокимиятини мустақкамлаш, ички контрреволюцион унсурларга қарши курашди, кенг меҳнаткашлар орасида сиёсий-тарбиявий ишлар олиб борди.

Бу умумхалқ ишида рус ишчилар синфининг кўзга кўринган вакиллари, ажойиб революционер кишилар унга жуда катта ёрдам беришди. А. Алихонов Андижон шаҳридаги пахта тозалаш заводида ишлаётган ишчилар билан яқиндан алоқада бўлар, улардан рус тилини ўрганар, сиёсий жиҳатдан чиниқиб борарди.

1918 йилдан бошлаб Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларида босмачилик ҳаракати кучайиб кетди. Бу ҳаракат Ўзбекистонда Совет ҳокимиятига қарши бўлган миллий буржуазия, феодал ва клерикал элементлардан ташкил топган қора кучлар билан чамбарчас боғланган эди. Коммунистик партия уларни таг-томғи билан қўпориб ташлаш ва Фарғона водийсида Совет ҳокимияти ғалабаларини мустақкамлаш вазифасини қўйди. Бу вазифани амалга оширишда ёш коммунист А. Алихонов ҳам четда қолмади, албатта. 1918—1923 йиллари Асакада у қизил гвардия отрядининг актив ташкилотчиси, раҳбари сифатида катта ишларни амалга оширди. Айни вақтда у меҳнаткаш халқ орасида актив пропагандист сифатида Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг мақсад ҳамда вазифаларини халққа тушунтирар, омманинг янги ҳаёт сари, буюк ишлар сари даъват этарди. Унинг ташаббуси билан Асака районида «Қўшчи союзи»нинг дастлабки комсомол ячейкалари ташкил этилди. Бу ячейка босмачилик ҳаракатига қарши курашда катта роль ўйнади.

Асака районида Совет ҳокимиятини мустақкамлашда А. Алихонов бошлиқ бўлган революцион комитет катта хизмат қилди. Комитетнинг сиёсий раҳбари ва ташкилотчиси сифатида у босмачилар илдизига болта урди. Контрреволюцион элементларни тор-мор келтиришда қаҳрамонликлар кўрсатди.

Коммунистик партия йигирманчи йилларнинг бошларида уни масъул вазифага даъват этди: Қорақалпоғистонга революцион комитетнинг раиси қилиб ишга юборди, сўнгра эса партия уни Бухоро шаҳар милиция бўлимининг бошлиғи қилиб ишга тайинлади. Маълумки, Бухорода демократик ва социалистик қайта ўзгартиш қилиш жуда оғир шароитга тўғри келарди. Амирлик петибодидида жуда оғир ҳаёт кечирган меҳнаткаш халқнинг маданияти, экономикаси, ўттириб қолган турмуши машаққатли эди. Бу қийинчилик ҳар бир қадамда сезиларди. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия Бухорода социал-иқтисодий қайта ўзгартишларни амалга ошириш учун ғоявий-тарбиявий ишларни йўлга қўйишни муҳим вазифа қилиб белгилади. Бу ишларни амалга оширишга А. Алихонов бошқа актив коммунистлар сингари актив ҳисса қўшди.

Коммунистик партия А. Алихоновни 1924 йил сентябрь ойида Москвага — ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги уезд партия ходимлари тайёрлаш курсига ўқишга юборди. Бу ерда у марксизм-ленинизм классиклари асарлари билан танишди, партия ва совет қурилиши масалаларини пухта ўрганди, халқ оммасига раҳбарлик қилишда ташкилотчилик санъатини эгаллади, сиёсий билимини ҳар томонлама оширди.

Бу курсни тамомлагач, 1925 йили Ўзбекистонга қайтиб келди ва дастлаб Марғилон шаҳар партия комитетида бўлим мудирини, кейинчалик шаҳар партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлади. 1926—1928 йиллари у Асака ва Ворошилов район коммунистларининг етакчиси сифатида бир қатор диққатга сазовор

ишларни амалга оширди. 1929—1930 йиллари А. Алихонов Ўзбекистон КП(б) Андижон ва Сурхондарё округ комитетларида масъул вазифаларда ишлади.

У раҳбарлик лавозимларида ишлар экан, коммунистлар ва кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида сиёсий етук партия ходими сифатида катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлди. У иш фаолиятида Фаргона водийсида ички душманларни тор-мор келтиришда, тажрибали партия ва совет аппарати ходимларини тарбиялашда, ер-сув реформасини ўтказишда, саводсизликни тугатишда ва маданий революцияни амалга оширишда, коллективлаштиришни охирига етказишда ташкилотчи коммунистлар билан мустаҳкам алоқада иш кўрди. Коммунистик партия қарорларини оғишмай амалга оширди.

30-йиллари А. Алихонов масъул вазифалари ишлади. У Ўзбекистонда «Колхозцентр»да, СССР Ер ишларни халқ комиссарлигида инструктор, кейинчалик, Тожикистон Автоном Республикасига қарашли Нов МТСнинг сиёсий ишлар бўйича бошлиғи бўлиб ишлади. 1932 йили СССР «Колхозцентр» қошидаги Бутуниттифоқ олий колхоз мактабига ўқишга юборилди. Ўқишни тугатгач, у ўзининг бутун куч ва билимини, тажриба ва маҳоратини республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, энг муҳими, пахтачиликни янада тараққий эттиришга, Ўзбекистонни мамлакатимизнинг асосий пахта базасига айлантиришга бағишлади. Коммунистик партия А. Алихоновни бошқа қардош республикаларда ҳам пахтачиликни ривожлантириш ишларига ёрдам беришга даъват этди. 1934—1935 йиллари у Бокуда ишлади. Озарбайжонда пахтачилик совхозлари ташкил этиш ишига раҳбарлик қилди, ташаббус ва ташкилотчилик намуналарини кўрсатди.

1939 йили партия уни яна Ўзбекистонга ишга йўллади. Республикамизда Ўзбекбирлашув ишини жонлантиришда А. Алихонов актив қатнашди.

Немис-фашист босқинчилари она-ватанимизга хиёнаткорона ҳужум бошлаган пайтда Абдуллажон Алихонов қалб амри билан фронтга отланди. Ватан жангоҳларида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, урушда ҳалок бўлди.

Халқ бахт-саодати йўлида ўзининг юрак қўри, пок виждони ва бутун ҳаётини бахшида қилган Коммунистик партияимизнинг оташин курашчилари мангу яшайдилар. Абдуллажон Алихонов ҳам республикаимизда ана шундай бахтга мушарраф бўлган кишиларнинг биридир. Ўзбекистонда социализм қурилишини амалга оширишда, босмачилик ҳаракатини таг-томири билан тор-мор келтиришда, мамлакатимизда маданий революцияни амалга оширишда унинг хизматлари беқиёсдир.



## ЖУМА АТАШЕВ

Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги ютуқлари дўстларимизни хурсанд қиладиган, тинч, мустақил тараққиёт йўлига ўтган халқларни илҳомлантирадиган, душманларимизни ғазаблантирадиган буюк тарихий воқеадир. Бу улкан ютуқлар ўз-ўзидан қўлга кирмади, албатта. Бу ютуқлар заминда социализмнинг беқиёс имкониятлари, Коммунистик партиянинг етакчилик ва ташкилотчилик кучи, миллионларча ишчи ва деҳқонлар, зиёлиларнинг фидокорона меҳнати ётади... Бу улкан ишга халқ ичидан етишиб чиққан, Коммунистик партия тарбиялаб вояга етказган минглаб фидокор ташкилотчилар, омманинг етакчилари ва раҳбарлари бўлган кишилар ҳам ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар. Ана шундай кишилардан бири Жума Аташевдир.

Маълумки, Октябрь революциясининг садолари бутун Россияни ларзага келтирди. Россиядаги революцион ҳаракатлардан сабоқ олган мазлум халқларнинг вакиллари ҳам синфий ва миллий зулмга қарши, янги жамият қуриш учун курашга кўтарила бошладилар. Камбағал деҳқон фарзанди, отасидан ёш етим қолган Жума Аташев янги жамият учун курашга астойдил бел боғлаган кишилардан бири бўлди.

1918 йилнинг бошларидаёқ бутун мамлакатдаги сингари Туркистонда ҳам ички ва ташқи контрреволюцион кучлар бирлашиб, ёш Совет давлатини бўғиб ташлаш учун ҳаракат қилган эдилар. Жойларда революция ғалабаларини ҳимоя қилиш учун кўнгилли дружиналар ташкил қилина бошлади. 1918 йилда Тўрткўл шаҳрида ташкил қилинган қизил гвардиячилар сафига кўнгилли

бўлиб кирганлардан бири Жума Аташев эди. Шу йили у Коммунистик партия сафига кирди.

Бу даврлар ниҳоятда мураккаб воқеалар билан тўлган йиллар эди. Туркистонда революция ғалаба қилган бўлса ҳам, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида феодаллар деҳқонларни шафқатсиз зулм остида эзиб келмоқда эдилар. Халқнинг кўтарилиб келаётган революцион фаолиятдан қўрққан феодаллар ва руҳонийлар революцион курашни заифлаштиришга, унинг ишги-рокчиларидан шафқатсиз ўч олишга интилар эдилар. Ана шундай мураккаб шароитларда Жума Аташев бошқа коммунистлар ва революционерлар билан бирлашиб, меҳнаткашларнинг синфий онгини кучайтириш, уни революцион курашга кенгроқ жалб қилиш учун хормай-толмай кураш олиб борди. Революциянинг дастлабки йилларида чиниққан, маълум сиёсий кураш йўлини босиб ўтган Жума Аташев 1919 йил Тўрткўл шаҳридаги Қизил гвардиячи отряд разведка взводининг командири қилиб тайинланди. У Шайдаков бошчилик қилган ҳарбий отрядда маҳаллий миллат вакиллари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар олиб борди, босмачиларга қарши бўлган жангларда бевосита иштирок қилди. Хоразмда халқ революциясини тайёрлаш ва амалга оширишда ҳам Жума Аташевнинг ҳиссаси бор. 1920 йилнинг охирида маълум тажрибага эга бўлган ҳарбий командир сифатида Хивадаги ҳарбий қисмларга сиёсий ишларни олиб бориш учун юборилди. У 1920—1921 йилларда Хоразм Халқ Совет Республикасида бўлиб ўтган катта мураккаб воқеаларда актив иштирок қилди. Ҳокимият тепасида турган буржуа миллатчиларининг сотқинлик сиёсатини фош қилишда қатнашди.

Еш Хоразм Халқ Совет Республикасида сиёсий жиҳатдан етук раҳбар ходимларнинг етишмаслиги туфайли давлат аппаратида айрим раҳбарлик лавозимларини халқ манфаатини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган ки-



шилар эгаллаб олган эдилар. Улар олиб бораётган снѐсат революция ғалабаларини йўққа чиқаришга, халқлар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштиришга, ёш Халқ Совет Республикасининг революцион Россиядан, биринчи навбатда унинг пролетариатдан ажратиб олишга қаратилган эди.

Жума Аташев партия ташкилотларининг топшириғи билан омма орасида катта снѐсий тушунтириш ишларини олиб борди, иккинчи Хоразм Халқ қурултойига вакиллар сайловлари ўтказишда қатнашди. 1921 йил июнда у Амударё партия комитетига ишга юборилди ва обком инструктори бўлиб ишладн. 1921—1922 йилларда Шўраҳон уездига партия комитетининг секретари қилиб сайланди. 1922—1923 йилларда турли партия ва совет ташкилотларида масъул вазифаларда ишлади. 1923 йил июнь ойидан эса Амударё область Ижроия Комитетининг раиси, область партия комитетининг бюро аъзоси, Туркистон республикаси Марказий Ижроия Комитетининг аъзоси қилиб сайланди ва бу лавозимда миллий-давлат чегараланиши ўтказилган даврга қадар ишлади. 1924 йили Хоразм Халқ Совет Республикасини мустақкамлашдаги хизмати учун Хоразм Халқ Совет Республикасининг Меҳнат Қизил байроқ ордени билан мукофотланди.

1924—1925 йилларда Коммунистик партия уни Қорақалпоғистон Автоном республикасига ишга юборди ва у ерда ер-сув бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади. 1925 йилда Қозоғистон АССР Марказий Ижроия Комитетининг аъзоси қилиб сайланди.

Жума Аташев 1925 йилда яна Ўзбекистонга келиб 1927 йилга қадар республика Сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлади. Шу даврлардан бошлаб Жума Аташев Ўзбекистонда ирригация қурилишининг моҳир ташкилотчиси ва йирик рақбари сифатида шакллана бошлади. 1926—1927 йилларда Бухоро областида ер-сув ислоҳоти ўтказиш, ирригация

шоҳобчаларини қайтадан қуришда ҳам иштирок қилди. Жума Аташев ирригация қурилиш ишларида маълум тажрибага эга бўлган бўлса-да, лекин ҳали унинг билимлари етишмас эди. Ўзбекистондаги социалистик қурилишнинг дастлабки йилларидаёқ ўтказилган йирик ирригация-қурилиши ишлари эса раҳбар ходимлардан замонавий фан, техника асосларини чуқур эгаллашни талаб қилар эди. Мана шундай заруриятни Жума Аташев яхши сизди. У 1928 йили К. А. Тимирязев номли Қишлоқ хўжалик академиясининг гидромелиорация факультетига ўқишга кирди ва уни 1932 йили тамомлади. Академияни тугатгач, Жума Аташев меҳнаткаш омма орасидан етишиб чиққан мутахассис сифатида Бутуниттифоқ гидротехника ва мелиорация илмий текшириш институтининг аспирантурасига юборилди. 1933—1935 йилларда у Бухоро, Зомин районларида партия сафларини мустаҳкамлаш ишларини ўтказишда иштирок қилди. 1935 йилда партия уни йирик ирригация ишларини бошқариш учун Хоразм областига ишга юборди. Хоразм областининг қишлоқ хўжалиги тараққиёти йирик ирригация ва мелиорация ишлари ўтказишни талаб қилар эди. Бунингсиз область халқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ҳам асло ривожлантириб бўлмас эди. 1936—1937 йилларда Жума Аташев Амударёдаги ирригация системалари Бошқармасига раҳбарлик қилди. Унинг бевосита иштирокида сугориш ишларида чиғирлардан фойдаланишга чек қўйиш, насослардан фойдаланишга ўтиш, каналларни тозалашда техникадан кенг фойдаланиш соҳасида катта ишлар қилинди.

Улуғ Ватан уруши арафасидаги йилларда бутун республикамиздаги сингари Хоразм воҳасида ҳам катта ирригация-қурилиш ишлари олиб борилди. Шулардан бири — Тошсоқа каналининг қурилиши эди. Ирригация қурилиши соҳасида катта тажрибага эга бўлган Жума Аташев бу қурилишнинг ташкилотчиларидан бири бўлди, Тошсоқа канали республикамиздаги энг йи-

рик гидроиншоотлардан бири бўлиб, Хоразм воҳасида пахтачиликни ривожлантиришда бениҳоя катта роль ўйнади. Жума Аташев Тошсоқа каналининг иккинчи навбат қурилишида бош инженер ўринбосари бўлиб ишлади. Мана шу мураккаб йилларда Жума Аташев ирригация ва мелиорация ишларини яхшилаш соҳасида область партия ташкилотлари белгилаб берган вазифаларни муваффақиятли бажарди. Айниқса Жанубий Хоразм каналлари, коллекторлари, чап қирғоқ Амударёда дегишнинг олдини олиш учун дамбалар қуриш ишларига ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

1950 йилда унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор» деган фахрий ном берилди. 1950—1958 йиллар мобайнида область ва республика миқёсида ирригация қурилишлари ва мелиорация ишларини амалга оширишга ҳам раҳбарлик қилди.

Жума Аташев ўзининг қилган ишлари ҳақида шундай деб ёзган эди:

«Мен Жанубий Хоразм бўйича белгиланган ирригация қурилиши ишларига бутун куч ва қобилиятимни сафарбар қилмоқдаман. Менинг кучим ва қобилиятим Ватанимиз тараққиёти, халқимиз бахт-саодати учун курашга бағишлангандир. Мен Ғазоват — довидон коллектори лойиҳасини ишлаб чиқишда қатнашдим».

Ҳақиқатдан ҳам, Жанубий Хоразмда барпо этилган йирик ирригация иншоотлари Хоразм, Қорақалпоғистон АССР ва қардош Туркменистонда пахтачиликни, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантиришда қанчалик катта аҳамиятга эга бўлганлигини ҳозир ҳам яққол кўриш мумкин. Суғориладиган ерлардаги сизот сувларни қумли чўлларга оқизишни ташкил қилиш экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашда катта роль ўйнади. Бу эса Хоразмда пахта ҳосилдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлди. Дарёлик коллекторларини барпо қилишда ҳам Жума Аташевнинг хизматлари каттадир. Бу ирригация

тадбирлари Хоразмда микроқлимнинг ўзгаришига олиб келди, пахтачиликнинг ривожланишга бевосита таъсир қилди. Маълумки Хоразм пахта ҳосилдорлиги бўйича мамлакатимизда энг юқори кўрсаткичга эга бўлган областдир.

Жума Аташевнинг номи республикамиздагина эмас, балки бутун мамлакатимизга ҳам машҳурдир. У ҳақда марказий матбуотда, француз коммунистларининг органи бўлган «Юманите» газетасида ҳам мақолалар босилган эди. У Ватан олдидаги катта хизматлари учун Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Қизил Юлдуз ордени, икки марта Ҳурмат белгиси ордени; қатор медаллар билан мукофотланди. У уч марта Ўзбекистон ССР Олий Совети президиумининг фахрий ёрлиқлари билан ҳам тақдирланди.

Жума Аташев 1971 йилда вафот этди. Унинг номи республикамизда социалистик революцияни амалга ошириш ва унинг ғалабаларини ҳимоя қилиш, социалистик тузумни барпо қилиш ва мустақкамлаш, социалистик қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш тарихининг ёрқин саҳифаси бўлиб қолади.

## ҲАМРОҚУЛ ТУРСУНҚУЛОВ

Ҳамроқул Турсунқулов — Ўзбекистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлашнинг актив қатнашчиси, колхоз ишлаб чиқаришининг йирик ташкилотчиларидан бири, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлиб, халқ орасидан чиққан ва бутун ҳаётини Коммунистик партия билан Совет давлати планларини ҳаётга татбиқ этиш учун бағишлаган кишидир.

Ҳамроқул Турсунқулов 1892 йилда Фарғона область Марғилон уездидаги Водил қишлоғида камбағал-деҳқон оиласида туғилди. Ҳамроқулнинг меҳнат биографияси анча эрта бошланди. Ёшлик йилларида революциядан олдинги феодал Туркистондаги кўпчилик тенгдошлари қаторида у ҳам ҳар қандай билим олишдан маҳрум бўлиб, бойларнинг қўлида ёлланиб, турли ишларни бажаришга мажбур бўлди. Ҳ. Турсунқулов 18 ёшга тўлганда Лангар ўрмон хўжалигига тоғларда дарахт кўчатлари ўтказиш бўйича ишчи бўлиб кирди.

Ҳ. Турсунқуловнинг ўрмон хўжалигида ишлаган йиллари унинг ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу ерда у революцион фаолияти учун подшо ҳукумати томонидан Туркистонга сургун қилинган буюк рус халқи вакиллари билан биринчи марта учрашди. Ҳамроқул сургундагилар билан тезда танишиб олди, уларни ўзининг содиқ дўстлари ва мураббийлари деб билди. Улар Ҳамроқулга ёзиш-чизишни, рус тилини ўргатишди. У большевиклар, Улуғ Ленин тўғрисида, уларнинг орзу-ниятлари ҳақидаги сўзларни биринчи марта улардан эшитди. Сиёсий сургун қилинганлар унинг қалбига дастлабки революция уруғини сочдилар. Кейин-

чалик Ҳ. Турсунқулов ўз ҳаётининг ана шу йилларини эслаб бундай деб ёзган эди: «Сиёсий сургун қилинганларнинг Ўзбекистондаги айрим районларда бўлиши катта аҳамиятга эга эди. Бахтли тасодифни қарангки, империалистик уруш йилларида тақдир мени сургун қилинган Иван Павлов билан учраштирди. У менга меҳнаткашларнинг бойларга қарши революцион кураши тўғрисида биринчи бор сўзлаб берди. Иван Павлов бойларни, помещикларни ва ҳатто подшони ҳам енгиш мумкин, деб мени ишонтирди. Бунинг учун фақат кураш олиб бориш, ўзбеклар ва руслар, арманлар, грузинлар, украинлар — ишчи ва деҳқонлардан иборат барча мазлум халқлар биргаликда ҳамжиҳат бўлиб курашмоқлари керак эди»<sup>1</sup>.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси Туркистон халқлари ҳаётида ҳам бурилиш нуқтаси бўлди, революция бу халқларни феодализм ва мустамлака қуллиги ботқоғидан чиқариб олди, социализм қуриш йўлини белгилаб берди, собиқ чор мустамлакасининг илгари эзилиб келган халқларига актив сиёсий, хўжалик ва ижтимоий ҳаётга қўшилиш имконини берди.

Бошқа районларда бўлгани каби Фарғонада ҳам янги ҳаёт барпо этиш синфий душманга қарши кескин кураш шароитида ўтди. Бойлар, саноат ва савдо буржуазияси, реакцион мусулмон руҳонийлари оқгвардиячилар билан иттифоқ бўлиб, инглиз-америка империалистларининг моддий ёрдами билан Фарғона водийсида босмачилик ҳаракатини ташкил этдилар. Бу босмачилик ўз шакли ва мазмунига кўра сиёсий бандитизм бўлиб, ўз ҳаракатини Совет ҳокимиятига, кенг меҳнаткашлар оmmasининг манфаатларига қарши қаратган эди.

1918 йилда Фарғона водийсида Мадамшнбек, Хол-

---

<sup>1</sup> Ҳ. Турсунқулов. Ҳаётим саҳифалари. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1966, 6-бет.

хўжа, Кенжа ва бошқаларнинг босмачи тўдаларп уя қурган Эдилар. Ана шу оғир йилларда ёш Ҳамроқул Турсунқулов ҳеч иккиланмай Совет ҳоқимияти томонида турди. Ўзини камбағалларнинг фаол ташкилотчиларидан бири сифатида кўрсатди. 1918 йилнинг июлида Водил қишлоғида камбағалларнинг биринчи комитети тузилиб, унинг составига Ҳ. Турсунқулов ҳам сайланди. Бу комитет дастлабки кунлардан бошлаб ер-сув тақсимоти сингари ғоят муҳим масалалар билан шуғулланди. Бойлардан тортиб олинган ғалла қизил аскарлар отрядларини таъминлаш учун ишлатилар, яқин атрофдаги шаҳарларнинг ишчиларига юборилар, камбағаллар ва батрақлар ўртасида тақсимланар эди.

Камбағаллар комитетида ишлаб, Ҳ. Турсунқулов дастлабки жанговар чиниқишга эга бўлди. 1918 йилнинг октябрь тунларидан бирида Водил аҳолисига босмачилар тўдаси ҳужум қилди. Босмачилар камбағаллар комитетининг аъзолари бўлган активлардан ёвузларча ўч олиб камбағалларнинг отлари, чорваси, мол-мулкни тортиб олишди. Дастлабки жангчилар Водил волостида Совет ҳоқимияти учун оғир курашларда ҳалок бўлдилар. Душман айғоқчилари Ҳ. Турсунқуловни ўз қўлларига олишга бор кучлари билан уриниб кўрдилар. У босмачилар таъқибидан яшириниб, Водилдан Фарғонага бир амаллаб қочиб борди ва Фарғонада Қизил гвардия ва Қизил Армия қисмларининг ташкилотчиларидан бири бўлган Никитин раҳбарлигидаги қизил гвардиячилар пролетар отрядига кирди.

Ҳ. Турсунқулов Фарғона водийсида босмачиларга қарши курашнинг актив қатнашчиларидан бири бўлиб қолди. У 1918 йилдан бошлаб Фарғона фронтидаги иккинчи отлиқ аскарлар бригадаси сафида, кейин эса Олтой отлиқ аскарлар бригадасида жанг қилади. Ҳ. Турсунқулов бир қанча мураккаб жанговар операцияларда қатнашиб, ўзини мард ва жасур разведкачи сифатида кўрсатди, босмачилар тўдасининг орқа томонига бир

неча марта бориб, Фарғона fronti разведка бўлимининг масъулиятли топшириқларини бажарди. 1920 йилда Ҳ. Турсунқулов босмачиларга қарши курашдаги жанговар хизматлари учун Қизил Байроқ орденига тавсия этилди.

Ҳ. Турсунқулов 1920 йилда Қизил Армиянинг илғор жангчиси сифатида Фарғонада М. В. Фрунзе томонидан қабул қилинди. Фрунзе у билан икки марта суҳбат қурди ва маслаҳатлашди. Ҳ. Турсунқулов маҳаллий аҳоли ўртасида ишлаш юзасидан М. В. Фрунзе берган конкрет топшириқларни оғишмай амалга оширди. У ўша вақтда дивизия штабининг бошлиғи, кейинчалик Совет Иттифоқи Маршали бўлган В. Д. Соколовскийнинг разведкага оид шахсий топшириқларини ҳам бажарди.

1962 йилда Ҳ. Турсунқулов 70 ёшга тўлиши муносабати билан унинг собиқ полкдошлари, кейинчалик Совет Армиясининг йирик ҳарбий бошлиқлари бўлиб ётишган Совет Иттифоқи Маршали В. Д. Соколовский, армия генерали А. А. Лучинский, генерал-полковник, Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. Т. Обухов, генерал-лейтенант А. И. Тодорский, генерал-лейтенант В. Г. Поздияк ва бошқалар ўзлари йўллаган табрик мактубида қуйидагиларни ёзган эдилар: «Қадрдон дўстимиз Ҳамроқул Турсунқулович, сен батракликнинг барча машаққатларини бошингдан кечирдинг, жабр-зулмни егиб, пролетариат билан камбағал деҳқонларнинг революцион кучлари ғалабасига ишончингни дадиллик билан олиб ўтдинг... Йўл бошловчи партизан, жангчи ва разведкачи бўлиб ишлаб, ўзингнинг сермашаққат разведка ишларинг билан Қизил Армия қисмларига контрреволюцион босмачиларга қарши курашда актив кўмаклашибгина қолмасдан, жанглардаги шахсий ибратинг билан Қизил Армия жангчиларига қаҳрамонлик намунасини кўрсатдинг ва уларни манфур босмачиларга қарши жасоратга отлатирдинг. Шунинг учун ҳам сен билан бирга жангларда босмачиларга қарши биргаликда



қатнашган қизил армия қисмларининг ҳар бир командири ва сиёсий ходими ҳозирга қадар сен ҳақингда энг яқин дўст, ўртоқ ва сафдош сифатида самимий сўзларни айтишади»<sup>1</sup>.

Йигирманчи йилларнинг бошларида Ҳ. Турсунқулов масъул совет ишида бўлди ва бошқа жамоат ишларини бажарди: 1921 йилда Водил қишлоқ Советининг раиси ва Фарғона fronti Революцион ҳарбий кенгашининг вакили, 1922—1923 йилларда Чимён Волость ижроня комитетининг раиси бўлиб ишлади. Ҳ. Турсунқулов бу лавозимларда бўлган вақтида Фарғона fronti қўшинлари билан мустаҳкам алоқа боғлаб иш олиб борди, босмачиларга қарши актив курашди.

1925 йилда Ҳ. Турсунқулов «Қўшчи союзи» Чимён район комитетининг раиси қилиб сайланади. Бу комитет ўз сафларига камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларни, кўпгина қишлоқларнинг меҳнаткаш табақаларини бирлаштирган эди. Ўша йили Ҳ. Турсунқулов Йўлдош Охунбобоевнинг таклифи билан Ванновс станциясида СССР Бутуниттифоқ Марказий Ижроня Комитетининг раиси М. И. Калинин томонидан қабул қилинади.

1927—1929 йилларда Ҳ. Турсунқулов Фарғона областининг Олтиариқ районида районлараро сув хўжалиги идорасида ишлаб, сув ислохотини тезроқ тугаллашга кўп меҳнат сарфлади. Ана шу йилларда у фарғоналик тажрибали пахтакорларининг Тожикистондаги Хисор ва Вахш водийларига ихтиёрий равишда кўчиб боришининг ташкилотчиларидан бири бўлди. Уша вақтда бу водийларда пахтачиликни ривожлантириш учун кураш авж олдириб юборилган эди.

1930 йилда Ҳ. Турсунқулов Ички ишлар халқ комиссарлиги органларида ишлашга ўтади. Дастлаб у Тошкент шаҳрида район милиция бўлимининг оператив ва-

---

<sup>1</sup> Ҳ. Турсунқулов. О времени и о себе. Ташкент, издательство «Узбекистан», 1966, 5—6-бет.

кили, сўнгра 1935 йилгача Тожикистонда совхоз директори бўлиб ишлайди. Ҳ. Турсунқулов хўжалик ишларида бўлган вақтида ҳам тажрибали разведкачи сифатида Иброҳимбек тўдаларининг қолдиқларини тугатишда чекистларга ва Қизил Армия қўшинларига ҳар томонлама ёрдам бериб туради. Бунинг учун у 1932 йилда Тожикистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг Фахрий ёрлиғи ва номи ёзилган қурол билан мукофотланди.

Ҳамроқул Турсунқулов ўзбек халқининг содиқ фарзанди, коммунизм иши учун оташин курашчи Йўлдош Охунбобоевнинг улкан ва самимий дўсти эди. Улар 1918 йилда дўстлашишган бўлиб, Турсунқулов И. Охунбобоев ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача у билан ҳамнафас бўлиб иш олиб борди, кўп масалаларда у билан маслаҳатлашди.

1935 йилда Ҳ. Турсунқулов Ўзбекистонга қайтиб келди ва ўша йилнинг август ойида Тошкент область Янгийўл районидаги «Шарқ Юлдузи» (ўша вақтдаги номи «Бирлашув») колхозининг раиси қилиб сайланди. Ўша вақтда колхозга 70 та хўжалик бирлашган бўлиб, мавжуд 370 гектар экин экиладиган ернинг 225 гектарига чигит экилган эди. Коллектив хўжалик ерлари майда-майда майдонлардан иборат эди. Гектаридан атиги 5,2 центнердан пахта ҳосили олинган эди.

Бироқ 1936 йилдаёқ хўжаликда барча тармоқларнинг юксала бошлаганлиги кўзга ташланди. Пахта ва беда экиладиган майдонлар кенгайтирилди. Ғўзани яхши парвариниш қилиш ва ишлов бериш натижасида ҳар гектар ердан ўртача 17,6 центнердан ҳосил олинди.

Ҳ. Турсунқулов ўзининг бутун кучи, ғайрати, омининг ташкилотчиси сифатидаги истеъдодини, ўткир ақлидроки ва қайноқ қалбини халқ хизматига бағишлади. 30 йил мобайнида, ҳаётининг сўнгги йилларигача Ҳамроқул ака бутун мамлакатга донғи кетган улкан, кўп

тармоқли ва юқори даражада механизациялаштирилган «Шарқ Юлдузи» колхозига бошчилик қилиб келди.

У ана шу вазифада ишлаб, ўзининг бутун билими ва бой ҳаётий тажрибасини совет пахтачилигини ривожлантириш учун курашга бағишлади, ўзини пахтадан мўл-кўл ҳосил етиштиришнинг ҳақиқий мирншкори, қишлоқ хўжалигида техника тараққиётининг қизгин курашчиси сифатда намоён қилди. Турсунқулов ҳақли равишда халқ агрономи деган шухратга эга бўлган эди. Кўп кишилар уни меҳр билан оқсоқол, устоз ва доно маслаҳатчи деб аташар эди. У колхозчиларни, ишлаб чиқариш командирларини тарбиялашга кўп куч ва билимини сарф қилди. Колхоз аъзоларидан 9 кишига фидокорона меҳнати учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди, 19 киши Ленин ордени, 38 киши Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди, 350 колхозчи ўз меҳнати учун Совет Иттифоқининг бошқа орден ва медалларига сазовор бўлди.

Хўжаликда ишлаб чиқаришнинг ажойиб командирлари: ордендор Раимберди Йўлдошев, Ўсар Жўраев, Мамат Қамолов ва бошқа кўпгина кишилар етишиб чиқди.

Ҳамрақул ака пахтачиликни чуқур биладиган киши сифатида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг бу энг муҳим тармоғидаги илмий тадқиқотларнинг йўналишига кўмаклашди, пахта етиштириш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш соҳасидаги илғор тажрибаларини оммалаштириш ишига кўп куч сарфлади.

Ҳ. Турсунқулов колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ишидаги жуда катта хизматлари учун СССР Олий Совети Президиуми томонидан уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлди, 6 та Ленин ордени, 2 та Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат белгиси» ордени ва медаллар билан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий

ёрлиқлари, Халқ Хўжалиги ютуқлари виставкасининг олтин медаллари билан мукофотланди. Ҳамроқул Турсунқулов 1946 йилдан бошлаб ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг сафида бўлди, таниқли партия ва давлат арбоби даражасига кўтарилди. У беш чақириқ СССР Олий Советининг депутаты қилиб сайланди, 1958—1962 йилларда СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси бўлди, КПСС XX, XXI ва XXII съездларининг делегати, бир неча марта Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты қилиб сайланди.

Самимий, талабчан, кишиларга меҳрибон, виждонли, лекин қатъиятли ва принципиал киши бўлган, Ҳамроқул Турсунқулов ҳақли равишда Ўзбекистон меҳнаткашларининг ва ундан ташқарилардаги меҳнаткашларнинг қизғин ҳурматига сазовор бўлган эди.

Ҳ. Турсунқулов ўлиmidан бир мунча вақт олдин «Правда» газетасида «Булоқ сувидек мусаффо бўлайлик» деган мақоласи билан чиқиб, унда қуйидагиларни ёзган эди: «Мен коммунистман. Бу менинг ифтихорим. Ленин партиясининг аъзоси бўлиш катта шараф ва улкан масъулиятдир. Лекин мен ўзимни икки карра масъулиятли деб ҳис қиламан, чунки партия, халқ менга одамларга раҳбарлик қилишни ишониб топширишган, раҳбарлик қилиш учун эса маънавий ҳуқуққа эга бўлиш керак»<sup>1</sup>. У ана шундай ҳуқуққа эга эди.

Бу ажойиб ва ёрқин қиёфали кишининг ҳаёти ва фаолияти булоқ сувидек мусаффо эди, бу — чинакам жасорат, Коммунистик партия билан совет халқига чексиз хизмат қилиш намунасидир.

---

<sup>1</sup> «Правда» газетаси, 1965, 3 июль.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши . . . . .	3
Акмал Икромов . . . . .	6
Пўлдош Охунбобоев . . . . .	16
Файзулла Хўжаев . . . . .	24
Владислав Даминович Фигельский . . . . .	42
Усмон Юсупов . . . . .	47
Низомиддин Хўжаев . . . . .	54
Исидор Евстигнеевич Любимов . . . . .	58
Турор Рисқулов . . . . .	64
Раҳмат Рафиқ Абдуллабсков . . . . .	74
Тўраҳон Иброҳимова . . . . .	80
Акбар Исломов . . . . .	86
Абдулхай Тождев . . . . .	93
Абдужаббор Абдурахмонов . . . . .	100
Василий Андреевич Билбас . . . . .	109
Амин Эрматович Ниёзов . . . . .	115
Мансур Зиёевич Мирзааҳмедов . . . . .	123
Иброҳим Мўминов . . . . .	127
Ҳайдарбек Абдужабборов . . . . .	138
Абдуллажон Алихонов . . . . .	146
Жума Аташев . . . . .	151
Ҳамроқул Турсунқулов . . . . .	167

**Юсупов Э. Ю., Зиёмов Ш. С.**

«Аср билан ёнма-ён»/ [Масъул муҳар-  
рир Ҳ. Т. Турсунов]. — Т. «Ёш гвардия»,  
1983.—168 б.

Сарл. олдида. «Ўзбекистон Компар-  
тияси МК ҳузурндаги марксизм-  
ленинизм ин-тининг ф-ли».

1. Автордош.

**Юсупов Э. Ю., Зиёмов Ш. С.** Напере-  
гонки с веком.

ББК 66.61(2У)  
ЗКП1(С...)

На узбекском языке

Э. Ю. ЮСУПОВ, Ш. З. ЗИЯМОВ

Наперегонки с веком

Ташкент, издательство «Ёш гвардия», 1983.

Редактор Э. Сиддиқов

Рассом А. Қрюков

Расмлар редактори Ҳ. Раҳматуллаев

Техн. редактор Г. Аҳмаджонова

Корректор С. Саидалимов

ИБ № 1151

Теринга берилди 3. 11. 1982 й. Боснига рухсат этилди  
31. 12. 1982 й. Р—12931. Формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. 1-босма қо-  
ғозга. «Литературная» гарнитурда юқори босма усу-  
лида босилди. Босма листи 5,25. Шартли босма листи  
7,35. Нашр листи 7,05. Тиражи 7000. Шартнома 111-82.  
Баҳоси 25 т. Буюртма № 213.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия»  
нашриёти. Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30.

ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, Тошкент,  
М. Горький проспекти, 79.